ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

# “ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ”

## МОДУЛИ БЎЙИЧА

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й   М А Ж М У А

**Тузувчилар: доц. Г.Ж.Шамарибходжаева**

**доц. Х.Алимов**

Тошкент – 2014

## М У Н Д А Р И Ж А

**ИШЧИ ДАСТУР ........................................................................ 3**

**ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА ........................................................ 10**

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ ........................................................ 11**

**МАЪРУЗА МАТНИ ...................................................................... 50**

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ .................................................................... 118**

**НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .............................................................. 124**

**МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ ................................................ 126**

**МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ .................................................... 127**

**ГЛОССАРИЙ .............................................................................. 129**

**ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР ...................................................... 132**

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ........................................................... 158**

# ИШЧИ ДАСТУР

## I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Олий таълим педагогикаси ва психологияси”** модулининг мақсади - олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

**Модулнинг вазифаси:** Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари, олий таълим тизими педагог кадрлари тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, олий таълим тизимига оид таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, таълим жараёни ва таълим парадигмалари, педагогик тадқиқот методлари, олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш, таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги, шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим, педагогик коммуникацияда психологик компетентлик масалаларининг мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

## II.Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар **“Олий таълим педагогикаси ва психологияси”** модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг мақсад, вазифалари ва долзарб муаммолари;
- олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштиришнинг долзарблиги;
- олий таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- олий таълимда педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- педагогик тадқиқот методлари;
- олий таълимда таълим жараёнини ташкил этиш;
- таълим жараёнининг психологик ўзига хосликлари;
- олий таълим профессор ўқитувчиларига қўйилаётган талаблар;

- олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг инновацион фаолияти ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақидаги билимларга эга бўладилар.

**Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- олий таълим мазмунига мос машғулот шаклларини танлаш ва ўтказиш (маъруза, семинар, тажриба алмашиш, давра суҳбати, лабаратория машғулоти, тренинглар ва бошқа);
- ўқув жараёнида ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ) ва компьютерлардан фойдаланиш;
- турли дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш;
- олий таълимнинг ўқув-методик мажмуаси (ўқув дастури, қўлланма, дарслик, методик тавсиянома, предметлараро боғланиш ва бошқа схемалар)ни ярата олиш;
- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- талабаларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиши;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўладилар.

**Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- ўқув машғулотларини лойиҳалаш, режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўладилар.

## III. Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги психология, педагогик технология, педагогик махорат, АКТ ва бошқа барча блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

## IV.Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог ходимларининг педагогик махоратини ошириш ва таълим жараёнини ташкил этиш, олий таълим тизимининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## V.Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | жами | жумладан | | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма машғулот | |
| 1. | Олий таълим педагогикасининг долзарб муаммолари | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 2. | Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик. | 8 | 8 | 4 | 4 | | |
| | **Жами: 12 СОАТ** | 12 | 12 | 6 | 6 | | |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Олий таълим педагогикасининг долзарб муаммолари (2 соат)

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар.
2. Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талаблари.
3. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
4. Олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти.

Олий таълим педагогикаси ҳақида умумий тушунча. Республиканинг ижтимой-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар. Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари. Таълим борлиқни билишнинг ўзига хос шакли сифатида. Ўқитиш ва ўқитиш жараёнлари тавсифлари ва уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро алоқадорлиги. Таълим жараёни ва таълим олувчилар руҳиятидаги ўзаро алоқадорлик. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлари.

Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Олий таълим педагогларинин илмий ижодий фаолияти. Педагогик тадқиқот методлари. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш усуллари

### 2-мавзу: Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик (4 соат)

**Режа:**

1. Таълим психологияси
2. Тарбия психологияси
3. Ўқитувчи психологияси
4. Шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар.
5. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси.
6. Турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи

Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти-яратувчанлик жараёни ва ижодий фаолият натижаси эканлиги. Ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси. Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилганлиги. Педагогнинг инновацион фаолиятини тузишдаги ёндошувлар - аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив хусусиятлар.

Олий таълимда қўлланиладиган педагогик технологиялар: муаммоли таълим, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи таълим технологиялари, ўйинли ва умумий ривожлантирувчи таълим технологиялари, кейс технологиялари ва лойиҳали таълим теҳнологиялари. Талабаларда илмий тушунчаларни пайдо бўлиши. Рухий жараённинг таълим жараёнида ривожланиши. Билимларни амалиётда қўллашда малака ва лаёқатларни вужудга келиши Ахлоқий тушунчаларни ривожлантириш механизми ҳамда унинг ривожланишининг психологик хусусиятлари. Комплекс тарбия ва унинг талаба шахсига таъсири. Индивидуал тарбия ва талаба ривожланиши. Тарбияга таъсир этишнинг психологик методлари. Ўқитувчи фаолиятига психологик тавсиф. Педагогик малака ва кўникмалар. Ўқитувчи маҳорат ва ижодий изланишларининг самарадорлигини оширишнинг психологик асослари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ

Тингловчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда касбий кўникмаларини ривожлантиришга доир амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Муаммоли вазият”, “Давра суҳбати” каби таълим методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган.

## 1-МАВЗУ: Олий таълим педагогикасининг долзарб муаммолари (2 соат)

**Режа:**

1. Таълим жараёни динамик тизим эканлигини ўзлаштириш.
2. Олий таълим тизимида фаол ўқитиш метод ва шаклларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. Олий таълим ўқув жарёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш.

Дидактика – педагогиканинг таълим назарияси қонуниятларини ўргатадиган бўлими сифатида. Таълим борлиқни билишнинг ўзига хос шакли сифатида. Ўқитиш ва ўқитиш жараёнлари тавсифлари ва уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро алоқадорлиги. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш. Олий таълимда ўқитиш шакллари, маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўқув жараёнига технологик ёндашув, машғулотларни лойиҳалаштириш ва реалаштириш.

## 2-МАВЗУ: Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик (4 соат)

**Режа:**

1. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг педагогик фаолиятда психологик билимлардан фойдалана олиш маҳоратини ўзлаштириш ва таҳлил қилиш.
2. Талабанинг ўқув-билув фаолиятини таҳлил қилиш.
3. Тарбияга таъсир этишда психологик методлардан фойдаланиш.

Олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос психологик хусусиятлари. Талабанинг ўқиш мотивлари, ўқув-билув фаолияти. Ўқув-билув фаолиятни бошқариш. Талабалар тарбиясига психологик ёндашув.

**Мустақил таълим мавзулари**

- Психология фанининг назарий масалалари
- Интеллект муаммосининг ўрганилиши
- Психологияда интеллект ва ақлий тараққиёт муаммосининг тадқиқ этилиши
- Интеллектуал тестларнинг психологик асослари
- Коммуникатив малакалар ва инсоний ўзаро муносабатларга ўргатувчи психорейтинг нима?
- Қарор қабул қилиш ва муаммони ҳал этишга ундовчи психорейтинг нима?
- Соғломлаштириш тарзини сақловчи психорейтинг нима?
- Қобилиятни ривожлантирувчи ва уни йўналтирувчи психорейтинг нима?
- Шахс тараққиётига ва ўз-ўзида идентликни барпо қилишга кўмаклашувчи психорейтинг нима?
- Ўзаро тарбия жараёнини диагноз қилишнинг ҳозирги замон методлари (олий мактабда психологик хизмат)

- Таълимнинг психологик асослари
- Ўқитувчи психологиясининг айрим муаммолари
- Ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик муомаласининг психологик асослари
- Шахс психологияси ва жамоа назарияси

## Адабиётлар рўйҳати:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТГПУ им. Низами, 2006.
2. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учебное пособие для студентов педвузов и системыповыш. квалиф. педкадров. (Е.С. Полат. и др.) М.:Издательский центр «Академия». 2000 год.
3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.
4. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.
5. Голиш Л.В., Что нужно знать обучающему о современнух технологиях обучения? // Экспериментальное учебно-методическое пособие. Ташкент: ИРССПО, 2002. Сластенин В.А. и др. Педагогика. Москва: Просвещение, 2002.
6. Зиямухамедов Б.Ғ.ва бошқ. Педагогик технология асослари.Тошкент. 2006.
7. Йўлдошева С.М. Олий ва касб-хунар таълимида педагогик технологиялар. Тошкент. ЎзМУ. ОПИ. 2009.
8. Йўлдошев Ж. ва Хасанов С. Педагогик технологиялар. Тошкент ТИУ. 2006.
9. Крутский В.А. Педагогик психология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2006
10. Садыков Т.С., А.Е. Абылкасымова. Дидактические основы обучения в высшей школе. Учебно-методическое пособие. Алматы, 2000.
11. Тошимов Р.Ю. Педагогик психология. Маърузалар матни. Т.: 2002.
12. Халилова. Катталар таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш. Семинар-тренинг. Тарқатма материаллар. Тошкент. 2009.
13. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
14. Ғозиев Э.Г. Психология. Т.: “Ўқитувчи”. 1994 .

## ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

| № | Мавзу | Назарий машғулотлар | Амалий машғулотлар | Ўтказилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари | 2 | 2 | ҳар ойнинг 1-2 ҳафтасида |
| 2. | Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик | 4 | 4 | ҳар ойнинг 3-4 ҳафтасида |
| | **Жами – 12 соат** | 6 | 6 | |

# ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## Мавзу: Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. (2 соат)

### Маъруза машғулоти таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти-2 соат** | **Тингловчилар сони: 20 – 25 тагача** |
| **Машғулот шакли** | **Ахборот маъруза** |
| **Маъруза режаси** | 1.Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар.<br>2. Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талаблари.<br>3. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.<br>4. Олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти. |
| **Ўқув машғулотининг мақсади:** Тингловчиларга олий таълим педагогикасининг мақсади, вазифаси ва мазмуни ҳақида тушунча бериш ҳамда олий таълим педагогикасининг долзарб муаммоларига доир билимларни таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар:** | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| - Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёритиб бериш; | - Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритиб берадилар; |
| - олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талабларини мисоллар асосида тушунтириш; | - олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талабларини изоҳлаб берадилар; |
| - олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифаларини асослаш; | - олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифаларини тавсифлайдилар; |
| - олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти ҳақида маълумотлар бериш. | - олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти ҳақида маълумотларни ўзлаштирадилар. |
| **Таълим бериш усуллари** | Кўргазмали-маъруза, тушунтириш, “Тушунчалар таҳлили”, суҳбат методлари |
| **Таълим бериш шакллари** | Жамоавий ва гуруҳларда ишлаш |
| **Таълим бериш воситалари** | Маъруза матни, тарқатма материаллар, проектор, маркер, қоғоз, кўргазмали материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Тингловчи** |
| 1-босқич. Тайёргарлик босқичи | 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.<br>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.<br>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди. | |
| 2-босқич Кириш (15 дақиқа) | 2.1.Ўқув модулининг номини эълон қилади, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради. (1-илова).<br>2.2. Адабиётлар рўйхати билан таништиради. (2-илова)<br>2.2. Гуруҳга мавзуга оид саволлар билан мурожаат қилади. (3-илова) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар. |
| 3- босқич. Асосий (55дақиқа) | 3.1. Олий таълим педагогикаси фанинг мақсади, предмети ва вазифалари, олий таълим тизимида таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни визуал тарзда намойиш этади ва тушунтиради. (4-илова)<br>3.2. “Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари” мавзусига оид саволлар билан мурожаат қилади ва тингловчиларни суҳбатга тортади.(5-илова)<br>3.3..Тингловчилар жавобларга аниқликлар киритади, тўлдиради ва хулосалайди.<br>3.4. Мавзуга оид берилган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланади. Экранда мавзуга оид тушунчалар ёзилган жадвални кўрсатади ва ҳар бир тушунчанинг мазмунини жуфтликда ёритиш вазифасини топширади. Тушунчалар мазмуни тўғри ёритилган жадвални кўрсатади ва тингловчилардан ўзлари тўлдирган жадваллар билан солиштиришлари сўралади. (6- илова)<br>3.5. Мавзу бўйича якуний хулосани беради | 3.1. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.<br>3.2. Ўз фикр мулоҳазалари билан мунозарада иштирок этадилар. Ўзгалар фикрлари-ни тинглайдилар, ўз фикрларини ҳимоя қиладилар.<br>3.3. Мавзуга тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар. Янги маълумотлар билан танишадилар.<br>3.4. Жадвалда берилган тушунчалар мазмунини жуфтликларга бўлиниб ёритадилар. Тўғри жавоблар билан солиштирадилар. Хато ва камчиликларга тузатишлар киритадилар.<br>3.5. Тинглайдилар, хулоса чиқарадилар. |
| 4- босқич. Якуний (10 дақиқа) | 4.1. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. Машғулотни якунлайди<br>4.2. Топшириқлар беради. | 4.1.Тинглайдилар.<br><br>4.2.Топшириқларни оладилар. |

1-*илова*

**МАВЗУ: *ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ***

***МАҚСАД: Тингловчиларга олий таълим педагогикасининг мақсади, вазифаси ва мазмуни ҳақида тушунча бериш ҳамда олий таълим педагогикасининг долзарб муаммоларига доир билимларни таркиб топтириш.***

***РЕЖА:***

***1.Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар.***
***2. Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талаблари.***
***3. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.***
***4. Олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти.***

2-*илова*

**ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат . Т.: ТГПУ им. Низами, 2006.
3. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учебное пособие для студентов педвузов и системыповыш. квалиф. педкадров. (Е.С. Полат. и др.) М.:Издательский центр «Академия». 2000 год.
4. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.

3-*илова*

**МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Олий таълимни ислоҳ қилишдан асосий мақсад нима?
2. Ўзбекистонда олий таълимнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳақида тушунча беринг.

4-*илова*

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-*слайд*

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ

**Олий ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, талабаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг мазмуни, шакл-усуллари, қонуниятлари ҳақидаги педагогик фандир.**

2-*слайд*

### ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ

**Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакатимизни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланган давлатга айлантириш эхтиёжларидан келиб чиқади.**

**Юқоридаги эхтиёжни қондирувчи маънан етук, ахлоқан пок, интеллектуал салоҳиятли, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан иборат.**

3-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАҚСАДИ**

***Олий таълим тузилиши, мазмунини, шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўлиқ халос этиш асосида, ривожланган демократик давлатлар даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат***

4-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИФАЛАРИ**

***Давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида таълимни ташкил этиш;***

***Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ривожланган истиқболлари, демократик жамият қуриш талабларига биноан фан, техника, илғор технологиялар, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш усулларини мунтазам такомиллаштириш;***

***Талаба ёшларни миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси, умуминсоний ва миллий қадриятларни эгаллаши асосида ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;***

***Ўқув амалиётига илғор педагогик ва ахборот технологияларини киритиш, таълимни индивидуаллаштириш, масофавий таълим***

***Таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;***

***Илмий педагогик кадрлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятлари орқали, фан техника ва технологияларни ривожлантириш;***

5-*слайд*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛПРИ

- ***Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги.***
- ***Таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги***
- ***Олий таълимнинг дунёвийлиги***
- ***Олий таълимнинг ҳамма учун очиқлиги***
- ***Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш***
- ***Билимларни онгли ўзлаштириш***
- ***Талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш***
- ***Таълимни талабанинг ёш хусусиятига мослиги.***
- ***Билим ўзлаштиришда изчиллик ва тизимлилик***
- ***Таълимнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги.***
- ***Кўрсатмалилик, техник воситалардан фойдаланиш***

6-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАРИ**

| ҲУҚУҚЛАРИ | БУРЧЛАРИ |
|---|---|
| ИЛМИЙ КЕНГАШГА САЙЛАШ, САЙЛАНИШ | БЕЛГИЛАНГАН ЎҚУВ ЮКЛАМАСИНИ БАЖАРИШ |
| МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ, ҲАЛ ЭТИШДА ҚАТНАШИШ | ШАРТНОМА ВА ГРАНТЛАР БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРНИ БАЖАРИШ |
| ТУРЛИ МАРКАЗ, БЎЛИНМАЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ | ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ |
| ЎҚУВ КУРСЛАРИ МАЗМУНИНИ СТАНДАРТГА МУВОФИҚ АНИҚЛАШ | ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ |
| ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ, ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ | ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРГА ПЕДАГОГИК ОДОБ НОРМАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ |
| ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ | ТАЛАБАЛАРДА БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ |
| МОДДИЙ ТЕХНИК ТАЪМИНОТНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ. | ЎЗ МАЛАКАСИНИ МУНТАЗАМ ОШИРИБ БОРИШ |

5-*илова*

**СУҲБАТ МЕТОДИ**

***Ушбу метод бирмунча кенг тарқалган ва айни вақтда ўқув жараёнига таълим олувчиларни фаол жалб этишнинг нисбатан оддий шаклидир. У диалог, полилог усулларини оқилона қўллаш орқали таълим олувчиларни таълим берувчи билан жадал суҳбатга чорлашни талаб этади. Бундай ҳолатда фаоллаштириш воситалари сифатида аудиторияга бериладиган алоҳида саволлар, аста-секин тортишувга ўтадиган мунозарани ташкил этиш, муқобил ҳолатни ҳосил қилиш учун шароит яратиш кабиларни киритиш мумкин.***

**МЕТОДНИ ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ**

***1. Аудиторияга мавзуга оид муаммоли саволлар билан мурожаат қилади.***

***2. Берилган фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилади, аниқлик киритилади, муаммонинг аҳамияти ва муҳимлиги асосланади.***

***3. Тингловчилар берилган жавоблар асосида мустақил фикрлайдилар, якуний хулосалар чиқарадилар, муҳокамага тортилган муаммоларнинг аҳамияти ва муҳимлигини тушуниб оладилар, бу эса ўз навбатида уларнинг материалга бўлган қизиқиши ва уни қабул қилиш даражасини оширади.***



6-*илова*

**ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДИ**

***Ушбу интерфаол методни ўқув жараёнига татбиқ этишда гуруҳ тингловчиларни жуфтликларга бирлашишлари талаб этилади. Ҳар бир жуфтлик учун мавзуга оид тушунчалар келтирилган жадвал шаклидаги тарқатмалар берилади ва белгиланган вақт ичида тушунчалар мазмунини ёритишлари сўралади. Вазифа бажарилгач, тушунчалар мазмуни тўғри таҳлил қилинган жадвал кўрсатилади ва жуфтликлар бажарган вазифа натижалари билан солиштирилади. Баҳолаш меъёри асосида ўз-ўзини баҳолаш принципи қўлланилади.***

| **ТУШУНЧАЛАР** | **ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ** | **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ** |
|---|---|---|
| ПЕДАГОГИКА | | |
| ПСИХОЛОГИЯ | | |
| ОЛИЙ ТАЪЛИМ | | |
| ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ | | |
| ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ | | |
| ТАЪЛИМ МАЗМУНИ | | |

**НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ**

| АЙНАН ТЎҒРИ ЖАВОБ УЧУН | ТЎҒРИ ЖАВОБГА ЯҚИН | ҚИСМАН ТЎҒРИ ЖАВОБ | НОТЎҒРИ ЖАВОБ |
|---|---|---|---|
| 5 БАЛЛ | 4-3 БАЛЛ | 3-2 БАЛЛ | 0 |

| ТУШУНЧАЛАР | ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ | ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ |
|---|---|---|
| **ПЕДАГОГИКА ФАНИ** | Тарбиянинг умумий қонуниятлари, ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан | |
| **ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ** | Одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан | |
| **ОЛИЙ ТАЪЛИМ** | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида олий маълумотли, малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган таълим. | |
| **ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ** | Маълум бир шароитда таълим-тарбия мақсади сари йўналтирилган ўзига хос воситалар асосида, мўлжалланган педагогик натижалар билан якунланадиган хатти-ҳаракатлар тизими. | |
| **ТАЪЛИМ БЕРИШ** | Таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолият. | |
| **ТАЪЛИМ МАЗМУНИ** | Инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери | У тегишли меъёрий ҳужжатлар шаклида расмийлаштирилади. |

## Амалий машғулот таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| **Вақти - 80 минут** | **Тингловчилар сони 15- 25 нафар** |
| **Ўқув машғулотининг шакли** | **Амалий машғулот** |
| **Амалий машғулотнинг режаси** | 1. Таълим жараёни динамик тизим эканлигини ўзлаштириш.<br>2. Олий таълим тизимида фаол ўқитиш метод ва шаклларини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>3. Олий таълим ўқув жарёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади*: Олий таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назарий билимларини мустаҳкамлаш асосида ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид кўникмаларини ривожлантириш.** | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** |
| - таълим жараёни динамик тизим эканлигини ўзлаштириш; | - таълим жараёнининг мазмун моҳияти, таълим тизим сифатида ва таълим жараёнини ташкил этувчилари ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. |
| - олий таълим тизимида фаол ўқитиш метод ва шаклларини ўрганиш ва таҳлил этиш; | - олий таълим тизимида фаол ўқитиш метод ва шаклларидан фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри фойдалана олиш кўникмасига эга бўлади. |
| - олий таълим ўқув жарёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш. | - Олий таълим ўқув жарёнини лойиҳалаштириш ва режалаштириш жараёнини ўрганади ва амалиётга татбиқ этади. |
| **Ўқитиш усуллари** | Тушунтириш, амалий иш, “Блиц сўров”, “Кичик гуруҳларда ишлаш” методлари. |
| **Ўқитиш воситалари** | Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар, географик атласлар. |
| **Ўқитиш шакли** | Жамоа ва якка тартибда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Ахборот коммуникацион технологиялари билан жиҳозланган аудитория. |
| **Баҳолаш ва мониторинг** | Оғзаки сўров |

## Амалий машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Тингловчи |
| 1-босқич. Тайёргарлик босқичи | 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.<br>1.2. Амалий машғулотлар бажариш учун топшириқлар тайёрлайди.<br>1.3. Мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди. | |
| 2-босқич Кириш (10 дақиқа) | 2.1.Ўқув модулининг номини эълон қилади, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради. (1-илова).<br>2.2. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати билан таништиради. (2-илова) | 2.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br><br>2.2. Ёзиб оладилар. |
| 3- босқич. Асосий (60 дақиқа) | 3.1. Олий таълимда дидактик қонуниятлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва олиб бориш; ўқитишнинг ноанъанвий шакл методлари, ўқув машғулотининг мазмунига мос интерфаол методларни танлаш; ўқув машғулотининг таълим технологиясини ишлаб чиқишга оид маълумотларни кўргазмали тарзда бериб ўтади. (3 илова).<br>3.2.Блиц сўров орқали берилган маълумотларни тингловчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлик даражаси аниқланади. (4-илова). Топшириқни тўғри вариантини экранда намойиш этади ва тингловчилардан ўзлари бажарган топшириқлар билан солиштиришлари сўралади.<br>3.3.Гуруҳдан кичик гуруҳлар шакллантиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради ва ҳар бир гуруҳ учун мавзуга оид топшириқлар беради. (5-илова).<br>3.4.Гуруҳ фаолиятини назорат қилади. Лозим топилган вазиятларда маслаҳатлар бериб боради.<br>3.5.Гуруҳ тақдимоти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини беради, тузатишлар киритади ва гуруҳлар фаолиятини баҳолайди.<br>3.6.Мавзуни хулосалайди. | 3.1. Тинглайдилар, назарий маълумотларни ёдга оладилар, ёзиб оладилар.<br>3.2. “Блиц сўров”да иштирок этадилар берилган топшириқни бажаришга киришадилар, бажарилган топшириқни тўғри вариант билан солиштирадилар, ўз-ўзларини баҳолайдилар.<br>3.3. Кичик гуруҳларга бўлинадилар, гуруҳда ишлаш қоидалари билан танишадилар ва берилган амалий топшириқни бажаришга киришадилар.<br>3.4. Топшириқни бажаришга оид саволлар берадилар ва керакли маслаҳатларни оладилар.<br>3.5. Гуруҳ тақдимотида қатнашадилар. Фикр-мулоҳазаларини берадилар. Хато ва камчиликларга биргаликда тузатишлар киритадилар. Гуруҳ баҳоси билан танишадилар.<br>3.6. Тинглайдилар. |
| 4- босқич. Якуний (10 дақиқа) | 4.1. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. Машғулотни якунлайди.<br>4.2. Топшириқлар беради. | 4.1.Тинглайдилар. Савол берадилар.<br>4.2.Топшириқларни оладилар. |

1-*илова*

**МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ (амалий машғулот)**

**МАҚСАД:** *: Олий таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назарий билимларини мустаҳкамлаш асосида ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид кўникмаларини ривожлантириш.*

**РЕЖА:**

1. *Таълим жараёни динамик тизим эканлигини ўзлаштириш.*
2. *Олий таълим тизимида фаол ўқитиш метод ва шаклларини ўрганиш ва таҳлил этиш.*
3. *Олий таълим ўқув жарёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш.*

2-*илова*

**ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Йўлдошева С.М. Олий ва касб-хунар таълимида педагогик технологиялар. Тошкент.ЎзМУ. ОПИ.2009.
2. Йўлдошев Ж ва Хасанов С. Педагогик технологиялар. Тошкент ТИУ. 2006.
3. Садыков Т.С., А.Е. Абылкасымова. Дидактические основы обучения в высшей школе. Учебно-методическое пособие. Алматы, 2000.
4. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
5. Сайидаҳмедов Н.С., Абдураҳимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.- Т.: ТДТУ ҳузуридаги ОИПИ нашри, 2010.

3-*илова*

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР.

1-*слайд*

### ДИДАКТИКА

**Дидактика** (грекча *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

“Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги *Вольфганг Ратке* томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

2-*слайд*

### ДИДАКТИКАНИНГ БАХС ДОИРАСИ

| | |
|---|---|
| КИМНИ ЎҚИТИШ?<br>НИМА УЧУН ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ |
| ҚАНДАЙ АСОСДА ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМНИНГ ҚОНУН, ҚОНУНИЯТЛАРИ, ТАМОЙИЛ, ҚОИДАЛАРИ |
| НИМА НИ ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
| ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.<br>ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАР.<br>ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ |

3-*слайд*

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР ВА УЛАР ДИНАМИКАСИ**




4-*слайд*

**ТАЪЛИМ МАҚСАДИ**

**Мақсад - кўзланаётган натижа модели кўринишидаги муҳим йўналишнинг маҳсули.**

***Бу эса, таълим субъектларининг фаолият якунида эгаллашлари кўзланаётган наттижадир.***

**Мақсад-фаолиятнинг ниҳоят даражада олдиндан билиш натижаси.**

**Мақсадни белгилаш – технологиялаштиришнинг асосий омили ҳисобланиб, педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини тузиш ҳамда ташкиллаштириш шундан бошланади.**

5-*слайд*


ШАКЛ
forma-лотинча-ташқи кўриниш) – ташқи қобиқ, ташқи кўриниш маъносини ифодалайди.
ТАЪЛИМ ШАКЛИ
бу ўқув жараёнини мавжуд бўлиш йўли, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқдир.
МЕТОД
юнонча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл маъносини англатади
ТАЪЛИМ МЕТОДИ
белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли

6-*слайд*




7-*слайд*

**Олий таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари (проф. Н.Сайдаҳмедов)**

1. ***Танланган методнинг таълим ва тарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга йўналганлиги.***
2. ***Таълим мазмуни хусусиятига мос келиши.***
3. ***Талабаларнинг ўқув имкониятларига мослиги.***
4. ***Педагогнинг хусусий имкониятларига мослиги.***
5. ***Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мослиги.***
6. ***Педагогик технология принципларига мослиги***

8-*слайд*

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЁНДАШУВЛАР ТАСНИФИ

| АНЪАНАВИЙ | ТЕХНОЛОГИК | ИЗЛАНУВЧАН |
|---|---|---|
| АХБОРОТНИ ТАЪЛИМ БЕРУВЧИДАН ТАЪЛИМ ОЛУВЧИГА ЎТКАЗИШ | ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ. | МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ. |
| ЎҚУВ МАҚСАДЛАРНИНГ НОАНИҚЛИГИ. СУҲБАТ ВА ҲИКОЯГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ | ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ МУМКИН ҚАДАР АНИҚЛАШТИРИШ ВА КЛАРНИ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИНИАНГЛАТУВЧИ ФЕЪЛЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ. | ЎҚУВ ИШЛАРИГА ОИД ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИШ. ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШ. ИЛМИЙ ТАҲМИННИ ОЛҒА СУРИШ ВА УНИ ТЕКШИРИШ. |
| ТАЪРИФЛАШГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ, АХБОРОТНИ ЎЗ ХОҲИШИГА ҚАРАБ ЁДЛАШ, ДОИМО ЭСЛАБ ҚОЛИШГА УНДАШ, ХОТИРАДА АХБОРОТЛАРНИ ЙИҒИЛИШИ. БИЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИ АЛОҲИДА ОЛИНГАН ФАНЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШИ, ЯХЛИТЛИКНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ, МАШҒУЛОТЛАР ЮҚОРИ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТДА ВА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИНИНГ МУТАХАССИСЛИГИ БИЛАН БОҒЛАНМАГАН ҲОЛДА ОЛИБ БОРИЛИШИ. | ТЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ УЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ. СОЗЛОВЧИ ҚАЙТУВЧАН АЛОҚА. ШАКЛЛАНУВЧИ ВА ТЎПЛПНУВЧИ БАҲОЛАШ.<br><br>МЕЗОНИЙ НАЗОРАТ. БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИНГ ТЎЛА ЎЗЛАШТИРИЛИШИ. БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ. ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. | МАЪЛУМОТЛАР ЙИҒИШ. МОДЕЛЛАШ, ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ. ИЖОДИЙ ТАНҚИДИЙ ФИКР ЮРИТИШ. КЎП МЕЗОНИЙЛИК. АСОСЛАНГАНЛИК.<br><br>ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ. РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ. ШАХСИЙ ФИКР МАЪНОСИНИ ИЗЛАШ. АҚЛ-ЗАКОВАТ, ЖАВОБГАРЛИК, МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЯНГИЛИКЛАРГА СЕЗГИР БЎЛИШ |

9-*слайд*




10-*слайд*



11-*слайд*

**ДАРСГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР**

***1. Ўқув мақсадларини аниқ ва равон белгилаш, дарс босқичларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.***

***2.Таълим мазмунини аниқлаш, уни ўқув дастури, стандарт талаблари меъёрига мос келиши.***

***3. Билимларни ўзлаштириш орқали таълим олувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш.***

***4. Машғулот мазмунига мос усул ва воситаларни танлай олиш.***

***5. Дарс жараёнида турли дидактик принциплардан фойдаланиш.***

12-*слайд*

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ**

1. ***Мавзуга оид материалларни йиғиш.***
2. ***Таълим мақсади ва вазифаларни белгилаш.***
3. ***Таълим мазмунини ишлаб чиқиш.***
4. ***Таълим шакл, кскл ва воситаларини танлаш.***
5. ***Вақт ўрнини белгилаш.***
6. ***Машқлар тизимини ишлаб чиқиш.***
7. ***Таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш учун топшириқ саволларини ва тест топшириқларини ишлаб чиқиш.***
8. ***Лойиҳани ўқув жараёнига татбиқ этиш.***

*13-слайд*

## БЛИЦ СЎРОВ МЕТОДИ

Ушбу метод тингловчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишни, мантиқий фикрлаш, турли маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни ўрагатишга қаратилган. Ушбу метод орқали тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўлиш каби кўникмаларни шакллантиради.

**“Блиц сўров” методининг босқичлари.**

- Методни ўтказилиш шартлари билан таништириш;
- Барча тингловчилар учун алоҳида-алоҳида тарқатма материаллар бериш ва материални синчиклаб ўрганишни сўраш;
- Тарқатмаларга берилган ҳаракатларни кетма-кетлигини белгилаб “якка баҳо” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқиш талаб этилади;
- Якка тартибда ишлашдан гурух тартибида ишлашга ўтиш;
- Гуруҳларда ҳар бир тингловчи ўзи белгилаб чиққан ҳаракатлар кетма-кетлигининг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида бахслашадилар ва гурух билан келишиб муқобил жавобларда тўхтайдилар. Гуруҳнинг ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилашдаги қарори тарқатманинг “гурух баҳоси” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқилади;
- Гурухлар вазифани бажариб бўлганларидан кейин ўқитувчи томонидан тўғри жавоб берилади ва тарқатмалардаги “тўғри жавоб” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқиш сўралади.
- Ўқитувчи “тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамларни “Якка баҳо” ва “Гурух баҳоси” бўлимларидаги рақамлар билан солиштиришни ва каттасидан кичигини солиштиришни, чиққан айирмаларни эса “якка хато” ва “гурух хатоси” бўлимларига ёзиб қўйишларини сўрайди;
- Ўқитувчи машғулотни якунлаб, баъзи гурухларнинг машғулот мобайнидаги иш фаолиятига ўз муносабатини билдиради ва иловадаги мезонлар асосида баҳолайди.

14-*слайд*

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ.

| Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси | Тўғри жавоб | Якка хато | Якка баҳо | Ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 6 | | | Машқлар тизимини ишлаб чиқиш |
| | | 5 | | | Вақт ўрнини белгилаш |
| | | 3 | | | Таълим мазмунини ишлаб чиқиш |
| | | 8 | | | Лойиҳани ўқув жараёнига татбиқ этиш |
| | | 1 | | | Мавзуга оид материаллар йиғиш |
| | | 7 | | | Таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш |
| | | 2 | | | Таълим мақсади ва вазифаларини белгилаш |
| | | 4 | | | Таълим шакли, усул ва воситаларини танлаш |

## НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ.

| | |
|---|---|
| 8 та тўғри жавоб учун | “Аъло” |
| 6-7 та тўғри жавоб учун | “Яхши” |
| 4-5 та тўғри жавоб учун | “Қониқарли” |

## КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ

*Ушбу метод таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бошқаришга қаратилган. Метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, ўз фикрларини ифода этиши, бир-биридан ўрганиши, турли нуқтаи-назарларни инобатга олиш имконига эга бўлади. Тренер томонидан вақт белгиланади. Таълим берувчи томонидан бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолайди.*

*2-модул бирлигини ўзлаштириш жараёнида "Кичик гуруҳларда ишлаш" методидан фойдаланилади. Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратиб, мавзу юзасидан топшириқлар берилади. Гуруҳлар белгиланган вақт оралиғида топшириқни бажарадилар ва қоғозга ёзадилар. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, бажарилган вазифалар гуруҳ вакили томонидан тақдимот қилинади.. Ҳар бир тақдимотчи таълим берувчи ва тингловчилар томонидан баҳоланиб борилади. Тингловчилар баҳолаш мезонлари билан амалий машғулот бошлангунга қадар таништирилади ва баҳолаш варақалари тарқатилади. Барча тақдимотдан сўнг муҳокама бўлиб ўтади. Муҳокамада бажарилган вазифалар тўлдирилади ва хулоса қилинади.*

### ГУРУҲЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

**1-гурух: "ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ" мавзусидаги 2-соатли назарий машғулот лойиҳалаштиринг ва режалаштиринг.**

**2-гурух: "ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ" мавзусидаги 2-соатли амалий машғулотни лойиҳалаштиринг ва режалаштиринг.**

**3-гурух: "ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ" ва "ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ" тушунчаларини қиёсий таҳлил қилинг.**

**4-гурух: Таълим жараёнига анъанавий ва ноанъанавий ёндошувларни қиёсий таҳлил қилинг.**

## ГУРУҲ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

| Мезонлари | Баллар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2 | 3 | 4 | 5 |
| **Мазмунинг тўғри ёритилганлиги** | | | | |
| **Гуруҳнинг фаол иштироки** | | | | |
| **Белгиланган вақтга риоя этилганлиги** | | | | |
| **Тақдимоти** | | | | |

**Баҳолаш меъёрлари: Юқори балл-20 балл**

**18-20 баллгача -“АЪЛО” ;**

**15-17 баллгача -“ЯХШИ” ;**

**12 - 14 баллгача -“ҚОНИҚАРЛИ”;**

# 2 МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КОММУНИКАЦИЯДА ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК (4 соат)

**Маъруза машғулоти таълим технологияси модели**

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти-4 соат*** | **Тингловчилар сони: 20 – 30 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | Инпут ўқитиш технологиясига асосланган маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Таълим психологияси<br>2.Тарбия психологияси<br>3.Ўқитувчи психологияси<br>4.Шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар.<br>5. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси.<br>6. Турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Тингловчиларга педагогик коммуникацияда психологик хусусиятлар, унинг мақсад ва вазифалари моҳияти ҳақида тушунча бериш, уларда билим, малака, кўникма шакллантириш. | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| - таълим психологияси ҳақида умумий тушунча бериш. | - таълим психологияси ҳақида умумий тушунчага эга бўладилар. |
| - тарбия психологияси хусусиятларининг педагогик аҳамиятини ёритиб бериш. | - тарбия психологияси хусусиятларининг педагогик аҳамиятини англаб етади. |
| - ўқитувчи психологияси хусусиятларини мисоллар асосида тушунтириш. | - ўқитувчи психологиясининг ўзига хос жиҳатлари билан танишади. |
| - шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар шакллари тўғрисида маълумот бериш. | - шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар шакллари тўғрисида маълумотларга эга бўлади. |
| - таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси ва уларга қўйиладиган талаблар шаклларини изоҳлаш. | - таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси ва уларга қўйиладиган талаблар шаклларини изоҳлайди. |
| - турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи амалий шарҳлаб бериш. | - турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи амалий шарҳлаб беради. |
| ***Таълим бериш усуллари*** | Кўргазмали-маъруза, савол-жавоб, “Ақлий хужум”, суҳбат. |
| ***Таълим бериш шакллари*** | Жамоавий ва гуруҳда ишлаш |
| ***Таълим бериш воситалари*** | Маъруза матни, тарқатмали материал, проектор, кўргазмали материаллар |
| ***Таълим бериш шароити*** | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| ***Мониторинг ва баҳолаш*** | Оғзаки назорат: савол-жавоб, Тест, тақдимот |

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Тингловчи |
| 1-босқич. Тайёргарлик босқичи | 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.<br>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.<br>1.3. Мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди. | |
| 2-босқич Кириш (20 дақиқа) | 2.1.Машғулотнинг мавзусини айтади. Экранга мавзунинг режаларини чиқаради ва уларга таянч иборалар асосида қисқача таъриф беради. (1-илова)<br>2.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.<br>2.3.Тингловчиларни билимларини фаоллаштириш мақсадида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланади (2-илова) | 2.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br>2.2. Ёзиб оладилар.<br>2.3.Саволларга жавоб берадилар. |
| 3- босқич. Асосий (120 дақиқа) | 3.1.PowerPoint дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради. (3-илова)<br>3.2.Психологик тарбия, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда педагогик тарбия ҳақидаги маълумотларни бериш жараёнида тингловчиларни суҳбатга тортади.<br>3.3.Тингловчиларга психологик тарбиялаш манбалари ва ёшларни ижтимоий ҳаётга тарбиялаш, психологик тарбияни олиб боришнинг шакллари, Олий таълимда маъруза ва инпут дарсларни ташкиллаштириш омиллари ҳақида маълумотларни шарҳлайди, тавсифлайди.<br>3.4. Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.<br>3.5.Машғулотда фаол иштирок этган, тингловчиларни рағбатлантиради ва баҳолайди.<br>3.6.Мавзуни хулосалайди. | 3.1. Тинглайдилар, томоша қиладилар, ёзиб оладилар.<br>3.2. Суҳбатда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этадилар.<br>3.3. Тинглайдилар.<br>3.4. Қизиқтирган саволлар билан мурожаат қиладилар.<br>3.5. Тинглайдилар.<br>3.6. Якуний хулоса билан танишадилар. |
| 4- босқич. Якуний (20 дақиқа) | 4.1.. Машғулотни якунлайди. Психологик терминларга эътибор қаратади ва ёзиб олишларини сўрайди.<br>4.2. Топшириқлар беради. | 4.1.Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.<br>4.2.Топшириқларни оладилар. |

1-*илова*

**МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КОММУНИКАЦИЯДА ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК**

**МАҚСАД:** ***Тингловчиларга педагогик коммуникацияда психологик хусусиятлар, унинг мақсад ва вазифалари моҳияти ҳақида тушунча бериш, уларда билим, малака, кўникма шакллантириш.***

**РЕЖА:**

***1. Таълим психологияси***

***2.Тарбия психологияси***

***3.Ўқитувчи психологияси***

***4.Шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар.***

***5. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси.***

***6. Турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи***

2-*илова*

**Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.**

**1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.**

**2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.**

**3. Ғояларни баҳоланг.**

**4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантиради.**

**5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.**

**“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ УЧУН САВОЛЛАР**

**1. Психология фанининг мазмун-моҳиятини ёритинг.**

**2. Ўқитувчи психологияси деганда нимани тушунасиз?**

**3. Таълим жараёнига психологик ёндашув деганда нимани тушунасиз?**

3-*илова*

**ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

1-*слайд*



2-*слайд*




3-*слайд*

***ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ***

| АСОСИЙ МЕТОДЛАР | Асосий методларнинг вариантлари |
|---|---|
| КУЗАТИШ МЕТОДИ | Ташқи (объектив кузатиш)<br>Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш)Эркин кузатув<br>Стандартлаштирилган<br>Гуруҳ ичида кузатиш<br>Гуруҳ ташқарисида кузатиш |
| СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ | Оғзаки сўроқ<br>Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат)<br>Стандартлаштирилган сўроқ |
| ТЕСТЛАР МЕТОДИ | Тест - сўров<br>Тест - топшириқ<br>Проектив тест<br>Социометрик тест |
| ЭКСПЕРИМЕНТ | Табиий эксперимент<br>Лаборатория эксперименти |
| МОДЕЛЛАШТИРИШ | Математик моделлаштириш<br>Мантиқий моделлаштириш<br>Техник моделлаштириш<br>Кибернетик моделлаштириш |

4-*слайд*




5-*слайд*



6-*слайд*




7-*слайд*



**МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КОММУНИКАЦИЯДА ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК (4 соат)**

## Амалий машғулот таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| **Вақти - 4 соат** | Тингловчилар сони 15- 25 нафар |
| **Ўқув машғулотининг шакли** | Амалий машғулот |
| **Амалий машғулотининг режаси** | 1.Амалий психологиянинг айрим методологик ва услубий масалалари.<br>2. Психологик методлар ва диагностик ёндашув.<br>3. Психологик метод йўналишлари.<br>4. Психологик методларнинг умумий чизмаси |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади*: Психологиянинг замонавий методлари ҳақидаги назарий билимлар асосида улардан таълим жараёнида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.** | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** |
| - амалий психологиянинг айрим методологик ва услубий масалаларини ёритиш;<br>- психологик методлар ва диагностик ёндашувни амалга ошириш тартиби билан таништириш;<br>- психологик метод йўналишларини тавсифлаш;<br>- психологик методларнинг умумий чизмасибилан таништириш. | - амалий психологиянинг айрим методологик ва услубий масалаларини таҳлил қилади.<br>- психологик методлардан фойдаланишда диагностик ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари мазмунини ёрита олади.<br>- психологик метод йўналишларини тавсифлайди.<br>- психологик методларнинг умумий чизмаси мазмунини ўзлаштиради. |
| ***Ўқитиш усуллари*** | Маъруза, “Ақлий ҳужум”, намойиш этиш, зигзаг техникаси |
| ***Ўқитиш воситалари*** | Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар, географик атласлар. |
| ***Ўқитиш шакли*** | Жамоа ва якка тартибда ишлаш. |
| ***Ўқитиш шарт-шароити*** | Ахборот коммуникацион технологиялари билан жиҳозланган аудитория. |
| ***Баҳолаш ва мониторинг*** | Оғзаки сўров |

## Амалий машғулотининг технологик харитаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Тингловчи |
| 1-босқич. Тайёргарлик босқичи | 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.<br>1.2. Амалий машғулотлар бажариш учун топшириқлар тайёрлайди.<br>1.3. Мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди. | |
| 2-босқич Кириш (10 дақиқа) | 2.1.Ўқув модулининг номини эълон қилади, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради. (1-илова).<br>2.2. Ўқув машғулотининг шакли, ўтказилиш тартибини тушунтиради ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.<br>2.3. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати билан таништиради. (2-илова) | 2.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br>2.2. Билиб оладилар.<br>2.3.Ёзиб оладилар. |
| 3- босқич. Асосий (140 дақиқа) | 3.1. Машғулот режаси бўйича визуал тарзда қисқа маълумотларни бериб ўтади. (3 илова).<br>3.2. Ақлий хужум методи орқали тингловчиларни фаоллаштиради ва “Психологиянинг қандай замонавий методларини биласиз? Саволи билан мурожаат қилади. Бир тингловчига жавобларни доскада ёзиб боришни таклиф қилади. Фикр билдириш тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади (15 дақиқа).<br>3.3. Тингловчиларни тўртта кичик гуруҳларга бўлади. Машғулотнинг ўтказилиш тартибини яна эслатади. Ўқув машғулоти «ўзи ўрганиб, ўзгага ўргатиш», яъни ҳамкорликда ўрганиш принципи асосида ўтказилишини айтади (Зигзаг. 4-илова). Гуруҳларга эксперт варақларини, шу билан бирга ҳар бир тингловчига геометрик шакл тарқатади ва фаолиятларини ташкил қилади (геометрик шаклларни вақтинча бир жойга қўйишларини, вақти келганда ундан фойдаланишларини айтади) Гуруҳларда ишни ташкил қилади. (матнни ўрганиб, муҳокама қилишга 15 дақиқа беради).<br>3.4. Доира олган тингловчилар 1-стол, учбурчак шаклини олганлар 2-стол ва туртбурчак олганлар 3-стол атрофига ўтиришларини айтади. Ҳар хил гуруҳлардан тўпланган тингловчилар ўз саволларини бошқа | 3.1. Тинглайдилар, томоша қиладилар.<br>3.2.Саволни муҳокама қилиб, уларга жавоб берадилар.<br>3.3.Гуруҳлар фаолиятни ташкил қиладилар. Матнларини ўқиб, саволларга жавоб топадилар. Маълумотни муҳокама қилиб, фикр алмашиб, системалаштирадилар. Формат қоғозига схема тарзида туширадилар.<br>3.4. Тингловчилар белгиланган стол атрофига ўтириб, бир-бирига жавобларни тушунтирадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | тингловчиларга ёритишини тушунтиради. Ўзаро ўргатиш жараёни бошланади (15 дақиқа).<br>Педагог тингловчилар фаолиятини кузатади, уларни йўналтиради, маслаҳатлар беради.<br>3.5. Тингловчиларни узларини дастлабки жойларига, стол атрофига келиб ўтиришларини айтади.<br>3.6. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳдан 3 тадан тингловчи чиқиб, фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун ҳар бир гуруҳга 8 дақиқадан вақт ажратади. Таълим берувчи йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.<br>3.7. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти охирида эксперт саволлари бўйича хулосалар қилади.<br>3.8.Гуруҳлар ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади. | 3.5.Дастлабки жойларига келиб ўтирадилар.Тайёр маълумотни тақдим этиш учун чизмали органайзерлар ишлаб чиқадилар.<br>3.6.Гуруҳ сардорлари тайёр маълумотлар-ни тақдим этадилар.<br>3.7.Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради.<br>3.8. Бир-бирларини баҳолайдилар. |
| 4- босқич.<br>Якуний<br>(10 дақиқа) | 4.1. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. Машғулотни якунлайди.<br>4.2. Топшириқлар беради. | 4.1.Тинглайдилар. Савол берадилар.<br>4.2.Топшириқларни оладилар. |

1-*илова*

**МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:** ***Психологиянинг замонавий методлари ҳақидаги назарий билимлар асосида улардан таълим жараёнида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.***

**РЕЖА:**

1.***Амалий психологиянинг айрим методологик ва услубий масалалари.***

***2. Психологик методлар ва диагностик ёндашув.***

***3. Психологик метод йўналишлари.***

***4. Психологик методларнинг умумий чизмаси***

2-*илова*

**ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Йўлдошева С.М. Олий ва касб-хунар таълимида педагогик технологиялар. Тошкент.ЎзМУ. ОПИ.2009.
2. Йўлдошев Ж ва Хасанов С. Педагогик технологиялар. Тошкент ТИУ. 2006.
3. Садыков Т.С., А.Е. Абылкасымова. Дидактические основы обучения в высшей школе. Учебно-методическое пособие. Алматы, 2000.
4. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
5. Сайидаҳмедов Н.С., Абдураҳимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.- Т.: ТДТУ ҳузуридаги ОИПИ нашри, 2010.

3-*илова*

**ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

1-*слайд*



2-*слайд*




3-*слайд*



4-*слайд*

**ХАРАКТЕРНИНГ ТИЗИМЛАРИ**

- ***Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар*** – **меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.**
- ***Инсонларга муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар*** – **одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсараклик, дилгирлик, мулоқатга киришувчанлик, алтруизм, ғамҳурлик, раҳм – шафқат ва бошқалар.**
- ***Ўз – ўзининг муносабатига алоқадор тавсифий сифатлар*** – **камтарлик, камсуқумлик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз – ўзини танқид, ибо, шарму ҳаё, манмансираш ва бошқалар.**
- ***Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар*** – **тартиблилик, оқиллик, саранжом – сариштalik, кули очиқлик, зиқналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.**

5-*слайд*

**ХАРАКТЕРНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

- **Характер инсоннинг *хатти – ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади – одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг *ким* эканидан дарак беради.**
- ***Нутқнинг хусусиятлари*** – **баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез гапириши ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз.**
- ***Ташқи қиёфа*** – **юзининг очиққёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳил эканлиги, қадам босишлари – тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши – виқорли ёки камтарона.**

6-*слайд*

**ХАРАКТЕРНИ ЎРГАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

***Физиогномика*** – одам юз кирралари ва уларнинг бир – бирига нисбати оркали одам феъл – атворини урганиш.

***Хиромантия*** – кул бармоклари ва кафтдаги чизиклар оркали, куз ранги ва карашлар, соч ва унинг хусусиятлари оркали характерни урганиш.

***Конституцион назария*** – шахс характерини унинг ташки куриниши, тана тузилиши билан боглаш.

4-*илова*

**ЗИГ-ЗАГ ТЕХНИКАСИ**

***Ўзаро ўқитиш ягона тамойилга асослангандир: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт бўлади ва бошқаларга ўргатади.***

***1-босқич: Мустақил иш.*** Мустақил ўрганишлари учун гуруҳ ичида ўқув материалини тақсимлаш.

***2-босқич: Экспертлар учрашуви.*** Эксперт гуруҳларида ўқув материалини ҳамкорликда ўрганиб чиқиш ва ўзгаларни ўргатишга тайёрланиш.

***3-босқич: Ўзаро бир-бирини ўргатиш.*** Ўзаро ўргатиш, эгалланган билимларни ўзаро назорат қилиш ва баҳолаш

**Эксперт варағи №1.**

1.***Психологиянинг замонавий методлари ҳақида умумий тушунча.***

***2. Кузатиш методи характеристикаси.***

***3. Суҳбат методи ва унинг афзалликлари.***

**Эксперт варағи №2**

1. ***Эксперемент методи ва унинг ўтказиш босқичлари.***

***2. Моделлаштириш ва унинг психологиядаги аҳамияти.***

***3. Амалий психологиянинг йўналишлари***

**Эксперт варағи №3**

1. ***Тестлар методи ва уларнинг шакилланиш тарихи.***
2. ***Анкета ва интерью.***
3. ***Психологик методлар ва диагностик ёндашув***

## МАЪРУЗА МАТНИ

### МАВЗУ: Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари

### РЕЖА:

**1.Ўзбекистон Республикасида Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар.**

**2. Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва талаблари.**

**3. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.**

**4. Олий таъли муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти.**

**Таянч сўз ва иборалар:** *Олий таълим, таълим тизими, таълим тамойиллари, ўқув жарёни, таълим парадигмалари, инновация, ўқитувчининг инновацион салоҳияти, ўқитиш м етодикаси, таълим шакли, метод, дидактика, дидактик материаллар, технологиялар, лойиҳалаштириш, ахборотлаштириш.*

Олий таълим педагогикаси – педагогика фанининг бир тармоғи. Педагогик адабиётларда олий таълим педагогикаси атамасига қуйидаги таърифлар берилган:

“Олий таълим педагогикаси – талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш, юқори малакали мутахассис шахсини шакллантириш ҳақидаги фан”.

“Олий таълим педагогикаси – олий таълим муассасасида талаба ва профессор ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишга оид илмлар мажмуи”.

“Олий таълим педагогикаси – олий ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш, касбий билим, малака ва кўникмаларни егаллаш, талабаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг мазмуни, шакл-усуллари, қонуниятлари ҳақидаги педагогик фандир”.

Бу таърифларнинг ҳар бирида маълум илмий ҳақиқат акс эттирилган, яъни олий таълим педагогикаси тушунчасига хос айрим муҳим хусусиятлар ва белгилар киритилган.

Олий таълим педагогикасининг предмети – олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари, олий таълимда таълим-тарбиянинг мазмуни, шакл-усуллари.

Олий таълим педагогикасининг объекти – олий таълим муассасалари фаолияти, профессор-ўқитувчилар билан талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг турлари, шакллари.

Олий таълим педагогикаси педагогика фанининг бир тармоғи сифатида педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларда аниқланган ва ифодаланган педагогик қонуниятлар ва тамойилларга асосланади.

Олий таълим педагогикасининг қонуниятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- олий таълим муассасасидаги таълим-тарбиянинг характери, мазмуни, шакллари ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида шу жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш эхтиёжлари билан белгиланади ва давлат ҳужжатларида ижтимоий буюртма сифатида ифодаланади;
- олий таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл-усулларининг бирлиги.

Педагогика фанида аниқланган ва қўлланиб келинаётган таълимнинг умумий тамойилларига олий таълим жараёнида ҳам амал қилинади. Булар:

- ўқув дастурлари, дарсликлардаги билимларни онгли ўзлаштириш тамойили;
- фаоллик тамойили, талабанинг фаолиятига таяниб ўқитиш тамойили;
- олий таълимнинг мазмуни, шакл-усуллари талабанинг ёш хусусиятларига мослиги;
- билимларни ўзлаштириш ва малакаларни эгаллашда изчиллик ва тизимлиликка риоя қилиш;
- таълимнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқлиги;
- кўрсатмалилик, ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш тамойили.

Олий таълим педагогикасининг илмий тадқиқот методлари. Олий таълим педагогикаси йўналишидаги муаммоларни тадқиқ этишда, одатда қуйидаги илмий тадқиқрот методлари кўпроқ қўлланилади:

-назарий, фалсафий, бадиий, методик адабиётлар ва манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиш методи;

-маълум бир мақсад билан кузатиш методи;

-социологик методлар: савол-жавоб, анкета сўровлари, интервью олиш;

-педагогик илмий-тажриба (эксперимент);

-математик-статистик таҳлил;

-рейтинг методи;

-биографияларни ўрганиш методи.

Олий таълим педагогикасининг манбалари сирасига қуйидагилар киради:

-Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, нутқ ва рисолалари;

-Олий мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари;

-Марказий осиёда яшаб ижод этган алломаларнинг педагогик ғоялари, жаҳон педагогларининг асарлари.

-ўзбек халқ педагогикаси асарлари, миллий, маданий, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар;

Педагогикага доир илмий-методик адабиётлар, дарсликлар, ўқув режалар, дастурлар, олий таълим ДТС;

-бадиий педагогик асарлар;

-Олий таълим муассасаларининг иш тажрибалари;

-“Авесто”, “Қуръони Карим”, Ҳадислар ва бошқа илмий адабиётлар.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизими 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳ қилинди”.

“Таълим тўғрисида”ги қонунда “Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш университетлар, академиялар, институтлар ва бошқа олий таълим муассасаларида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими негизида амалга оширилади” дейилган.

Олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий принципларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

1.Олий таълимда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги.

2.Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

3.Олий таълимнинг мақсади ва мазмуни дунёвий характерга эга эканлиги.

4.ДТС асосида олий таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги.

5.Олий таълим дастурларини танлашда ягона табақалаштирилган ёндашув.

6.Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш.

7.Олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.

Олий таълимнинг мақсади объектив характерга эга бўлиб, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакатимизни

бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланган давлатга айлантириш эхтиёжларидан келиб чиқади. Бу эхтиёжлар давлат буюртмаси сифатида "таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Президентимизнинг асарлари, нутқларида ифодаланади.

Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилишдан мақсад – олий таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш асосида, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Олий таълимнинг мақсади – Олий таълимнинг асосий ва қўшимча касбий дастурларини рўёбга чиқариш орқали талаба ёшларни юқори малакали, юксак маънавий ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош мутахассислар қилиб етиштиришдан иборат.

Олий таълимнинг вазифалари:

-талаба шахсини интеллектуал, маданий, маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эхтиёжларини қондириш;

-талаба ёшлар шахсини – мамлакатимиз фуқаросини Ватан, халқ, жамият ва оила олдидаги масъулиятини хис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчиэтиб шакллантириш;

-мамлакатимизда илм-фанни тараққий эттириш, илмий тадқиқотлар натижалари, тавсияларидан таълим жараёнида фойдаланиш;

-жамиятимиз, халқимизнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва кўпайтириш;

-аҳоли ўртасида илмий билимларни кенг тарқатиш, халқнинг маданий ва билим даражасини кўтариш.

Олий таълим муассасасида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистонда жорий этилган Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади.

Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро боғланиши амалдаги қонунларга мувофиқ ўқув-илмий, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари, бирлашмалари тузиш йўли билан ҳамда йирик олим ва мутахассисларни ўқув жараёнига таклдиф этиш ва илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларда олий таълим муассасасининг марказлари, лабораториялари, кафедралари ва бўлимларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Олий таълимда ёшларнинг юксак маънавий-

ахлоқий сифатларини шакллантириш таълимни инсонпарварлик мазмунида бўлиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга, миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасига асосланганлиги билан рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган Низомга биноан олий таълим тизимида ўқув машғулотларининг маъруза, маслахат, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, малакавий битирув иши, магистрлик диссертацияси тайёрлаш каби шакл-усуллари жорий этилган.

Маъруза – олий ўқув юрти таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланиб келинаётган шакл-усуллардан бири. Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуқтаи назарлар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади.

Амалий машғулотлар – олий ўқув юртида маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқур ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларнинг сифатини аниқлаш ва тўлдириш, мустахкамлаш мақсадида ўтказилади.

Семинар машғулоти – олий ўқув юртида таълимнинг амалий шакл-усулларидаш бўлиб, дастур материалини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари – олий таълимда эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва малакалар хосил қилишга хизмат қилади.

Малакавий амалиёт – олинган назарий билим ва кўникмаларни корхона, ташкилот ва муассасаларда амалда қўллаш орқали малакаларни ошириш жараёни ҳисобланади.

Таълимнинг қуйидаги қонуниятлари мавжуд: тарбияловчи тарбия қонуни; ҳар қандай таълим фақат ўқитаётган, ўқиётган ва ўрганаётган объектнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим фақатгина ўқитувчининг фаолиятига ва ўй фикрларига мувофиқ равишда ўқувчиларнинг фаол фаолиятлари давомида юз беради; ўқув жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадлари мувофиқ келган ҳолда юз беради; алоҳида бир шахснинг у ёки бу фаолиятини ўрганишга йўллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади; таълимнинг мақсади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий боғлиқлик мавжуд бўлади; таълимнинг мақсади таълим мазмунини ва методини белгилаб беради.

Таълим тамойиллари ўқитувчининг фаолиятини ва талабанинг билиш фаолияти хусусиятини белгиловчи асосий бошланмалардир. Таълим тамойиллари ўқитувчи ва талаба фаолиятининг муҳим томонларини акс эттиради ҳамда турли формада, турли мазмунда ва ҳар хил йўсинда ташкил этиладиган таълимнинг самарадорлигини белгидайди.Шунинг учун ҳам

таълим тамойиллари таълим беришнинг маълум объектив қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у мустахкам эсда қолади, бу эса ўқув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустахкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни тизимли ва пухта ўзлаштиришдир.

1997 йил 29 августда ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда таълим мазмуни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётий ва дунёвий демократик жамият бахт саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатига баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб ҳунар ўргатишнинг муҳим асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Олий таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифалари ойдинлаштиради. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларга ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим тарбияси, ахлоқ одоби ҳақида ҳикматлт фикрлар борки, улар бугунги халқ таълими тараққиёти учун ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мардлик сингари туйғуларни тарбиялайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълимнинг мазмуни, аввало комил инсон ва малакавий мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади. Ушбу мақсадни ўзида акс эттирган маълумот мазмуни ДТС, ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликлар мазмунида намоён бўлади.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган бўлиб, бакалавриат йўналиши ва магистратура ихтисослигига қўйилган малака талаблари, таълим мазмунини, бакалавр ва магистр тайёргарлигининг зарурий даражасини, сифатини белгилайдиган меъёрий ҳужжатдир. Ушбу меъёрий ҳужжат “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ЮНЕСКО томонидан 1997 йилда қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт классификацияси принциплари асосида ишлаб чиқилган.

Олий таълимнинг ДТСси қуйидагиларни белгилайди.

-кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

-таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражасини ва битирувчиларга қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

-ўқув юкламасининг ҳажмини;

-олий таълим муассасаси фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш механизмини.

ДТС таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланади. Ушбу ҳужжат олий таълим тизимида ўқув режа, ўқув дастур, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашга асос бўлади.

Педагогика назариясида таълим мазмунини шакллантиришнинг асосий тамойиллари В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардир:

1. Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс мувофиқлиги тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни, шунингдек, жамият, маданият ва шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тўтади.

2. Ўқитишнинг мазмун процессуал жиҳатлари ягоналиги тамойили. Бу тамойил ўқув жараёнининг конкрет хусусиятлари, унинг тамойиллари, уларни амалга ошириш технологиялари ва уни ўзлаштириш даражаси бирлигини акс эттиради.

3. Турли сатҳлардаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги тамойили. Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўқув фанлари, ўқув материаллари, таълим олувчининг шахси каби қисмларнинг мувофиқлаштирилишини тақозо қилади.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш принципи. Бу тамойил шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва қобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шарт-шароит яратишни тақозо қилади.

5. Таълим мазмунининг асосланганлиги тамойили. Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, ўз вийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

6. Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тўзи лмасига мувофиқлиги тамойили.

**Замонавий педагогика фани таълим мазмунининг қуйидаги компонентларини** белгилайди:

• шахснинг когнитив тажрибаси;

• амалий фаолият тажрибаси;

• ижод тажрибаси;

• шахс муносабатлари тажрибаси.

**Шахснинг когнитив тажрибаси**. Бу компонент табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар тизимини ўз ичига олади. Бу асосий компонент ҳисобланади, чунки шахснинг шаклланиш асосини билим ташкил этади. Билимлар борлиқни, табиат, жамият, тафаккурнинг ривожланиши қонунларини билиш натижаси сифатида белгиланади. Билимларнинг асосий функциялари дунёнинг умумий манзарасини яратиш, билим ва амалий фаолиятни таъминлаш, ягона илмий дунёқарашни яратишдан иборатдир.

Таълим мазмунининг амалий компоненти малака ва кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Ташқи ёки амалий ва ички ёки интеллектуал малака ва кўникмалар мавжуд.

Малака ва кўникмалар барча ўқув фанлари учун умумий бўлиши мумкин ва ҳар бир ўқув фани учун ўзига хос ва ҳарактерли бўлади. Малака ва кўникмалар муайян фаолият турининг асосини ташкил этади. Фаолиятнинг эса билиш, меҳнат, бадиий, ижтимоий, қадриятларга йўналтирилган ва коммуникатив турларини қайд қилиш мумкин. Ижодий фаолият тажрибаси. У янги муаммоларни ҳал қилиш ва воқеликни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлади.Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) – баҳолаш, ҳиссийлик, иродалилик муносабатлар тизимидан иборатдир. Бу тажриба дунёга, воқеликка, одамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлади.

Педагогика назарияси таълимнинг бир неча шаклланиш тамойилларини асослаб берди: таълим мазмунининг жамият, фан, маданият, шахс ривожланиши талабларига мувофиқлиги тамойили, таълимнинг ягона мазмун ва процессуал жиҳатлари мазмуни, турли сатҳларда таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги, таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, таълим мазмунининг асосланганлиги, таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги.

Таълим мазмунининг асосий компоненти қуйидагилар: шахснинг когнитив тажрибаси, амалий фаолият тажрибаси, ижод тажрибаси, шахс муносабатлари тажрибаси.

### Олий мактаб ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Олий мактаб ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, балки

унингсиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Олий мактаб ўқитувчиси ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мўтахассисни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин.

**Олий мактаб ўқитувчисига қуйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:**

• жамият ривожалинишининг сиёсий, социал ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;

• муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мўтахассисни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;

• педагогик фаолиятни севиши;

• ўз соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлиши;

• заковатли бўлиши;

• педагогик туйғу;

• юксак етуклик;

• умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;

• педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Педагог шахсига қўйиладиган қўшимча талаблар: киришиб кета олиш, санъаткорлик, қувноқлик, яхши дид ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилганлар педагог шахсига хос бўлган туғма хислатлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан хизматлари натижасида юзага келтирилади.

***Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилиятларни талаб қилади.***

Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти **хусусий педагогик қобилиятлар**га боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

• объектга (талабага) нисбатан сезгирлик;

• коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайрихоҳлик, муомалалик;

• перцептив қобилиятлар – касбий етуклик, эмпатия, педагогик туйғу;

• шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;

• ҳиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;

• креативлик – ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларига қуйидагилар киради:

• талабани тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;

• ўқув материалини мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;

• материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;

• талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;

• ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;

• талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;

• ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;

• ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;

• мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

**Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар киради**:

• бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);

• тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;

• тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;

• мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;

• ҳурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

Педагогик қобилиятлар ичида педагогик мулоқотга бўлган қобилият алоҳида ажралиб туради.

Ўқитувчининг талабалар билан давомий ва самарали алоқаларини ташкил этишни коммуникатив қобилият билан боғлайдилар.

**Коммуникатив қобилият** – бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган мулоқот қобилиятидир.

Психологияга оид адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир неча гуруҳлари фарқланади:

**1. Кишининг бошқа кишини билиши**. Бу қобилиятлар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида қиёфаси, мотиви ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришни, кишининг ташқи кўриниши, хулқи ва ички дунёси нисбатига баҳо беришни; савлати, имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни қамраб олинади.

**2. Кишининг ўз-ўзини билиши**. У ўз билимларини, қобилиятларини ўз характери ва ўз шахсининг бошқа қирраларини ҳамда ташқаридан ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шундай баҳо беришни кўзда тўтади.

**3. Мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш**. Бу вазиятни кўз атиш, унинг кўпроқ ахборот берадиган белгиларини танлаш ва унга диққатни жалб қилиш; юзага келган вазиятнинг социал ва психологик мундарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

**Ўқитувчи фаолияти турлари**.

Олий мактаб ўқитувчисининг касбий фаолияти турли йўналишларда бўлади. Улардан энг муҳимлари тубандагилар:Ўқув педагогик фаолият. Бу фаолият жамият талабларига мос равишда олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишга йўналтирилади. Олий мактабдаги ўқув жараёни учун ўкув ва илмий-тадқиқот ишларининг ўз вий боғлиқлиги, талабалар фаоллиги ва мустақил ишлари ижодий потенциал бўлган шахс аҳамиятини ошириш ҳарактерлидир. **Олий мактабдаги педагогик фаолиятда назарий ва амалий фаолият қўшиб олиб борилади. Назарий фаолият янги қонуниятларни очиш билан боғланади.**

Амалий фаолият муайян вазиятларни янгилашга ва педагогик вазифалар тизимини ҳал қилишга йўналган бўлади. Ўқитувчи конкрет фанни бошқа ўқув фанлари билан ўзаро боғлаган ҳолда унинг ўқитилиш мақсад ва вазифаларини белгилайди, талабанинг ўқув-билиш фаолиятини жонлантиришни таъминлайдиган ўқитишнинг мазмуни, замонавий шакл ва методларини ўйлаб топади. Ўқитувчи ўқув-педагогик фаолиятининг ўзига хослиги унинг илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этишидир. Олий мактаб ўқитувчисининг педагогик фаолияти тавсифида олимлар, одатда, Н.В.Кузьмина ва З.Ф. Есарова тадқиқотларига таянадилар.

Улар қуйидаги компонентларни фарқлайдилар:

**•конструктивлик;**

**•ташкилотчилик;**

**•илмий билиш;**

**•коммуникативлик.**

Конструктивлик компоненти илмий-тадқиқот, ўқув-тарбия ишларида лойиҳалаш ёки ўз конструкциялаш малакаларида кўринади.Лойиҳалаш малакаси – бу илмий изланишни ёки ўқув-тарбия жараёнини моделлаштиришнинг интеллектуал малакаларидир.

Ўқитувчининг лойиҳалаш малакаси З.Ф.Есарова томонидан тадқиқ этилган. Олий мактаб ўқитувчиси фаолиятини тавсифлаш ва баҳолаш учун

қуйидаги сатҳлардан фойдаланилади:

• репродуктив. Бунда ўқитувчи фақат ўзининг ахборотларини лойиҳалаштиради, лекин аудиториядаги талабаларнинг савияларини ҳисобга олмайди;

• мослашувчан. Бу сатҳда ўқитувчи ўқув ахборотларини аудиториядаги талабаларнинг савияларига мос қилиб моделлаштиради;

• локал-моделлаштириш. Бу сатҳда ўқитувчи ахборотларни баён қилибгина қолмайди, балки айрим масалалар бўйича билим, малака ва кўникмалар тизимини моделлаштира олиши лозим;

• тизимли-моделлаштирилган билим. Бу сатҳда конкрет фанни ўзлаштириш учун зарур бўлган ўз фаолияти ва талабалар фаолияти тизимини моделлаштиради;

• тизимли-моделлаштирилган фаолият. Бу сатҳда ўқитувчи талабалар билан бирга барча ўқув-тарбия ишлари тизимини моделлаштира олади.

Ташкилотчилик фаолияти. Бундай фаолият илмий изланиш ва ўқув-тарбия жараёнини аниқ режалаштириш ва ташкил этиш малакасида кўринади. Бу ўқитувчи, талаба ва бошқа олимларнинг ўзаро алоқадор фаолиятидир.

Ташкилотчилик фаолияти ўзини, ўзининг вақтини; талабаларнинг индивидуал, гуруҳ, коллектив ишини; биргаликдаги тадқиқотларини амалга ошириш учун кадрларни танлаб олиш ва уларнинг вазифаларини белгилаб беришни ташкил этиш малакасида намоён бўлади.Ташкилотчилик фаолиятининг асосий вазифаси шу фаолият иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини интеграциялашдир. Илмий-билиш фаолияти. Бу фаолият атроф-оламни ва ўзини чуқур ва ҳар томонлама билиш малакасида кўринади.

Ўқитувчи ўз тадқиқотлари, талабалар ва аспирантларнинг илмий фаолияти жараёни ва натижаларини таҳлил қилади.Коммуникативлик фаолияти. Бу фаолият сафдошлари ва талабалар билан мақбул ўзаро алоқаларни белгилаш малакасини кўзда тўтади. Коммуникативлик фаолияти асосида ўқитувчининг ўз-ўзини бошқариш қобилияти ётади.

Хулоса. Мутахассис шахси ривожланишининг асосий воситаларидан бири ва уларнинг чуқур фундаментал билим ҳамда амалий тайёргарлиги олий мактабдаги таълим мазмуни билан белгиланади.

Таълим мазмунининг ривожланиши шуни кўрсатадики, у таълим олувчининг ижтимоий ва индивидуал талабларини ҳисобга олади ҳамда тобора такомиллаштириб бориш, тарбиялаш ва билиш аҳамиятини касб этади.

**Инновацион фаолиятнингасосий функциялари**

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. **"Инновацион педагогика"** термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А. Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назардан ёритилган.

Х.Барнет, Дж. Бассет, Д. Гамильтон, Н.Гросс, Р. Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг "ҳаёти ва фаолияти" учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил қилинган.

Янгилик киритишнинг социал-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифа(тип)лари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

**Инновация** (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И. Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.*

**Биринчи ёндашувда** ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

**Иккинчи ёндашувда** алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

*1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*

*2.Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.*

*3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.*

*4. Янгиликни ёйиш, уникенг тадбиқ этиш босқичи.*

*5.Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.*

*Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.*

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

**Биринчи шаклга** янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

**Иккинчи шаклга** янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

**Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.**

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

**Хусусий янгилик** В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.

**Маҳаллий янгилик** конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

**Субъектив янгилик** маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда **янгилик** ва **инновация** тушунчалари фарқланади. **Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология**

**ва бошқалар.**

В.И. Загвязинский **янги** тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги **янги** бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка** ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:*

**Биринчи блок** - педагогикадаги **янгини ажратиш** блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

**Иккинчи блок - янгини идрок қилиш**, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

**Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш** блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндиси;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичлиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик – ўзлаштириш - диффузия (сингиб*

*кетиш, тарқалиш) – бойиш (тўйиниш) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиш) – замонавийлаштириш;*

- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш - ташкил этиш - раҳбарлик қилиш - назорат қилиш;*
- *ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

**Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.**

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- *педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;*
- *ниҳоят амалга ошиш қонуни;*
- *қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;*
- *педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;*

**Аёвсиз бемаромлик қонуни**да педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

**Ниҳоят амалга ошиш қонуни** янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

**Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни** шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

**Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни**нинг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

**Инновациянинг биринчи типи** стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

**Инновациянинг иккинчи типи** онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин: маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув; шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув; кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш; индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Олий мактабда **инновацион фаолиятнинг субъекти** ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади. Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновацион фаолиятига зарурат туғилди.Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам таалluқлидир. Инновационлик очиқликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тўтади. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти, акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини уктиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади. Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради. Янгилик киритишнинг **муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини** туғдиришдир. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини мустаҳкамлашга, дунёга, педагогика фанига, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади. Кейинги шарти - бу **ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.** Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилгандир. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир. Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар

**тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам** шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу **ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир**. **Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:**
• касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;

• меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;

• касбий янгиликларга нисбатан шайлик;

• дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;

• ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самардорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади.Бундай меъёрларга - **янгилик, мақбуллик (оптимальность), юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари** киради Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган **мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар**. Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради. Натижалилик, педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогик янгилик дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади. В.А.Сластенин ўтказган тадқиқотлар ўқитувчининг инновацион фаолиятга касбий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради. Улар қуйидаги тавсифлардан иборат:
• мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;

• келгусида қайта ишлаш мақсадида янгиликнинг ўзидаги ва уни татбиқ қилишдаги камчиликларни аниқлаш;

• янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорларини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва пишиқлик даражасини аниқлаш;

• янгиликни татбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш;

• янгиликни татбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

**В.А.Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:**

• **шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги.** Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;

• **креативлик.** Бу – хаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, **рефлексия; касбий фаолиятни баҳолаш.** Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;

• **ўқитувчининг индивидуал қобилияти.** Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Олий мактабдаги **инновация жараёнлари характери** киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади. Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири ўқитувчи шахсидир.

Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиш ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

**• янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;**

**• янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.**

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

**Олий мактабда ўқитишни ташкил этишнинг шакл ва методлари ва уларга қўйиладиган талаблар**

Олий мактабдаги ўқитиш жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга оширилади. Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари йиғиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

• ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;

• талабалар ўқув- билиш фаолияти.

Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашуви асосан уч шаклда амалгаоширилади:монолог;диалог; полилог

**Монолог** - маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи-талабалар каршисига чиқиб нутқсўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисидаонгимизга ўрнашибқолган тасаввур мавжуд. Бу ҳолатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси ўзимустақилтарзда маълумотмазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқеини таъкидлаш имконига эга бўлади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир кисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчибу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошка йўлларини қидиришга мажбур бўлади.

**Диалог** - Ўқув мавзуси ёки муаммони гурух шароитида ўқитувчибилан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир.

Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан унинг субъектига айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчибилан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашуви, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади. Лекин диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчиаудиториянинг у ёки бу хусусида билимлар ва тасаввурларга эга бўлиширни инобатда олиши зарур, акс ҳолда ўзаро мулокат самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Диалог жараёнида уни ташкил этган шахс аудиториянинг у ёки бу муаммо юзасидан билимларини диагностика қилиш ва шунга мос тарзда ўзи шини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу ҳолатдиалогнинг энг мухим психологик ахамиятидир.

**Полилог** - гурух ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчи ларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадада ишлатилади. Полилог жараёнида гурух аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчиэса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчи лар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усул дарс мавзуси кўпроқ назарий ҳарактерли бўлиб, янги ғоялардан уларнинг амалий жиҳатлари келтириб чиқарилиши зарурати бўлганда қўл келади. Лекин бу усул машғулотлар еки мулоқат дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадгамувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчибилан ҳамкорликда ишлаш

тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки бахсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шуни алохида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчиумуман мунозара методикаларининг мохияти ва уни ташкил этиш йўлларини илмий-амалий жихатдан билиши керак. Олий мактабдаги ўқув жараёни шаклларига маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экскурсия, экспедиция, ўқув ишлаб чиқариш педагогик амалиёти, курс ва диплом ишлари, талабаларнинг мустақил таҳсили киради.

**Маъруза** – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш.

С.И. Архангельскийнинг таъкидлашича, лекция ўқитувчи шахсининг

барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Лекциянинг ***йўналтирув функцияси***да талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади. Лекциянинг **ахборот бериш функцияси** асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Лекциянинг **методологик функциясини** қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради. Лекциянинг **тарбиявий функцияси** лекция жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, лекцияда ҳал қилинадиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

• *илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;*

• *талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;*

• *ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.*

Лекция дидактик мақсад, ўқитиш жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

**Дидактик мақсадига (йўналганлигига)** кўра - кириш, тематик ва умумий - якуний лекциялар фарқланади.

**Кириш (муқаддима) лекцияда** курс (бўлим, мавзу) нинг илм-фан тизимидаги ўрни, ушбу материални амалиётда қўллаш имкониятлари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиб берилади. Бундай лекциянинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у ёки бу томонларигагина тўхталади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма-деталь ёритиб берилади.

**Тематик лекциялар** айниқса кенг тарқалган. Бундай лекция у ёки бу мавзуга бағишланган бўлиб, унда фактлар, уларнинг таҳлиллари, хулосалар мазмуни баён қилинади ва конкрет илмий қоидалар исботланади.

**Умумий-якуний лекция** аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни аввал баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган

ахборотларни юксак абстракциялаш босқичида тизимга туширилади. Бундай лекциялар талабалар билимининг чуқурлашишида ва ўқув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

**Ахборотларнинг баён қилинишга** кўра лекциялар догматик, ахборот ва намойиш қилиш ва муаммоли лекциялардан иборат бўлади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир лекциянинг ўзига хос хусусиятларини қайд қилган ҳолда, улардаги умумий жиҳатларни ҳам фарқлаш лозим, чунки лекция ўқиш ва уни лойиҳалаш жараёнида уларни амалга оширмасдан бўлмайди, улар қуйидагилар:

• илмийлик
• қулайлик;
• касбий йўналтирилганлик;
• оқибатли алоқани амалга ошириш.

Олий мактаб ўқитиш тизимига лекция билан биргаликда амалий (машқ, семинар ва лаборатория) машғулот тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

**“Амалий машғулот” термини** педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг лекциядан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар лекцияда илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синашга ҳам хизмат қилади.

**Амалий машғулот шаклларидан бири семинардир.**

Семинар машғулотлари қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

• лекцияда баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
• фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
• талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
• назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинаролди машғулоти, семинар ва махсус семинар. Семинаролди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар,

маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади. **Мустақил ишлар** Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари хам муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типида амалга ошади. **Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи типи** – бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

***Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи типи. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.***

**Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:**

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив-вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий)
- ижодий тадқиқот.

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди. Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тўзи лмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тўтади. Эвристик мустақил ишлар лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш

малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, гипотезани белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўлларини қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш ва олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

**Олий таълимда кенг қўлланиладиган педагогик технологиялар:**

- Муаммоли ўқитиш;
- Кейс технологиялари;
- Лойиҳавий таълим технологиялари;
- Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- Ўйинли технологиялар;
- Ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- Программалаштирилган ўқитиш технологияси;
- Компютер-ахборот технологиялари.

**Муаммоли ўқитиш** - бу такомиллашган ўқитиш технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

**Компютер-ахборот технологиялари** таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ягона концепцияси тўла шаклланмаган бўлсада, бироқ педагог ва талабамуносабатларини моделлаштирувчи компьютер тизимларитобора кенгривожланмоқда. Бу йўналишда турли вариантдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг шаклантирилиши, шахсий компьютерларнинг имкониятлари ортаётганлиги, лаборатория ишлари, табиий экспериментларни моделлаштирувчи дастурларнинг яратилаётгани замонавий педагогик ва ахборот технологияларини педагогик жараёнларга жорий этишга замин яратади.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг **фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти** ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Талабанинг ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий қониқиш ва ундан қувонч ҳиссини ҳосил қилиши лозим.

Бундай вазифаларни ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади. Ўйинли технологияларда ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш мулоқотнинг демократик услуби ютуқларидан фойдаланишга хизмат қилади, талабаларнинг ижодий кучлари ва қобилиятини ўстиради.

## Ўзини- ўзи баҳолаш саволлари.

1. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги деганда нимани тушунасиз.
2. Таълим самарадорлигини оширишда нималарни жорий этиш зарур.
3. Таълим самарадорлигига таъсир этувчи омилларни айтинг?
4. Таълим ва тарбияни ўзаро муносабати нима?
5. Талабанинг ўқув жараёнидаги муносабатига қандай қарайсиз?

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

1. Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: Янги  аср авлоди, 2001.- 40 б.
2. Сайидахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т., ЎзМУ қошидаги ОПИ. – 2001.(88-бет)
3. Азизходжаева Н.А. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Тошкент-2005.
4. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА “Раҳбар” маркази; “YUNAKS-PRINT” МЧЖ, 2006.

## 2. МАВЗУ: Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик

**Режа:**

**1.Таълим психологияси**

**2.Тарбия психологияси**

**3.Ўқитувчи психологияси**

**4.Шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар.**

**5. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси.**

**6. Турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи**

### Таълим психологияси

Маълумки, қабул қилинган “таълим тўғрисида” ги қонун ва “кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахс камолоти энг асосий масала қилиб олинган. республикамизда уларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни рўёбга чиқариш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.Ҳар бир ёш даврнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш инсонда ўз-ўзини англашни вужудга келтиради. болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйгонса, шахсий нуқтаи назар, ўз хулқини ҳис қилиш, ўзининг амалий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади. худди шу аснода инжиқлик, ўжарлик ва қайсарлик каби иллатлар таркиб топишига руҳий тўсиқ вужудга келади. шахслараро муносабатлардаги қарама-қаршилик, инкироз ривожланиш қонунларига лоқайд қарашнинг оқибатидир. инсон психикасидаги умидсизлик, ижтимоий адолат учун курашиш руҳининг ўзгариши-назария билан турмуш номутаносиблигининг махсулидир. одамларда эътиқод, дунёқараш, муомала, мулоқот, мустақил хулқ-атворни шакллантириш кўпроқ юқоридаги омилларга боғлиқдир. кишилардаги ташаббускорлик ҳамда тўсиқларни енгишга интилишни аниқлаш ва уларга педагогик психология хусусиятларидан келиб чиққан холда руҳий туртки бериш мақсадга мувофиқдир. Умуман ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида оила, тарбия, муассасалари, ишлаб чиқариш корхонаси ва жамоат ташкилотларида педагогик психологиядан фойдаланиш таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлар ўрнатишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг гаровидир.Таълимдаги

янгиланиш, асосан, “давлат таълим стандартлари” ни ишлаб чиқишнигина амалга оширмай, балки таълим жараёни орқали ўқувчининг ўз келажагини ёрқин тасаввур қила оладиган, бу борада ўз тақдири ва ўз шахсига онгли муносабатда бўлиб, турли фаолиятларда ўз-ўзини ривожлантира оладиган эркин, фаол ва мустақил шахсни шакллантиришни кўзда тутади.Мустақил республикамизнинг келгусидаги ривожи, равнақи ҳар томонламабаркамол, ўзига, бошқаларга, жамиятга, табиатга ва меҳнатгатўғри муносабатни билдира оладиган, мустақил фаолият кўрсата оладиган, ижодкор ва тадбиркор шахсга боғлиқдир. ўқувчида ана шу хусусиятларнинг ривожланиши сўзсиз ўқитувчига, унинг ўқув - тарбия жараёнини тўғри бошқара олишига боғлиқ. бугунги кунда ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларга “давлат таълим стандартлари” да белгиланган билимлар меъёрини ўргатиш, демакки, “яхши физик”,“яхши адабиётчи”, “яхши тарихчи” бўлиш эмас, балки ўз фанини ўқитиш орқали ўқувчи шахсининг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларини тарбиялай оладиган - яхши ўқитувчи бўлиши лозим. яхши ўқитувчи бўлиш учун эса ўқув жараёнини яхши, тўғри, одилона ва оқилона бошқара олиши жуда муҳимдир.

Педагогик психология XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб вужудга келган ва психология фанига генетик ғояларнинг кириши билан янадда риводланди. Рус педагоги К.Д.Ушинский (1824-1870) ўз асарларида жумладан “Инсон тарбия предмети сифатида” асарида шундай деб ёзади: “Инсонни ҳар томонлама тарбиялайдиган педагог уни ҳар томонлама билиши, тушуниши керак”.

Бола тарбиялаш ва унинг ривожланишининг психофизиологик жихатларини И.М.Сеченов (1829-1905) кўрсатиб ўтган. У кишининг психик ривожланиши сабабли боғланиш асосида содир бўлади дейди. Яъни психиканинг келиб чианбаи - ўзгариб турувчи ҳаёт шароитларидаги қўзғатувчилардир ва букўзғатувчилар инсон нерв системасига таъсир қилади ва мураккаб боғланиш пайдо бўлади. Манна шу боғланиш эса бола психикасининг ривожланишига олиб келади.

И.П.Павловнинг бош мия қобиғидаги нерв боғланишлари тўғрисидаги қонунлари ва умуман психологич соҳасида экспериментларнинг сезиларли ютуқлари (Вебер, Фехюр) томонидан хотиранинг ўрганилиши ёш ва педагогик психологиянинг ривожланиши етарлича асос бўлди.

Ёш психолог ва педагогик психология бир-бирига махкам боғлиқ ва улар бири иккинчиси тақозо этади. Уларнинг ҳар иккиси битта умумий объектни – улғайиб бораётган шахснинг психик фаолият ҳамда унинг хулқ-

атворини тадқиқ этади. Шунга қарамасдан ҳар иккисининг алохида вазифалари ҳам бор.

Ёш психологияси одамнинг психик ривожланиш хусусиятларини антогенезда, яъни организмнинг вужудга келишидан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўлида ўрганади. Ёш динамика, психологик жараёнларнинг ривожланишидаги қонунлашлар ва етакчи олимлар ҳамда одам ҳаётий йўлининг турли босқичларида унинг шахсга хос бўлган хусусиятлар ёш психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Таълим психологияси шахснинг билимларни эгаллаш, мустаҳкамлаш услубларидан иборат фаолият жараёнини қамраб олувчи қатор саволларнинг тузилишини ўрганади, шунингдек, уларнинг натижасида одамнинг индивидуал тажриба, билим, малака ва кўникмалари шаклланади. Инсон дунё биланҳамкорликдан нимадир янги нарса ўрганиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш услубларини такомиллаштириб борганлиги сабабли ҳам билим олишга бўлган интилиш инсоннинг бутун умри давомидатаъқиб этиб боради, чункиодамҳар бир амалиёт билимини ҳаётдан ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олиш ҳар бир фаолиятда мавжуд бўлиб, у субъектнинг шаклланиш жараёнини ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, таълим олишетарли даражадакенг тушунчадир, у ўз ичига нафақат таълим олишнинг уюштирилган шаклларини, (мактаб, курслар, олийгоҳ), балки инсон томонидан кундалик ҳаётда эгаллаётган билим ва малакаларни ҳам ўз ичига олади.

Бошқа фаолият турлари бўлмиш ўйин ва меҳнатдан ўзининг махсуслиги моҳияти билан ажралиб турувчи бу фаолиятни психологик фаолияти сифатида ёндошилганда, ўқиш фаолиятининг уюшган шаклларини кўрилади. Унинг энг муҳим жиҳати шуки, у исталган бошқа бир фаолиятга инсонни тайёрлайди ва унинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Психологларнинг бу борадаги изланишларига кўп бўлгани йўқ (тахминан 50 йиллардан бошланган) ва бу соҳада ҳали у даражада сезиларли ишлар қилинган эмас. Аммо ўқиш фаолиятини ташкил қилиш учун асос етарли даражада шаклланган, ва улар ўқитиш назариясининг аниқ савол-муаммоларига психологиянинг бир ёқлама ёндошишига йўл қўяди.

Ўқиш фаолиятининг назариясининг асоси нима ва у психология ўқитиш методикаларини ишлаб чиқишда қандай аҳамиятга эга?

Авваломбор психологиянинг қайси соҳасида ишлашдан қатъий назар, ўқитувчи ўқиш фаолияти назарияларининг асосий қонун қоидаларини билиш зарур. Бу билим эгаллаб олиш қоидалари ва ўқитиш методикаларини тўғри

тузиш учун жуда муҳим. Ўқиш фаолияти психологияда илмий тушунча сифатида бир яққол ифодага эга эмас. Совет педагогикаси ва психологиясининг «классик» назарияларида - бу «кичик мактаб ёшдаги етакчи фаолият», «ижтимоий фаолликнинг асосий шакли»сифатида эътироф этилади.

Д.Б.Эльконин ва В.Давидовнинг таъкидлашича ўқиш фаолияти - бу ўқувчининг назарий билимлар - ўзлаштиришга қаратилган ва фикрлашнинг ўсишини таъминлайдиган фаолиятларидан бири сифатида кўрсатилади. Ўқиш фаолияти ўқувчининг ўзи амалга ошириб ўзини ўзгартириш учун махсус ташкил қилинган фаолият бўлагидир. Ўқиш фаолиятининг муҳим қисми ўқув топшириқ ҳисобланади. Топшириқ ечилиш жараёнида, ҳар бир амалий машғулотдаги каби, ўқувчи томонидан ўрганилаётган объектда ёки бу ҳақдаги тасаввурда маълум бир ўзгаришлар юзага келади, аммо натижада субъектнинг ўзи ўзгаради. Ўқув топшириғи субъектда олдиндан берилган ўзгариш содир бўлгандагина ечими топилган деб ҳисоблаш мумкин. Ўқиш фаолияти жараёнида (ёш авлод) ўқувчилар катталарнинг тарбиясига таянади, ўрганади. Ҳар бир ёш авлод дунё ҳақидаги билимларни бевосита уни ўраб турган борлиқдан олади, аммо ёшлар бу билимларни ўзи яратмайди, балки уларни катта авлодлардан «нарса (буюмлар), махсус ташкилот ва янги авлоднинг бу нарсалар билан боғлиқ фаолияти орқали» олади.

Айнан мана шу «буюмлар билан» махсус уюштирилган фаолияти, инсоният тажрибаси, катта авлоднинг ана шу буюм - махсулотни яратиш бўйича тажрибасининг эгаллаши ўқиш фаолиятидир.

Ўқиш фаолиятининг аҳамияти - бу «ўқувчиларни ташқи олам билан боғловчи фаолияти»нинг бевосита натижасидир. Бу ўқувчилар фаолияти бўлиб ўқитувчи томонидан ташкил қилинган ва у билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўқув фаолияти қуйидаги умумий тузилишга эга: эҳтиёж - топшириқ-мотивлар-ҳаракат-операция.

Эҳтиёж ўқувчининг у ёки бу предметни назарий ўзлаштиришга қаратилган ўқув фаоллигидир. Назарий билимларга аниқ бир предмет ривожи ва келиб чиқиши ҳақидаги қонун - қоидалар киради. Буларни фақат уюштирилган таълим - назарий ўрганиш фаолиятида ўзлаштириш мумкин.

Ўқиш фаолияти тузилишининг муҳим элементларидан бири ўқув топшириғидир. Уни бажаришда ўқувчилар аниқ бир ҳаракат ва операцияларни бажарадилар. Ўқув фаолиятлари ҳар - хил бўлиш мумкин, аммо асосий мотив бўлиб (махсус) ўрганишга қизиқиш ҳисобланади. Ўқиш фаолиятининг амалга оширилиши ўқувчи томонидан бажарилаётган, маълум

бир мотив билан бошқарилаётган ўқув фаолияти ёки ўқув топшириғини ечишга қаратилган операция ташкил этади.

Бу фаолиятнинг мақсади - назарий билимни эгалашдир.

Хуллас, ўқув топшириқларини ечиш ва ўқув фаолиятини махсус таркиб топиши, унинг тузилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўқув топшириғининг моҳияти нимада? Психологлар ўқув топшириғининг қатъий фарқланиши хилма-хиллиги ва ҳаёт давомида юзага келадиган амалий машғулотларнинг турли туманлиги ҳақида кўп ёзишган. Агар ҳар бир амалий машғулот ечилиши алоҳида фанларнинг ўзгаришига олиб келса, ва бу мақсад бўлса, унда ўқув топшириғни ечишдан мақсад предметни ўзлаштириш эмас, балки бу ўзгаришларни киритиш услубларини ўзлаштиришдир. Масалан, техник телевезор бузилганида тузатса, политехника институти талабаси бу ишни амалий машғулотда бажарар экан, у нафақат буни тузата олади, балки уни бартараф этиш усулларини ҳам ўрганиб олади. Натижада иш билан бирга ўқиш фаолиятида субъект сифатида янгилик олади ва ўзгаради. Аммо телеаппаратура созловчиси бўлиш учун биргина бунинг ўзи кифоя эмас, у ҳар томонлама мутахассис бўлиш учун бу ишни яна бир неча бор такрорлаши зарур ва айнан ўқиш фаолиятининг вазифаси шундаки, ўқувчи топшириқнинг қандайдир бир-бирига ўхшаш жавобини эмас, балки, ҳар қандай турли босқичдаги топшириқлардан принципиал жавобини топа олишни билишдир. Ўқитувчи эса, ўқувчи олдига шундай топшириқ қўйиши керакки, у турли умумий ва аниқ вазиятларда ўқувчини муаммони умумий ечимини топишга йўналтириши керак.

Мактаб ва олийгоҳ талабалари амалиётда назарий билимларнитажриба асосида ўрганиб боришади. Жумладан, математик масала мисолида хусусий (умумий 1) масаланинг аниқ бир ечимидан, ўқув топшириғини умумий ечим йўли билан ишлашни кўрсатиш мумкин.

Талабалар томонидан психологияни ўрганилаётганда ўқитувчи уларга инсон фаолияти билан боғлиқ н бир қатор топшириқларни тузиши ва уларга бериши мумкин. Унинг барча саволи бир хил, яъни «Бу фаолият бўлиб ҳисобланадими?». Бунинг натижасида талабалар фаолият тушунчасини ўзлаштириб олишлари лозим биз биламизки, ўқув фанлар тизимида, хақиқатдан ҳам билимни ўзлаштириш учун ўқув жараёни ўқув топшириқларини ечиш тизимига айланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда ўқув топшириғини ечиш эпизодик эмас, балки ўқиш фаолияти эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллаб, ўрганишни, ўқитувчи томонидан берилаётган тайёр билимларни китоблардан олиши эмас, балки ўқувчининг ўзи фаол фаолият юритиши лозим.

Ўқувчи томонидан ўқув топшириғини ечилиш жараёнининг ўзи - бу ўқув фаолияти дейилади. Бу жараённинг таркибий қисми бўлиб) ўқитувчи томонидан ўқувчи олдига ўқув топшириғининг қўйилиши; б) ўқувчи томонидан топшириқ ечимини қабул қилиниши; в) ўтилаётган фани билан боғлиқликни излаш мақсадида ўқувчи томонидан ўқув топшириғининг қайта кўриб чиқилиши; г) ажратилган муносабатни моделлаштириш; д) бу муносабатни «соф ҳолда» ўрганиш учунмоделни ўзгартириш; е) умумий усул билан ечиладиган топшириқлар тизимининг қурилиши; ж) аввал бажарилган ҳаракатнинг назорат қилиниши ва кейинги ҳаракатга ўтиши; з) баҳолаш (ўз-ўзига баҳо бериш) ҳамма ҳаракатларнинг яхши бажарилиш услубини ўқув топшириғининг ечилишининг умумий услубини ўзлаштириш ва бошқалар.

Барча юқоридаги элементларнинг кетма-кет ўқув топшириғида бажарилиши талабанинг ўқиш фаолиятини ташкил этади.

Экспериментал ва назарий текширишлар ўтказилган мактабларда ўқиш фаолиятининг асосий назарий муаммоларини ишлаб чиққан жамоат психологлари назарияси фаолият ва психиканинг бирлик принципидан самарали фойдаланганлар. Аммо умумий назарияни ўқитиш мумкин, қўлланилиши маълумолдини олиш чоралари нафақат мактаб таълимининг, балки ўқитишнинг бошқа турларига катталар (талабалар) тажрибаси асосида қурилган.

«Ўқиш фаолияти» тушунчасининг ўзининг пайдо бўлганлигига кўп бўлгани йўқ, кўпи билан 20 йил аввал, бу ўқувчиларнинг билим савияси критериялари тавсияномаси ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлган. Ўқув фаолиятининг тўлалигича кўриб чиқиш зарурати билан у нафақат билим, кўникма, малака ва улар ортидаги усуллар, ўқувчиларнинг ўқув материали билан ҳаракат операцияларини, балки, ўқувчи томонидан ўқув материалининг қабул қилиниши, унинг ўзи томонидан назорат қилиниши, ўз-ўзига баҳо беришини ҳам ўз ичига олади.

Ўқиш - бу мустақил фаолиятни бажариш, буни ўқув материалига ижодий ёндашмасдан, ўқув топшириғини ўзини таҳлил қилиш ва ўзинибаҳолай билмасдан бажариб бўлмайди. Ўқишга ўрганиш - бу ўқув фаолиятини бажариш талаба учун зарур топшириқ бўлиб ҳисобланган.

Ҳар бир олийгоҳдаги психология ўқитувчисининг олдига қўйилган муҳим топшириқ - талабанинг ўқув фаолияти шаклланиши, ёки уни психологиясини ўрганишга қаратилган. Талаба ўзи мустақил ишлашни билмаса, ўзининг идроки, ақли билан иш юритишни билмас экан, у доимо ўқитувчининг оғзидан чиққан тайёр билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва китобдаги илмий, тушунчаларни механик тарзда ёдлаб

олади, аммо унинг ўзи бирор марта ҳам бу билимларни амалиётда қўллай олмайди. Бу эса унинг кишилар билан онгли, тўғри психологик мулоқот ўрнатишга ва фаолиятни йўлга қўйишга, психологик фикр юритишга ўргана олмаслигига сабаб бўлади.

Талаба фаолиятини қандай шакллантириш лозим? Бу ҳар бир талабани психология фанини тўғри ўрганишига боғлиқми? Бироқ ўқишнинг моҳияти нимада? Психологияда бу муаммо қуйидагича изоҳланади; қандай қилиб аввал ўқувчига номаълум, ноаниқ бўлган, унинг онгида бўлмаган нарса унга маълум бўлади, объективдан субъективга ўтади, идеалдан материалга айланади?

Юқоридаги саволларга жавоб айнан тўғри билим олишга йўл кўрсатади. Бу муаммо ечими билан йирик психологлар 50 - йилларда тадқиқот ишлари олиб борганлар. Хусусан, П.Я.Гальперин ва унинг шогирдлари «Јандай қилиб, инсон онгидан ташқарида бўлган, унинг ақли ички бўлиб қолган, яъни унинг онги маҳсули, унинг ақл хусусиятига айланади?», - деган саволга жавоб излашиаста-секин қуйидаги хулосага олиб келди: П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларнинг шаклланиш концепцияси ҳақидаги маълумотларни келтиради.

Бу концепция катта умумпсихологик аҳамиятга эга, чунки у юқорида қуйилган саволларга жавоб бериб қолмай, балки ҳайвонлар психологиясидан фарқли бўлган, инсон психологияси эволюцияси тамойилларини, психологик фаолият турлари ва шакллари, унинг қонуниятлари ҳамда шаклланиши ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Бу назариялар билан боғлиқ ҳолда ўйланган ҳаракатларни шакллантирувчи фаолият - ўқиш фаолияти деб кўриб чиқилганди. Ўйланган ҳаракатлар - инсоннинг ҳар бир амалий ва билишга йўналтирилган фаолияти, индивидуал тажрибада шаклланиб, исталган бир қатор ўзгаришларни бошидан кечиради. П.Я.Гальперин концепциясида ўқиш махсус ҳаракатлар тури сифатида кўриб чиқилади, уларни бажариш ўқувчида янги билим ва малакаларни ҳосил қилади. Шу сабабли, бу назария тарафдорлари ўқиш мақсади бу билимлар билан ишлай олиш, лекин фақат билимларни ўзи кифоя эмас, - деб билишади. ¥ар бир ўқитиш инсонни «нимадир қилишга ўргатиш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Бунда ўз касбий вазифаларни бехато бажарадиган мутахассислик учун, амалга оширишнинг қайси элементлари мустаҳкам йўриқнома бўлиб ҳисобланишини билиш лозим. Бу элементлар тўплами (йўриқномалар), ўрганувчининг (фаолиятининг йўриқномаси) ўрганиш фаолиятининг энг асосий йўриқномаси бўлиши лозим.

«Ҳаракатнинг асосий йўриқномаси - бу фаолият - ҳаракатини бажараётган кишининг асосий таянчи бўлиб ҳисобланади». Ўрганувчи бу муайян бир ҳаракатни билмагани, ва бу ҳаракатни бажаришга энди ўрганаётгани учун ҳам, (ўргатувчи) ўқитувчи унинг қўлига маълум бир ҳаракатни бажаришда таяна оладиган йўриқномаларни бериш лозим.

Бошқача қилиб айтганда, бирор бир фаолиятга илк бора қўл ураётган киши, агар қўлида маълум бир асосий ҳаракат йўриқномаси бўлса, у бемалол бу ишни тўғри лекин жуда секин бажара олади. Шундай қилиб, у ҳар қандай янги ишни, ҳар бир янги фаолиятни бажаришга, у тригонометрик топшириқ, ҳоҳ у орфографик жиҳатдан тўғри хат ёзиш, ёки янги самолётни йиғиш бўлмасин психологик ҳодисанинг таҳлилини бажаришга ўрганиб олади.

П.Я.Гальперин таъкидлашича - «Инсоннинг ҳар бир ҳаракатининг назорат, бажарув ва мўлжал қисмлари мавжуддир. Ўқув жараёнида ўқувчи йўл-йўриқни мўлжалга қараб фаолиятни бажаради ва бу ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Йўриқнома ҳам ўқитувчи томонидан берилади.

Бу концепция асосида ўқитиш фаолиятини ташкил этишнинг яхши натижа бериши нафақат П.Я.Гальперин издошлари томонидан, балки бутун унинг мактаби томонидан ҳам исботланган.

Таълим психологиясининг яна бир йўналиши бўлиб назарий юксалтиришга асосланган субъектнинг фаоллиги шакли деб айтиладиган ўқув фаолияти ҳисобланади, у авлодларнинг ижтимоий тажрибаси натижасида индивидуал ривожланиш шартига қаратилган бўлади. Д.Б.Эльконин ўқув фаолиятининг муҳим қисми бўлган ўқув топшириғининг ечимини топиш натижасида фаолиятни бажарувчи субъектнинг ўзгариши, унинг дунёқараши, билими, малакаларини шаклланишига сабаб бўлишини кўрсатиб берган. В.В.Давидов, ўқув фаолияти - бу назарий билимни эгаллашни ўзи, ўқиш фаолиятининг шаклланишига эса мустақил ўқиш ва ижодий ёндошиш сабаб бўлиши аниқлаган.

Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидов 1960-1970 йилларда ўқитишни ривожлантириш тизмини ишлаб чиқадилар ва мактаб амалиётида синаб кўрдилар. Унинг асл моҳияти бўлиб нафақат ўқитувчиларни ўқув жараёнида маълум бир билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ҳар қандай илмий маълумот билан ишлай олишга ўргатиш бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу мактаб намоёндалари фикр юритишга ўргатиш лозимлигини, яъни ўқувчиларда замонавий фикр юритиш асосларини эгаллашлари илгари сурадилар. Бошқача қилиб айтганда, ўқишни шундай ташкил этиш керакки, доимо у «Ривожланувчи характерга» эга бўлиш лозим.

Демак ўқиш - бу фикр юритишга ўрганишдир. Ривожланувчи ўқитиш ғояси ўша йилларда бошланғич мактаб дастурига (уни эгаллаб олиш 3 йил мабойнида бўлади 4 йил эмас) ва 5-8 синфлар (алоҳида предметлар) ўрганадиган алоҳида фанлар дастурига ҳам киритилган эди. 1996 йилда бу дастур билан 1000 дан ортиқ ўқитувчилар ишлаган.

Эльконин - Давидов системаси бўйича экспериментал синфларда «асосан ўқув фаолиятининг шаклланиш жараёнининг тавсифномаси, интеллектуал ривожи, ўқувчилар жамоаси ва шахснинг ривожланиши сифати билан бу ўқитиш жараёнларининг анъанавий шароитдаги ривожлантириш, ўқитиш ғояси тизими тавсифномаси билан кўриб чиқилганда тўғри келади». Бу натижалар тавсифномаси анъанавий ўқитиш тизимида одатда режалаштирилмайди ва ўқитиш натижаси сифатида юзага чиқмайбаҳоланади.

Эльконин - Давидов ғоявий тизимида ўқитиш натижалари тавсифномаси ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади; а) ўқиш фаолиятининг шаклланганлик даражаси; б) ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси; в) ўқувчилар жамоасининг ва шахсни ривожланиш даражаси; г) ўқитиш охирида ўқувчиларнинг билим, малака ва эгаллаган кўникмалар даражаси.

Биз кўрганимиздек, тавсифномалар ичида, деярли якка ва асосий анъанавий тизимда ўқитишнинг сифати кўрсаткичида билим ҳажми даражалари мавжуд эмас. Бундан кўринадики, ривожлантирувчи ўқитиш тизими томонидан билимнинг зарур ва кераклилари инкор этиладими? Албатта йўқ, бу ерда эътибор билим сонига эмас, шахснинг қандай билим, малака ва кўникмалар, услублар ва бошқа сифатли жиҳатларини эгаллаганига қаратилади. Ахир билим шахсни ривожланишига ҳисса қўшиш ва фақатгина ўқитиш мақсади бўлиб қолмаслиги керак.

Шундай қилиб, ўқув фаолияти - субъект фаолиятини ўзгартирувчи, ҳеч нарсани билмагандан билувчига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган шахсга айлантиришдир. Шунинг учун ҳам ўқув фаолияти ўз-ўзини ўзгартириш, ўзини намоён этиш фаолияти деб аниқланиши мумкин ва бунинг предмети сифатида ўқувчиларнинг ижтимоий тажриба орттириш орқали эгаллаган тажрибаларини олиш мумкин. Ижтимоий тажрибанинг эгалланган бўлаги ва бу аввалги тажрибани ўзгартиришҳисобига ўқув фаолиятининг махсулини ташкил этади.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки: ўқув фаолиятининг предмети, махсули, мақсад ва натижаси бўлиб фақат билим бериш ҳамда эгаллашгина эмас, балки ўқувчининг интеллекти, шахсий сифатлари, ва олган билимининг

натижаси бўлган билим, малака ва кўникмалари ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб ўқувчининг илмий назариялари асосида мустақил фикр юритишга ўргатиш ҳисобланади.

Агар ўрта, олий ёки бошланғич мактаб фикрлашга ўргатиш лозим бўлса, у ҳолда буни қандай амалга ошириш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун фикрлаш психологиясидан келиб чиқиш керак. Замонавий илмий тасаввурлар бўйича фикрлаш- бу шундай махсус муаммонинг ечимики, унинг баъзи шартлари юзада ётади, (ёки юзаки) бошқалари эса мавжуд бўлмайди. Фикрлаш бу - предмет таҳлилининг кузатишлардан яширин бўлган муносабатларни намойиш этишга (очишга) қаратилган психологик фаолиятдир. Агар топшириқнинг барча шартлари ёритилган бўлса, у ҳолда фикрлаш талаб этилмайди ва инсон бу топшириқни хотира ёки бевосита қабул қилиш, шунингдек ўзига хос қарорга олиб борувчи йўл билан ҳал этиши мумкин. Фикрлаш топширик бўлганда, (савол) тайёр жавоб на хотирада ва на диққатда бўлмаганида ишга тушади. Шундай қилиб, инсон муайян вақтда муаммоли кўринган вазиятга тушиб қолади, ноаниқ ва номаълум бўлган нарсани ёритиш фикрлашни тақозо этади. Айнан шу нарсага талабалар ва ўқувчиларни ўргатиш лозим. Фикрлашга ўрганиш - бу билимлар ўртасидаги тафовутни ечиш, ўқувчи эга бўлган ва ўқувчи эга бўлмаган аммо юзага келган муаммо - топшириқни ечишда унга асқотадиган билимлардир.

Бу борадаги тавсиялар М.И.Махмутовнинг «Ўқитиш муаммолари» китобидан ўрин олган. Худди шу ном билан чоп этилган И.Я.Лангернинг брашюраси ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар иккиси ҳам педагогик фанлар доктори бўлиб, вазиятни «Педагогик нуқтаи назаридан таърифлайди Лангернинг таърифига кўра, - бу шундай ўқитишки, бунда ўқувчилар ўқув материаллари асосида тузилган тизимли муаммолар ва муаммоли топшириқларни ечишга жалб этиладилар. Муаммоли ўқитишда билимлар ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, - деб ёзади М.И.Махмутов балки, муаммоли вазият жараёнида уларнинг ўзи томонидан ўрганиш фаолиятида эгалланади. Психологлар Т.В.Кудрявцев ва А.М.Матюшкин бу фикрни аниқлаштирган ҳолда: муаммоли ўқитиш фақатгина ўқувчи олдига муаммоли вазиятни қуйиш билангина фаоллаштирилмайди. Замонавий фикрлаш психологиясининг имкониятлари нафақат ўқувчилар олдига муаммоли вазиятни қўйиш, балки улар учун муаммони ечимини топиш ва бу муаммо ечимини бошқариш имкониятини ҳам беради. Демак, муаммоли ўқитишнинг психологик нуқтаи назаридан аҳамиятга молик томони бу ўқувчиларни олдига фақатгина

муаммоли вазият-топшириқ қўйиш эмас, балки бу муаммоларни психологик билимнинг фикрлаш қонуниятлари асосида ечишга ўргатиш ҳамдир.

Бунда ўқитиш назариясида муаммо, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ, муаммоли савол, муаммоли машғулот каби тушунчалар кўп учрайди - худди муаммоли ўқитиш тамойили сифатида. Бу тушунчаларга қандай маънолар сингдирилган?

Муаммо (грекча - problema - топшириқ) - назарий ёки амалий савол, қайсики унга тайёр жавоб йўқ, шунинг учун ҳам ўрганиш, текшириш жавобни топиш учун керак бўлади. Одатда киши олдида муаммолар бирор бир эски методлар билан ечиб бўлмайдиган топшириқ пайдо бўлганда келиб чиқади. Ўқитиш мақсадида ўқитувчи, методик муаммолари, методист томонидан ўқувчи олдига атайин қуйилган бўлиши мумкин. Ўқитиш жараёнидаги муаммо ҳаётий муаммонинг моделидир.

Муаммоли вазият - бу субъектнинг муаммо билан тўқнашгандаги психик ҳолати, у томонидан қийинчилик сифатида аниқ ёки нотўлиқ идрок қилинаётган ва уни ечиш учун янги билимлар талаб этилиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал муаммодир. Муаммоли вазиятда пайдо бўлган янги билимлар субъектнинг эгаллашга қаратилган эҳтиёжи шахснинг ўрганишга бўлган фаоллигидир.

Муаммоли вазият субъектнинг юзага келган муаммони ўрганишга бўлган муносабатини билдиради, бироқ бу шундай муносабатки, унга кўрауни ечиш йўлини билмайди, бу йўлни эса топиш лозим. Аммо топиш эҳтиёжи фақатгина муаммони аниқ ҳис этишдагина юзага келади. Гап шундаки, маълум бир муаммога дуч келган субъект уни маълум вақтга қадар шунчаки бир қийинчилик деб ўйлайди, лекин муаммо деб ҳисобламайди, қачонки қандайдир алоҳида йўл билан ечиш лозим бўлгандагина муаммо сифатида назарда тутилади.

Шундай қилиб, объектив мавжуд бўлган тўсиқ субъект томонидан муаммо сифатида қабул қилинмаслиги ҳам мумкин экан. Ахир фикрлаш фаолияти субъект муаммони аниқ ҳис этгандагина ишга тушади. А.Н.Леонтьев томонидан қуйидаги мисол келтирилади; Авиомодель тўгарагига қатнашувчи ўқувчилар катта қизиқиш билан учадиган авиомоделларни ясар эдилар. Инструктор улардан учиш назариясини ўрганиб келишларини талаб этди. Аммо, энг қийин ва майда ишларни ҳам бажарган ўқувчилар учиш назарияси билан жуда кам, деярли қизиқмаган эдилар. Назарияни билиш зарурлиги ҳақидаги ҳеч қандай ташвиқот фойда бермади ва болалар авиаадабиётни ўқиб туриб ҳам фақат амалиётга тааллуқли бўлган жойларни тушинар ва эслаб қолар эдилар. Нимага болалар

назарияни ўргана олмадилар? Чунки уни билмаслик уларни ҳеч қандай муаммоли вазиятга қуймас ва амалиётда ҳалақит бермас эди. Топшириқни бажаришдақуйидаги усул таклиф қилинди, яъни авиамоделни ясовчилар уни ясабгина қолмасликлари, балки уни учиришлари ҳам лозим деб ўзгартирилди ва натижада модель 2 метр ҳам учмай тўхтаб қолганида, нега бундай бўлди деган муаммоли вазият юзага келди. Шунда инструктор уларга назарияни тушунтириб берди ва энди болалар муаммоливазият ёрдамида назарияни ҳам ўрганиш лозимлиги, унинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини тушиниб етдилар.

Кўпинча шундай бўладики, аввал тўла тўкис англамаган қийинчиликлар аста-секин муаммоли вазиятга айланади ва шахсни фикрлаш, фаоллигини ошириб, янги билимларни, янги услубларни эгаллаш эҳтиёжини туғдиради.

Психологлар аниқлашича, фикрлаш жараёни аксарият ҳолларда муаммо, савол, ҳаракатланиш ёки қарама - қаршиликдан бошланади. Айнан шундай муаммоли вазиятда субъектнинг фикрлаш фаолиятининг даражаси аниқланади. Аммо юқоридаги фикрлар билан ҳар қандай муаммоли вазият фикрлашнинг фаоллигини кўрсатиб беради деб айта олмаймиз. Вазиятни муаммоли деб қабул қилишдан ташқари субъект бошида қандайдир билимлар заҳираси бўлиши лозим. Масалан, «референт гуруҳ» нималигини билмаган талаба ижтимоий психологиядан қуйидагича қўйилган саволга жавоб беролмайди: бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ҳам «референт», ҳам «катта», ҳам «кичик» ҳам «профессионал», «табиий» бўла оладими? Бундан шуни англаш мумкинки, индивид томонидан муаммоли деб қабул қилинган вазият ҳали тўғри йўналишда муаммони ечиш учун фикр юритиш имконияти бўлмайди. Унда бошланғич билимлар заҳираси бўлмаса, у нима ҳақида ўйлаш, фикр юритиш лозимлигини била олмайди. Демак муаллиф ёки ўқитувчидан муаммоли вазиятни ечиш билимлари агар аввалдан талабага берилмаган бўлса, у ҳолда шу муаммоли вазият билан бирга берилишини талаб этиш лозим.

Муаммоли вазиятлар объектив ва кундалик ҳаётда жуда кўп юзага келади, ва бу субъектдан ишга ижодий ёндошиш ва умуман тўғри фикрлашни талаб этади. Бунинг учун яна олийгоҳда ўқиш даврида ҳаракатлар қарама-қаршилигидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишни ҳам билиш лозим.

Ўқиш жараёнида эса бундай муаммоли вазиятлар ўқитувчи, методист, муаллиф томонидан юзага келтирилади.

## Тарбия психологияси

Ижтимоий мухитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тугрисида гапирилар экан, ижтимоий психология ишлаб чикаётган референт группа тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, хама одамлар хам, хатто энг якин теварак-атрофдаги одамлар хам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир килавермайди, купларнинг фикрларига у бефарк карайди. Хаар бир одам учун бўлганидек, хар бир мактаб ўқувчиси учун хам айрим группалар (баъзан бундай группа бир кишидан таркиб топган булиши мумкин) мавжуд булади, у шахс сифатида бу группаларнинг фикрлари, узи учун нихоятда ахамиятли бўлган мулохазалари билан хисоблашади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, хофлидаги улфатлар, якин дуст ва хоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун анна шундай референт группалар булиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларга бефарк ёки хатто салбий муносабатда булиш холларига купинча ўқувчининг тарбиячига маълум булмаган референт группа позициясида туриши сабаб булади. А.В.Петровскийнинг окилона фикрига кура, агар тарбиячи, мактаб ўқувчиси хеч нарса ва хеч ким билан хисоблашмайди, унинг учун хеч кандай обрули одамлар йук, унга хеч ким таъсир кила олмайди, деб даъво киладиган булса, бу нарса одатда тарбиячининг мактаб ўқувчисининг ахлокий поэзиясини белгилаб берадиган таъсирли референт группалардан мутлако хабарсиз эканлигини билдиради.

Агар референт группанинг кизикишлари, идеаллари ва максадлари ижтимоий ахамият характерини касб этган булса, унинг таъсири уда яхши булади. Бирок бунинг акси хам булиб туради. Агар мактаб ўқувчисига хар хил нуктаи назардаги ёки хатто бир-бирига карама-карши нуктаи-назарлардаги бир канча референт группалар (масалан, мактаб ва оила, мактаб ва ховлидаги улфатлар ва бошкалар) таъсир этадиган булса, одатда бу нарса бузилишга, огир психологик кечинмаларга, йулдан озиш хамда тукнашувларга олиб келади.

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг хал килувчи таъсири остида таркиб топади. Табия махсус фаолият сифатида муайян программанинг, англаб олинган максаднинг мавжудлиги билан, таъсир курсатишнинг махсус ишлаб чикилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ва методларининг кулланилиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Л.И.Божович тугри таъкидлаб утганидек, хар бир бола шахсини кунгилдагидек таркиб ьоптиришга эришиш имконини берадиган, бирор салбий хислатнинг олдини оладиган тарбиявий жараённи илмий асосда ташкил этиш асосларини ишлаб чикиш хам педагогик психологиянинг

мухим муаммоларидан биридир. А.С.Макаренко алохида таъкидлаб бундай деган эди, соглом тарбиявий вазиятсиз мукаммал шахс вужудга келган ёки, аксинча, тугри тарбиявий иш олиб борилган пайтда бузилган шахс таркиб топган бирорта холни билмайман.

Шахс бир бутун мавжудот булиб, ундаги хар бир сифат бошка сифатлар билан узвий равишда богланиб кетган булади, бинобарин, шахснинг хар бир хислати унинг бошка хислатларига бўлган муносабатларига караб уз ахамиятини, купинча мутлако хар хил ахамиятларини касб этади. Масалан, катъиятлик узок муддат давомида максадга эриша олиш хислати сифатида кийинчиликлар ва тусикларни енгиб, юксак маънавий хислар, тараккий этган жамоавийлик хисси билан бирга кушилган такдирдагина ижобий ахамият касб этади. Агар бу хислат кучли тараккий этган худбинлик эхтиёжлари билан жамоа, бошка кишилар манфаатларини мансимасдан, шахсий манфаатларга эришишга интилиш билан боглик булса, мутлако бошкача мазмун касб этади. Жасурлик узининг эхтиёткорлик ва уйлаб иш килишлик билан, импульсивлиги билан, юксак гоявийлик ёки майда магрурлик хамда узини катта олишлик билан бирга кушилиб кетганлигига караб мутлако хар хил мазмун касб этади. Хатто уртоклик ва жамоавийлик хиссига хам абстракт тарзда караб хамда бахолаб булмайди. Бу сифат хамкорликдаги фаолият шароитида юксак ижтимоий фойдали максадлар туфайли ёки, шахсий, аммо рус ахлокига зид келмайдиган максадлар туфайли ёки, нихоят, у хамманинг бир-бирига кафиллиги хиссига айланиб кетадиган жамиятга карши ахлоксиз максадлар туфайли юзага келиш-келмаслигига караб, мутлако бошкача мазмунга эга булади. Шунинг учун хам, инсонни кисмларга ажратиб тарбиялаб булмайди, шахс хама вакт бус-бутунлигича тарбия килинади, дейдилар.

Мактаб ўқувчисининг муайян коидалар ва нормаларни билиши маънавий хулк-атворнинг зарур шартидир. Бирок ахлок нормаларини шу тарика билиш ўз-ўзидан ахлокий хулк-атворни тегишли даражага эриштирмайди. Бунинг учтига, билимларни маънавий хулк-атвор амалиётисиз узлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулк-атвор уртасидаги ажралишда ифодаланадиган «ахлокий шакллик» (Л.И.Божович) деб аталувчи формализмнинг юзага келишига олиб боради. Шунинг учун мактаб ўқувчисининг хаёти ва фаолиятини тугри ташкил килиш, ажобий ахлокий, ижтимоий ижтимоий хулк-атвор тажрибаси унинг шахсини таркиб топтиришда асосий нарса булиши керак. Ўқувчида бу нарса тарбиячи раҳбарлигида хосил булади. Бу нарса ўқувчиларда билимлар тизимини- табиий, ахлокий ва гоявий-сиёсий билимлар тизимини, (бу

билимлар муайян даражада етакчи роль уйнаган пайтда) таркиб топтириш билан юз бериши керак. Анна шундай шароитдагина мактаб ўқувчиларида дунёкараш шахснинг асосий ифодаси ва унинг хулк-атворидаги асосий стимул сифатида таркиб топади.

Рус психологларининг берган маълумотларига кура, биргина фаорлиятнинг узида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига хам караб) шахснинг хар хил (ва хатто бир-бирига карама-карши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз ўқувчиларни бошкаларни очикдан-очик ва дадил танкид килишга ургатамиз. Анна шундай килиш билан болада принципиаллик, жасурлик, соф диллик, танкидий куз билан караш фазилатлари атркиб топади деб хисоблайдилар. Аммо, биз айтилганларни хисобга олмасак, хамиша хам узимиз кузлаган максадга эришаверамизми? Йук, чунки хулк-атворнинг анна шут угри шакли негизида мактаб ўқувчиси амал киладиган мотивлар ётади. Бу хулк-атвор шахсан ўқувчининг узи учун кандай маънога эга булишига караб, унда хар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи уз уртогини принципиал мотивлар асосида танкид киладиган булса, бу танкид унинг уртогида характернинг принципиаллик, қатъийлик, халоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, уз айбини уртогининг буйнига куйиш истаги билан танкид киладиган булса, бу худбинлик, ингдивидуализмнинг таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий гараз билан танкид килинаан булса, унда шу асосда касоскорлик, маккорлик, инсофсизлик хислатлари таркиб топади. Агар бундай танкид килишга, нихоят, ўқитувчидан куркиш ва унга ёкиш истаги ёки магрурлик истаги, принципиалсизлик сабаб бўлган булса, унга лаганбардорлик, икки юзламачилик сингари хислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, тугри хулк-атвор тажрибаси бу хатти-харакат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вактдагина кузланган максадга олиб боради. Шунинг учун хулк-атворнинг тугри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустахкамлаш мухим ахамият касб этади. Мактаб ўқувчиларида муайян вазиятларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустахкамланиши ва барча бошлангич вазиятларга таркалиши керак.

Бошкача килиб айтганда, шахснинг хар бир сифат тузилишига, биринчидан, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти-харакатига ижодий муносабатда булишига имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти-харакатларнинг мустахкамланган усули киради. Шундай килиб, шахснинг сифати, Л.И.Божовичнинг ибораси билан айтганда, хатти-харакат мотивлари

ва бу мотивлар тегишли шаклларининг узига хос бирикмасидир. Хтти-харакат баркарор, хукмрон (асосий) мотивларнинг тизимини баъзи психологлар (Л.И.Божович, М.С.Неймарк) шахснинг йуналиши деб таърифлайдилар. М.С.Неймарк мактаб ўқувчиларининг йуналишини тадкик килди ва бу йуналишнинг учта асосий турини-жамоавий, шахсий ва ишчанлик йуналишларини (ишга, фаолият жараёнига бўлган йуналишни, ижодий фаолиятга кизикишни) алохида ажратиб курсатди. Йуналишнинг жамоа, шахсий турлари бир хил, тугри характеристикага эга булмаслиги керак. Хакикий жамоа йуналишдан ташкари «худбинлик группаси» деб аталган йуналиш-бошка жамоаларнинг кизикишларини мутлако менсимаган холда факат бита коллективнинг, (группа, синфнинг) кизикишларинигина эътироф этадиган йуналиш хам бор. Шахсий йуналиш шахсий ютукларга эришишга каратилган йуналиш сифатида хама вакт хам жамоа йуналишга карама-карши булавермайди.

Рус психологлари (Л.И.Божович ва бошкалар) Яна шу нарсани аникладиларки, мактаб ўқувчиси шахсининг таркиб топиши гарчи уша ўқувчи яшайдиган ижтимоий шароитлар билан, мазкур ижтимоий шароитларда у оладиган таълим ва тарбия билан белгиланса-да, турмуш шароити ўқувчи шахсининг юзага келиши ва карор топишини тугридан-тугри, бевосита, автоматик тарзда эмас, балки ўқувчининг узи бу шароитлар билан кандай муносабатда булишига караб белгилайди. Анна шунинг учун хам бита ташки шароитнинг узида ўқувчиларда шахснинг турли-туман хислатлари таркиб топиши мумкин.

Мактаб ўқувчисига курсатилган ташки таъсир билан унинг ички дунёсининг узаро муносабати характери ва унинг узига курсатиладиган ташки таъсирларга шахсий муносабати нихоятда мухим. Уз вактида Л.И.Божович хатто махсус тушунчани-мактаб ўқувчисига куйиладиган талаб унинг узи учун ва катталар учун тарлича маъного эга бўлган пайтда таркалган вокеани ифодалаш максадида «маъно тусиги» тушунчасини тавсия этган эди. Маъно жихатидан бундай тафовут мактаб ўқувчисига куйиладиган талабнинг таъсир килишига хам гов (тусик) булади.

Битта ташки таъсирнинг узи маънавий заминнинг канакалигига, мактаб ўқувчисида таркиб топиб бўлган маънавий киёфанинг канакалигига караб мутлако хар хил Самара бериши мумкин. Мактаб ўқувчисининг маънавий киёфаси эса асосан унинг турмушда орттирган шахсий тажрибасига: унинг фаолиятига, катталар ва тенгдошлари билан узаро муносабатлари характерига, унинг оила ва мактаб жамоаларига, катталар уртасида тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Мактаб ўқувчисининг тажрибаси унинг теварак-

атрофдаги кишилар хаёти ва фаолиятини, уларнинг хулк-атвори, хатти-харакатини кузатиши, улар билан узаро алокалари билан хам белигланади. Шахсий тажриба асосида юзага келадиган бевосита хис-туйгулар ва мулохазаларни мактаб ўқувчиси хама вакт жамиятимизда кабул килинган ахлок нормалари хамда узига нисбатан куйиладиган бирор шаклдаги талаблар жумласига киритади. Боланинг шахсий тажрибаси жамият ахлокий талабларига кай даражада мос келишига караб ўқувчи шахси шаклланади. Масалан, агар унинг шахсий тажрибаси ахлок меъёрларига ва теварак-атрофдагиларнинг унинг узига куядиган талабларга зид булса, ўқувчи бу талабларни расмият учун кабул килиши, уларни катталарнинг олдидагина бажариши мумкин.

Шундай булиши хам мумкин: бундай номувофиклик юз берган пайтда ўқувчи узига куйилган талабларга расман буйсунмайди хам. У узини катталарга, жамоага карама-карши килиб куяди ва уз ахлокига очикдан-очик амал килади. Бундай холда ўқувчилар, одатда, жамоадан ажралиб коладилар, худи узларига ухшаш узини болалар жамоасига карама-карши килиб куядиган мактабдан ташкаридаги уртоклари мухимтига тушиб коладилар. (Л.И.Божович тадкикотлари).

Тарбиячиларнинг талабларини ўқувчиларнинг узлаштириб олиш жараёнини, бу талабларнинг «ўз-ўзидан» талабга айланиши жараёнини, масалан, А.А.Бодалев тадкик килди ва бу жараённинг бир канча боскичларни босиб утишини аниклади. Дастлаб бу ўқувчининг узи учун ташки таъсир булиб коладиган талабларни мажбуран кабул килишидир. Сунгра ўқувчи карорларни ихтиёрий равишда, уз бурчларини англаб кабул килади. Тугалланувчи боскичда сиртдан куйиладиган ахлокий талаблар хусусий, шахсий, ички талабларга айланиб қолади, ўз-ўзига бўлган хакикий талабчанлик юзага келади.

Шундай килиб, мактаб ўқувчисининг маънавий киёфасини таркиб топтириш пайтида унинг шахсий тажрибасини шандай йулга куйиш керакки, бу тажриба ижтимоий ахлок меъёр ва коидаларини узлаштириб олиш учун кулай замин яратсин. Шахсий тажриба ва ижтимоий талаблар бир-бирига таъсир курсатиб турган вактда ўқувчи шахсини таркиб топтириш жараёнида болада унинг хатти-харакатларини хамиша харакатга келтирувчи мотивларга айланиб колган эътикод ва идеаллар тизими юзага келади. Ана шу асосда шахснинг ахлокий баркарорлиги, яъни одамнинг узи узлаштирган принципларига ва уларга мос келадиган хатти-харакатига хар кандай шароитда содик булиб колиш кобилияти пайдо булади.

Укувчи тушиб колган ахлокий-эмоционал мухитга эътибор бериш, ўқитувчида турли ахлокий тасаввурлар мавжудлиги пайтида унда ахлокий хислар хамда истакларни таркиб топтириш ва тараккий эттириш мактаб тарбиявий таъсирининг мухим психологик шарт-шароитларидан биридир. Бирок, факат шунинг узини билиш кифоя килмайди. Эътикод-шундай билимлар, коидалар, мулохазалар, фикрлардирки, улар узларининг хакикатлигига, шубхасизлигига, ишонарлигига чукур ишониш хамда хиссий кечиниш билан богликдир. Эътикод-тушунилган, фахмлаб олинган нарсагина эмас, балки чяукур тарбиялаш учунўқувчи таъсирланадиган ижобий мисолга эга бўлган ( бевосита, ёки «бадиий»-кино, театр, адабиёт ёки нихоят, тарбиячининг жонли, Еркин, образли ва эмоционал сузи) камол топиб бораётган одамнинг шахсий бойлигига айланиб бўлган, кишинининг узи учун хатти-харакатлар, ишга бўлган узига хос ахлокий билимлар, уларга берилган бахо, кечинмалар ва истакларнинг йигиндисига айланиб колган такдирдагина ахлок коидалари хатти-харакатларнинг эмоционал мотивларига айланади.

Энди ўқувчи уз эътикод ва идеалларини химоя килишга хамда уз хатти-харакатлари ва уз хаётини уларга буйсундиришга интилибгина колмайди, балки турмушни уз эътикод хамда идеалларига мувофик тарзда узгартиришга харакат килиб, теварак-атрофдаги кишиларга, уртокларига, катталарга фаол таъсир курсатишга интилади. Бошкача килиб айтганда, мухитнинг муайян таъсири остида таркиб топган ўқувчи шахси бу боскичда тараккий эта бошлаган булиб, уз навбатида, анна шу мухитга муайян максадни кузлаган холда онгли таъсир курсата бошлайди, унга тескари таъсир эта бошлайди (Л.И.Божович тадкикотлари), энди ўқувчи бизга ёт бўлган хислатлар карши (худбинлик, интизомсизлик, ужарлик, куполлик, виждонсизлик ва хоказоларга Карши) фаол кураша олади. Шунинг учун тарбиянинг бу боскичдаги асосий вазифаси ўқувчининг курсатиб утилган имкониятдан тугри фойдаланиши учун унинг ижтимоий активлигини устиришдир.

И.М.Краснобаев, В.А. Крутецкий, В.И. Селиванов ва бошкаларнинг олиб борган тадкикотлари бир канча ўқувчиларда ахлокий тушунчалар сохасида жуда куп камчилик ва англашмовчиликлар борлигини курсатди. Айрим ўқувчилардаги бу хато карашларга мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар сабабчи бўлган. Уларда тугри ва аник ахлокий тушунчаларни таркиб топтиришга, тегишли билимларни эгаллашга, хато хамда камчиликларга бархам беришга ёрдам берадиган кенг, планли ва махсус уюштирилган иш зарур.

Ахлокий онгни таркиб топтиришнинг энг мухим йули ўқувчиларнинг узларида тугри хулк-атворни юзага келтириш билан ахлокий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йулидир, албатта. Ўқувчилардаги ахлокий билимнинг турли-туман шакллари, уларнинг онги ва хис-туйгуларига жонли, ёркин оташин сузнинг таъсири бу ишни анча тулдириши мумкин.

Махсус тадкикотлар, шунингдек ўқитувчиларнинг тажрибалари курсатганидек, юкорида санаб утилган барча методлар ўқувчиларга ахлокий тарбия бериш сохасида катта фойда келтиради, бирок улар асло курук, зерикарли, жонга тегадиган панд-насихатга айланиб колмаслиги керак.

А.Г.Ковалев жуда тугри таъкидлаб, ахлок коидалари «ўқувчифалон килиши керак» дейиш сингари мухокамалар тарзида баён килинганда ўқувчининг эътикод шаклларини насихатгуйлик билан аралаштириб юбориш ярамайди, бу фойдалан кура купрок зарар келтиради, дейди.

Хатто актив таъсир курсатишнинг ажойиб устаси бўлган А.С.Макаренко хам ахлокий (этик) суҳбатларнинг чинакам тарафдори эди. Унинг узи назарий ахлокий турдаги суҳбатларнинг конспектини ёзар,уларда энг яхши бундай ахлокий назариянинг катта самараларини курар эди.

Муайян принциплар ишлаб чикилган булиб, ахлокка доир суҳбатлар уша тамойил асосида тузилиши керак. Бу тамойил куйидагилардир:

1. Ахлокка доир суҳбатлар мазмуни жихатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли булиши лозим. Мавхум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулохазалар билан толиктириб куйишга йул куйиб булмайди.

2. Одатда, суҳбат утказиладиган жамоани, унинг йуналишини, бу жамоа аъзоларининг узаро муносабатларини ўқитувчига, укиш ва бошкаларга муносабатини яхши билиш зарур.

3. Бундай суҳбатларни нихоятда тез-тез утказиб турмаслик даркор. Агар суҳбатлар аник сабаблар билан, мамлакат ёки жамоа хаётидаги бирор вокеага, масалан, октябрь револьюциясининг катнашчилари билан, кахрамонлар билан учрашувларга, янги китоб ёки кинофильм чикканлигига, мактаб хаётида юз берган бирор ижобий ёки салбий вокеага тугрилаб утказилса, жуда яхши натижа беради.

4. Суҳбатни ёркин, яхшилаб танлаб олинган аник мисолларни, хаётий вокеалар ёки адабий асарлардаги фактларни хамда кузатишларни тахлил килишдан бошлаб, умумлаштириш хамда хулосалар чикаришга утиш тавсия этилади.

5. Эмоционал тарзда келтирилган, ёркин ва таъсирчан образга окилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар

ёки театр асарларига жамоа булиб бориш ёхуд уларни жамоа булиб эслаш) зарур.

6. Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган коидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган булиши мухим ахамиятга эга. Бу хама нарсани тушуниб олишга ва бунинг окибатида далил кабул килишга, окилона исботларга рози булишга кодир бўлган усмирлар ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан суҳбат утказиш пайтида жуда мухимдир.

7. Ўқувчиларда максимал активлик уйготиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйготиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва узларини ахлок масалалари устида уйлаб куришга мажбур килиш зарур.

8. Ўқувчиларда чукур ва таъсирчан эмоцияларни уйготишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарк ва шавк-завксиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли килиб утказганидагина эришиш мумкин. Ўқитувчи узининг эхтиросли эътикоди усмирларга юкишини унутмаслиги даркор. Усмирларнинг узлари хис этадиган туйгуларни тахминан куйидаги шаклда англаб олишларига эришиш жуда мухимдир: «Нима учун бу ҳодиса менда шунчалик газаб ва нафрат уйготади?» «Нима учун мен бу хатти-харакатдан шунчалик хайратландим?».

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзидан тарбиялашига раҳбарлик килишда туртта вазифани кузда тутиши керак. Биринчи вазифа-ўқувчида – ўқувчида узида шахснинг ижобий хислатларини тараккий эттиришга ва уз хулк-атворидаги ёмон томонлардан халос булишга истагини уйготиш.

Ана шундан иккинчи вазифа-ўқувчига уз шахсига танкидий муносабатда булишда, уз хулк-атворидаги хусусиятларни диккат билан ва одилона тушуниб олишда, уз камчиликларини яккол куришда, уз нуксонларини фахмлаб олишда ёрдамлашиш вазифаси келиб чикади. Ўз-ўзига бахо бериш, бу бахонинг объективлиги ёки субъективлиги шахснинг таркиб топиши жараёнида мухим роль уйнайди.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш программасини тузишда, шахс хулк-атвори хислатининг кайси хусусиятларини (масалан, узини ушлай билиш, қатъийлик ва шунинг сингариларни) тараккий эттириш, кайсиларига (масалан, ужарлик, ялковлик, куполликка) бархам бериш кераклигини белгилаб, хамда хал килиб олишда ўқувчига ердам берадилар. Худи шу ерда шахс сифатларини тугри ва объектив бахолашда, уларни келиб чикиш сабаблари хамда мазмуни жихатидан бахолашда хам ўқувчиларга кумаклашиш мухимдир.

Нихоят, туртинчи вазифа-ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг окилона йулларини курсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий

хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга бархам беришга оид энг максадга мувофик ва самарали ишлаш усуллари билан куроллантирадилар.

Агар ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчилар жамоасининг раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширилса, жуда яхши натижа беради. Агар жамоанинг узи уз аъзосига қатъий талаблар куйса ва уларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат килиб турса, бу хол ўқувчини уз устида ишлашга нихоятда рагбатлантириб юборади.

## Ўқитувчи психологияси

Ўқитувчининг ўзига хослиги фақатгина унинг ҳар томонлама педагогик фаолиятидаги фазилатлари билан боғлиқдир. Ўқитувчи фаолияти ўзаро компонентлардан иборат. Педагогик фаолиятнинг 3 компоненти фарқланади: конструктив, коммуникатив ва ташкилотчилик.

Конструктив компоненти. Ўқитувчининг ишида конструктив дарс катта ўрин эгаллайди, яъни синфдан ташқари ишлар мактаб дастурлари билан боғлиқ ўқув материалларни таълим олувчилар учунтурли методик ишланмаси ва уни таълим олувчиларга ифодасини қамраб олган. Ушбу барча ишлар дарс конспекти таркибида ўз ифодасини топади, яъни: ўз фаолиятининг тартиби ва тизими таълим олувчиларнинг фаолият тартиби ва тизими (яхлит синфни ва алоҳида ўқувчиларни).

Айни вақтда педагогик фаолиятнинг ушбу компоненти мактаб олдида турган асосий вазифаси ўсиб келаётган авлоднинг фаол фуқаролик ҳолатида тарбиялаш ўқитувчи шахсига маълум бир талабларни қўяди.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштиришга интилиши керак, бунинг учун эса у энг қийин назарий саволларни осон ўзлаштирилиши учун ўқув материални танлаш ва қайта ишлаши лозим.

Биринчи навбатда таълим олувчиларнинг фаолияти фаол бўлмаса, чуқур билим ва ўзлаштириш жараёни амалга оширилмайди.

Таълим жараёнини фаоллаштириш ва интенсификациялаш йўлларини излаш конструктив фаолиятнинг ажралмас қисмидир. Бу билан боғлиқ ҳолда кўпгина ўқитувчилар дарсда муаммоли ўқитиш ва муаммоли вазиятларни ташкиллаштирилди. Таажжубки, ўқитувчи ҳар қандай қўлланмаларни (дастур, методик адабиётлар) қўлламасин, ҳар бир дарс унинг билимларига, унинг ижодиётига, тафаккурнинг ўзига хослигига боғлиқ, ҳамда педагогнинг аналитик фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчлик компоненти. Педагогик фаолият структурасида ташкилотчилик фаолияти ҳам муҳим ўринга эга. Уни конструктивдан ажратиш қийин бўлиб, улар ажралмас яхлитликни ташкил қилади. Ўқитувчи

дарс давомийлигини режалаштиришда унинг бутун ўқув ва тарбия жараёнини ташкиллаштиришни билишга боғлиқдир. Фақатгина шунда ўқувчиларни билим билан қуроллаштириш мумкин.

Ташкилотчилик компонентида 3 йўналиш мавжуд: ўз табассумининг ифодаси: дарсдаги ташкилотчилик хулқ-атвори; болаларни фаоллаштириш ташаббуси, уларнинг билиш соҳасини доимий равишда фаоллаштириш.

Агар ўқитувчи ўз маҳоратини ташкилотчилик фаолиятининг биргина аспектида ифодаласа, масалан: ўқув жараёнини яхши ифода эта олди, лекин болаларни фикрлаш фаолиятини фаоллаштира олмади, бунда билимлар ўзлаштирмай балки дарс кўнгил очар характерда бўлади.

Агар ўқитувчи синфни бутунлай ўзининг ташкилотчилик хулқ-атвор билан кўлга олса-ю, лекин ўқувчиларга материалларни, аниқ ифода этиб бера олмай, материаллни ифода этаётган вақтда ўқувчиларда юзага келган саволларга жавобни аниқлаштирилгани оқибатида ҳали юқоридагидек камчиликни яъни билимларни чуқур ўзлаштирмаслик юзага келади.

Бу ўқувчиларнинг мулоқотига, ўйин ва меҳнат фаолиятини ташкилаштиришга ҳам боғлиқдир.

Ўқиш ва билиш фаолиятидаги ташкилотчилик жараёни албатта бир қатор вазифаларни бажариши керак. Ташкилотчилик маҳоратига эга малакали ўқитувчи аввало таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириб, уларни йил бошидаги ўқишлариIII синфга бориб, жамоага муносабатларни шакллантиришга олиб келади. Таълим олувчиларнинг якка тартибдаги ташаббускорлик фаолияти муҳим бўлиб, у жамоанинг ҳар бир аъзосининг таъсири, ота-оналарнинг болаларга таъсири, юқори синф сардорининг синф тадбирлари сардорига таъсирида ифодаланади. Мазкур барча алоқа ва синфлар муносабатида ўқитувчининг таълим олувчиларнинг фаолиятининг назорати, ташаббуси муҳим ўринга эгадир.

Коммуникатив компонент. У ўз ичига ўқувчилар билан, ота-оналар билан, ота-оналар билан маъмурият билан, ўқитувчилар билан муносабатларини олади.

Айнан ўқитувчининг ўқувчи билан муносабатида ташкилотчилик ва конструктив фаолиятидаги ютуқларини ва таълим жараёнига нисбатан ўқувчиларда эмоционал бирдамликни ҳосил қилади. Шунинг учун ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабат бошланғич синфларда асосий диққатни таълим олувчиларга қаратилади. Ўқувчилар ўқиш бошида ўқитувчининг билимини ёки унинг дарсини ташкиллаштириш эмас, балки унинг

меҳрибонлигини, эътиборлигини, кучли эмоционаллигини баҳолашади. Бу эса кичик ёшдаги ўқувчиларда бу муносабатлар катта таассурот қолдиради.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга ўқитувчининг коммуникатив сифатлари таъсири шунчалик юқорики, у жамоа синфида юзага келадиган кўпгина муносабатларни аниқлаш усулидир.

Ўқитувчиларнинг таълим олувчиларга нисбатан 5 хил эммоционал муносабатни ўз ичига олади: ижобий эмоционалликнинг сустлиги, салбий эмоционалликнинг активлиги, салбий эмоционалликнинг сустлиги ва ҳар хиллиги.

Ўқитувчидаги эмоционал хилма-хиллик ўқувчиларга нисбатан шубҳали ва салбий йўналтирилган бўлади, бу сентиментал ва ўқувчиларни асоссиз кенгайтиради, бу эса синфда бир-бирига нисбатан асабий ва ва нотекис муносабатларни келтириб чиқаради. Педагогик фаолиятнинг коммуникатив томони барча педагогик жараёнларни ўз ичига олади.

Дарсда янги материални тушунтиришда ўқитувчининг эмоционал узатиши ўқувчиларда билимни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

Якка тартибдаги ёндошув инсоннинг коммуникатив фаолиятининг бир томони бўлиб унинг ишдаги ютуғини белгилаб беради. Ўқитувчи ўқувчидаги ўзига хос хусусиятларини сезиши ва билиши керак, унга нима ёрдам беради-ю, нима халақит қилади. Ўқувчининг сустлиги унинг темпераменти билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчидан такт ва сабр-бардошликни ва анатомо-физиологик хусусиятларнинг ўзига хослиги, нутқдаги камчиликлар мавжуд бўлган ўқувчиларга алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўқув фаолиятидаги ҳар бир дарс жараёнининг босқичи ва айниқса сўроқ ўтказилишида олдиндан ўйланган режалаштирилган мулоқот имкониятларини талаб қилади. Гапни бўлмай тинглашни билиш, ўз вақтида юзага келган саволни бериш, жавобни ҳаққоний баҳолаш, таълим олувчиларга субъектив муносабатда бўлмаслик, педагог шахсининг ўқувчига нисбатан ижобий таъсирини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бошланғич синфда ўқитувчининг фаолиятида конструктив ва ташкилотчилик компонентлари эмас, балки коммуникатив компонентлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўқитувчида ўқувчиларга нисбатан ижобий ёки салбий стереотипларни муносабатларини келтириб чиқариб, бу ўқитувчида хулқ-атворини ўзгартириш ва анализ қилишни талаб қилади.

А.И. Шербаков юқорида санаб ўтилган компонентлардан ташқари, педагогик фаолиятнинг қуйидаги тўлдирувчи томонларини очиб берган. Бу ахборотли томони (материалга эга бўлиш ва уни маҳоратини етказиш);

ривожлантирувчи (ўқув шахсининг яхлит ҳолда ривожланишига йўналтириш); ҳаракатлантирувчи (таълим олувчиларга ақлий фаолиятларини фаоллаштириш ва уларни мустақиллигини ривожлантириш мўлжалланган (шахсни мотив ва идеалларига йўналтириш); изланувчан (педагогик жараёндаги ижодий изланишлар), ўз малакасини ошириш ва ўз маҳоратини жоимий равишда такомиллаштириш.

Педагог касби учун шахсий хусусиятлар кўлами жуда муҳим ҳисобланиб, ўқитувчида педагогик фаолиятида ва худди шу вақтнинг ўзида унинг ютуқларини таъминлашда англаш ва фаолият юритиш бирлиги шаклланган бўлиши керак.

Педагогик фаолият мотивлари. Кўпгина мотивлар орасидан ўқитувчи шахси учун бош мотив сифатида касбий мотив ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий мотиви ҳар қандай мотивация сингари мураккаб тузилишига эгадир. Унинг таркибига педагог касбни танлаш мотиви, ўқитувчининг меҳнат фаолиятида вужудга келадиган мотивлар, педагогик фаолиятни мукаммаллаштирувчи мотивлар киради. Шубҳасиз, мазкур мотивлар негизида: жамият олдидаги бурчи, ватанпарварлик каби кенг ижтимоий установкалар ётади. Айнан бу хиссиётлар барча мотивларни ва фаолиятни белгилайди.

“Аммопедагогик меҳнат жараёнида мазкур ижтимоий установкаларни аниқ фаолиятга жалб қилиш мотивлари билан мустахкамланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ушбу мотивга асосий эътиборини қаратмоғи лозим.

Педагог касбни танлаш мотив таркибига болалар билан ишлашга бўлган қизиқиш, ташаббускорлик қобилият, тақлид (севимлиўқитувчига нисбатан), болаларни текшириш ишлари ва бошқалар киради.

Педагог касбни танлаш мотиви ва педагогик фаолият жараёнида пайдо бўладиган мотив кўпгина холларда бир-бирига мос келади. Масалан: педагогик коллеж ва институтларда ўқиб юрган кезларда ҳам ўқитувчининг барча ишларига бўлган тортиши янада фаоллашади. Бунга болаларга бўлган қизиқиш (ёки кўпгина ўқитувчилар айтишича болаларни яхши кўриш), ўқитувчи меҳнатининг жамиятда муҳимлиги, педагогик қобилиятларнинг бўлиши (масалан, дарснинг ижобий ташкил этилиши) кабилар киради. Қолган мотивлар ўқитувчилик ишини бошлашдан олдинжой эгаллаб (масалан: юқори синфларда севимли ўқитувчига тақлид қилиши аниқ фаолиятга нисбатан янги маълумотлар йиғилиб юқоридаги хислатларга қўшилиб кетади.

Педагогик фаолиятини такомиллаштириш мотивларини пайдо бўлишига ўқув дастури омил бўлиб хизмат қилади. Сўнги йилларда кўпгина

назарий материаллар мураккаблашиб умумий, назарий тушунчаларни билиш учун билим салоҳиятини ошириш талаб қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик қобилиятларини такомиллаштириш мақсадида-ўзининг билим ва малака даражасини ошириш мотиви ҳосил бўлди. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчилар мустақил ўқишга малакасини оширишга олий педагогик маълумотни олиш учун сиртқи бўлимга ўқишга интилдилар. Лекин бу умумий установкаларни-билим ва малакани оширишда турли эҳтиёжлар тегишли бўлиши мумкин.

Жамиятнинг мактабда ўқитишнинг билимларни такомиллаштириш учун утилитар ёндошув каби янгича талабни қўйди. Ўқитувчи фақат йиғинди таркибини бошқармайди. Жамиятнинг кескин ривожланишини ўқитувчи ижодий ишида ҳал этади. Шунинг учун ўқитувчи жамиятнинг қатъий педагогик-психологик жараёнида янги назарий билимларга интилиши керак. Шундагина таълим олувчиларнинг ривожланиш даражаси замон талабига мос келади. Ўқитувчиларда касбий шахс хислатлари шаклланади.

Педагогик қобилият. Психологик тадқиқотларда аниқланишича, ўқитувчининг шахсида шахсий хислатлар ва билим, малака, кўникмалар синтезипайдо бўлар экан. Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог ўзининг психик хусусиятларни чуқур англаши натижасида ўзининг тарбияси билан шуғуланишга олиб келади.

Ўсиб келаётган авлодни таълим-тарбиясининг муваффақияти биринчи навбатда қуйидаги хусусиятларга, яъни мустақиллик руҳини онгига сингдириш, маънавий хислатлар ва эркин эмоционалликни шакллантириш ва педагогик йўналтириш танланган касбга нисбатан муҳаббат ва садоқатни уйғотиш кабиларга боғлиқдир.

Ўқитувчи фаолияти учун ҳамда бошқа турдаги фаолият мутахассислари учундиққатнинг барқарорлиги, мустақил фикрлаш, дадиллик каби умумий қобилият муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бошқа турдаги соҳаларда ҳам педагогик фаолиятда ҳақиқий муваффақият бўлиши педагогик қобилиятнинг ривожланишига боғлиқдир. Мазкур фаолият орқали индивидуал психик хусусиятларни муваффақиятни эгалланишига ёрдам беради.

Педагогик қобилиятларнинг қўллашда жуда кенг. У педагогик фаолиятнинг барча тузилишини қамраб олади. Ўқитувчининг педагогик профессиограммасини ўрганган психолог ва педагоглар ўқитувчининг турли қобилиятларини ажратиб берилди. Н.В.Кузьминанинг тадқиқотларида педагогик кузатувчилик, педагогик тасаввур, педагогик такт, диққатнинг тақсимланиши, ташкилотчилик қобилиятлари очиб берилган.

Ф.Н.Гоноболин ўқитувчида ушбу ўқувчини тушуниш, материални тушунарли етказиш, ўқувчиларда қизиқишни уйғотиш, ташкилотчилик қобилияти, педагогик такт, ўз ишининг натижасини олдиндан кўра билиш ва бошқаришнинг бўлишини санаб ҳамда ёритиб берган.

Кўриб турганимиздек, барча қобилиятга тегишли хислатлар қайтарилмоқда. Бир жойда кўпроқ мослашса, бошқа вазиятда эса ҳар хил номланади, лекин бирхил психологик маънонианглатади (масалан,Н.В.Кузьмина бўйича педагогик тасаввур билан Ф.Н.Гоноболиннинг ўз ишининг натижаларини олдиндан кўра билиш).

Педагогик қобилиятлар гуруҳининг яхлитлиги биринчи навбатда қуйидагилар киради: педагогик кузатувчанлик, педагогик тасаввур, талабчанлик, педагогик такт, ташкилотчилик қобилияти, оддийлик нутқнинг аниқ ва ишончлилиги.

Юқорида санаб ўтилган педагогик қобилиятлар педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилади.

Педагогик тасаввур асосан конструктив фаолиятга тегишли бўлиб, - у таълим олувчиларнинг келажак билимларининг намунаси сифатида намоён бўлади, ҳамда олдиндан мос келадиган методлар ва методикаларни топишга асосланади. Айнан педагогик тасаввур ўқитувчига ривожланаётган таълим-тарбияниташкил қилишга ёрдам беради.

Педагогик такт: педагогик фаолиятнинг коммуникатив томонида вужудга келади. Бу ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар билан тўғри муомала қилишга ўргатиш зиддиятли вазиятларни аниқлаштириш ва огоҳлантириш, муносабатларганисбатан меъёрни билиш (талабчанлик, меҳрибонлик) қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти ўқитувчи фаолияти учун муҳим ҳисобланади, чунки бутун педагогик фаолият ташкилотчилик характерига эгадир.

Ўқитувчи шахсининг индивидуал қобилиятлардан ташқари ўқитувчи фаолиятида унинг индивидуал қобилиятлари. У педагогнинг услубини белгилайди. Ишнинг услубига олий нерв фаолияти хусусиятлари, эмоционал соҳанинг ўзига хослиги таъсир қилади. Дарс ўтиш темпиэмоционал даражанинг тўйинган кўринишида уларнинг таъсири кўринади. Ҳозирги вақтда қандайпсихологик қобилиятлар билан ўқитувчи янги таълим вазифаларидаги боғлиқликлардан фарқ қилиб, ўқув жараёнини фаоллаштириш саволига психологлар жавоб излашмоқда.

Бир гуруҳ психологларнинг олиб борган тадқиқотларида ўқитувчига моҳир педагогик ишда бир хил муваффақиятнинг пайдо бўлмаслигига яхлит ҳолда қуйидагилар аниқланди:

- болалар интеллектининг катта имкониятига ишониш ва барча ўқув жараёнида бу вазифага тобе бўлиши:

- ўрганилаётган дарс материалини ҳар томонлама максимал ўқитишга интилиш, таълим олувчиларда вазифани бажариш учун турли усулларни излашни шакллантириш;

- педагогик кузатувчанлик;

- ҳаққонийлик, асосланганлик, қўйилган талабларга нисбатан бевосита ишбилармон характерда бўлиш;

-болалар жамоаси билан мулоқотнинг қондирилиши ва аксинча, виждонли ўқитувчи бўлса ҳам лекин таълим олувчилар олдида авторитети бўлмаса, унда қуйидаги қобилиятлар фарқ қилади:

-ўқувчилар билан доимий қаттиққўл муносабатда бўлиш зарурати;

-тўғри талабларнинг устунлиги, қўрқитиш ёки насиҳатомус тонларнинг кўплиги стереотиплик;

-ўқувчилардан жавоб беришни қаттиқ талаб қилиши;

- педагогик штампларнинг ўқув услубида бўлиши.

Биринчи ўқитувчи сифатида ўқувчининг барча ёш ва индивидуал фарқларни мактабга келганидан ўқиб олиши, уни янги фаолиятга енгиллик билан ўргатиш, бошланғич синф ўқитувчиларида зийраклик қобилияти бўлиши керак, у мактабгача ва кичик мактаб ўқувчисида психология ва педагогика билимларига чуқур кириши, кейинги таълим босқичларида ўзининг ўқувчисининг муваффақиятлари жавобгарлик ҳиссининг бўлиши. Албатта мулоқотчанлик ва меҳрибонлик бўлиши керак. Бошланғич синф-ўқитувчисида оптимизмлик, ҳаётдан қувончнинг бўлиши болаларни доимо жалб қилиб келган. Ҳар бир ўқувчининг баҳосига нисбатан ҳаққонийлик бўлиши, у контактнинг муваффақиятини белгилайди, бу эса ўқувчига таъсир қилиб маъноли барьерга йўл қўймайди. Билимга нисбатан ҳар томонлама қизиқишнинг бўлиши, кўп фанларни билишнинг муваффақияти эрудициянинг шарти билан боғлиқ эстетик хислар ва маданиятга эмоционал муносабат бўлиш муҳимлиги ўқувчиларда қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

Бу алоқада ўқитувчиларнинг шахсий касб томонларига ҳамда юқори ва бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий хислатларига баҳо беришга бўлган қизиқиш муносабати намоён бўлади.

Тадқиқотларда бу масала махсус ўрганилди. Ўтказилган экспериментда 300 га яқин ўқитувчилар иштирок этиб, улар орқали педагог ишидагиўқитувчисининг шахсий томонлари танланди.

Натижада, бошланғич синф ўқитувчиларидаги ватанпарварлик ҳисси, меҳрибонлик, педагогик такт, ҳаққонийлик, болаларга муҳаббат, ўқувчини тушуниши қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, қувноқлик каби сифатлар юқори даражада эканлигига аниқланган бўлса, юқори синф ўқитувчиларида эса ватанпарварлик хисси педагогик такт, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилиятларининг шаклланганлиги ўртадан юқори кўрсаткични ташкил қилади.

Педагогик қобилиятларнинг шаклланиши. Ўқитувчининг касбий қобилиятлар кўлами педагогик ўқув юртларида таълим олаётган вақтидан, ўзини тарбиялаш, жараёнида ҳамда кундалик педагогик фаолиятда шаклланади.

Албатта, ҳар бир шахс алоҳида индивидуал ва унинг баъзи қобилиятлари ҳам, юқорида келтириб ўтилган махсус қобилиятлар баъзи бир ўқитувчиларда уларни мақсадга йўналтиришса ҳам тўлиқ даража ривожланмаслиги мумкин.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатдики, ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштиришдаги баъзи бир қобилияти бўлмаса у бошқаси билан ўрнини тўлдиради ва бунда ўқув фаолиятига хеч қандай тўсиқ бўлмайди. Ф.Н.Гоноболин ўз тадқиқотларида бошланғич синф ўқитувчиларида болаларга нисбатан талабчанликнинг бўлмаслиги натижасида болалар билан ишлашда сабр ва бажаришга тиришиши билан компенсацияланади (ўрнини тўлдиради) деб айтиб ўтди.

Педагогик қобилиятларнинг компенсаторлик имкониятининг сўнггитадқиқотларида қобилиятлар оламини очади, унда қайси бири бош бўлиб фаолиятнинг муваффақиятини белгилашини аниқлади.

Тадқиқотлар бўйича, биринчи типдаги педагогларда педагогик қобилиятларнинг ядроси сифатида юқори даражада назарий билимларнинг ривожланиши ҳисобланади ва натижада уларда тўгарак ишларини бошқариш ва профориентация маҳорати, конструктив ва коммуникативлик маҳорати каби хислатлар вужудга келади.

Иккинчи типдагиларнинг ядроси сифатида юқори даражада ташкилотчилик ишлари (кашшофлик, спорт) ҳисобланиб, уларда амалий маҳорат (мусиқа асбобларида ўйнаш, фотография), коммуникативлик ва конструктив маҳорат юзага чиқади.

Учинчи типдагиларда коммуникатив маҳорат ядро сифатида бўлиб, уларда ташкилотчилик маҳорати, конструктив ва амалий маҳорат шаклланади.

Тўртинчи типдагиларда конструктив маҳорат ядроси сифатида бўлиб, уларда юқори даражада назарий билимлар шахсий хислатлар (оддийлик, сабрлилик, вазминлик) шаклланади.

Шу нарса аниқки педагогик маҳоратнинг доимий мукаммаллашуви ўқитувчининг ўз мақсадларини, англаш керак ҳамда ўз педагогик фаолиятида нимани кутади, педагогик фаолиятда пайдо бўладиган шахсий имкониятларини (характер хусусиятлари, оғишишлар) англашни тўлиқ тушуниши лозим.

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдир.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборатлилигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилият тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материалини аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материалини осонроқ мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос кобилиятлардир. Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат курс хажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб унга катта қизиқиш билан қарайди, ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиши бошқаларини қойил қилиб ҳайратда қолдириши, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли ҳар томонлама кенг билимдон одам бўлиши лозим.

Перцептив қобилиятлар – бу ўқувчининг тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсини вақтинчалик, психик ҳолатлари билан боғлик, нозик томонларини тушуна билищдан иборат қобилиятлардир.

Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу ҳисларини нутқ ёрдамида шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти — бу биринчидан. ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, унда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини туғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

Авторитар қобилият - ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлилиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга шу билан бирга ўқувчиларнинг тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

Коммуникативлик қобилияти - бу болалар билан мулоқотда бўлишга ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлилигига қаратилган қобилиятдир.

Педагогик такт психологиясини ўрганишида психолог И.В.Страхов бениҳоя катта хисса қўшган унинг фикрича бунда муҳими - ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларини топа билиш тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга зътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олиш, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик холатларини ҳисобга олиш зарурдир.

Педагогик хаёл - бу кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойихалаштирганда ўз иш ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган махсус қобилиятдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - бу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлак каби қатор инсоний хислатларга эга бўлиши лозимдир. **Педагогик психология** эса таълим ва тарбиянинг психологик

қонуниятларини ўрганади. ўқувчининг билиш фаолияти ва уларнинг ақлий ривожланиши билишнинг мулоқотга киришиши ва меҳнатининг онгли субъектлари сифатида шаклланиб бориши педагогик психологиянинг предмети ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчилар учун мазкур курс бўйича олинадиган билимлар жуда муҳим аҳамиятга эга. ўқитувчи ўз фаолиятида ёш психология маълумотларини қўллай олиш керак.

Ёш давр психологияси фанини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалдий аҳамиятга эга. Бу ҳам биологик ва генетика, медицина, социология каби фанлар билан узвий алоқада ривожланади. Ёш давр ва педагогик психология фани диалектиканинг принципларига олий нерв фаолияти қонунларига, диференциянинг психофизиологияси қонунларига психологлар тўплаган материалларга таяниб, инсон психикаси ривожланиши, маълум бир ёш даврда унинг кечиши, ўзгариши юзасидан баҳо юритади.

ўз навбатида боланинг психик ривожланишидаги барча босқичларда ўкув тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик психология тўлақонли жавоб беради.

Шахобчалари.

Ёш психологияси: инсоннинг психик ривожланишини даврларга бўлиб чиқоидаларига мувофиқ қуйидаги шахобчаларга ажралади:

1. болалар психологияси
2. кичик мактабгача ёшдаги ўкувчилар психологияси
3. ўсмирлар психологияси
4. йигит қизлар психологияси (ўсир ёшлар психологияси)
5. катта ёшли кишилар психологияси
6. черенто психологияси (қариялар психологияси)

Педагогик психологиянинг асосий шахобчалари:

Ҳар бир ёш даврнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган холда тарбиявий таъсир ўтказиш инсонда ўз вақтида ўзини англашни вужудга келтиради. Болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса шахсий нуқтаи назар, ўз ҳуқуқини ҳис этиш, ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади. Худди шу аснодаинжжиқлик, ўжарлик ва қайсарлик кабииллатлар таркиб топишига руҳий тўсиқ вужудга келади. Шахслараро муносабатдаги қарама-қаршилик, инқироз ривожланиш қонунларига лоқайд қарашнинг оқибатидир.Инсон психикасидаги умидсизлик, ижтимоий адаолат учун курашиш руҳининг ўзгариши – назария билан турмуш муносиблигининг маҳсулидир. Одамларда эътиқод дунёқараш, идеал, умомала, мулоқот мустақил хулқ-атвор самарали шакллантириш

кўпроқ юқоридаги омилларга боғлиқдир. Кишидаги ташаббускорлик ҳамда тўлиқларни енгишга интилишни аниқлаш ва уларни ёш психологияси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда руҳий туртки, бериш мақсадга мувофиқдир.

Таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини ошириш ёш психологиясининг қонуниятларига суянмоғи зарур. Болалар жамоаси, оила муҳити, меҳнат жамоаларида шахслараро илиқ муносабатни шакллантириш ёш даври хусусиятларини инобатга олишнинг маҳсули саналади. Хатто кишининг узоқ умр кўриши ва унда ишчанлик қобилиятининг сақланиши, истиқбол режаси ва мақсади билан яшаши ҳам ёш хусусиятларини ҳисобга олиб мулоқотда бўлишнинг мевасидир. Умаманижтимоий ҳаётнинг бирча жабҳаларида оила, тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш корхонаси ва жамоат ташкилотларида ёш психологиясидан фойдаланиш таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлар ўргатишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг гаровидир.

Бўлажак ўқитувчилар учун мазкур курс бўйича олинадиган бўлимлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ўқитувчи ижтимоий ҳаётда ўзига юкланган турли вазифа ва ролларни муваффақиятли амалга ошириш учун ёш психологияси маълумотларини қўллаш шарт.

**Шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишдаги таъсир этувчи омиллар.**

Психик ривожланиш, ҳамда бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш – педагогик психология фанининг мухим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон – биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгиларининг, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ива ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг хулқ-атвор (масалан, аҳлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини

тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Шахс психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намояндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари «ички қонунлар» асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Торндайх ўқувчиларнинг «табиий кучлари» ва «туғма майллар»ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири – иккинчи даражалидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюллер болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки аҳлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Америкалик педагог ва психолог Дж.Дьюи – инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгариши, тарбиянинг эса миқдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач-психолог З.Фрейд мазкур оқим намояндаси сифатида шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қуйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тарикасидаги авлод-

аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинктив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд, шахснинг фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ, инстинктив майллар жамиятда худди ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни, жинсий майлларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгсизлик даражасига ўтказилиб юборилади. Онгсизлик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли «комплекслар»га бирлашадилар, гўё инсон шахси фаоллигининг хақиқий сабаби айни шу «комплекслар»нинг намоён бўлишидир. З.Фрейднинг таълимотидан, унинг очиқдан-очиқ биологизаторлик тарғиботчиси эканлигини, инсон шахсининг фаоллигини жинсий майллардан иборат эканлиги ҳақидаги назарияси илмий асосга эга эмаслигини эътироф этиш мумкин.

Бундай таълимотлардан, хусусан дин хомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг такдири ана шу илмлар билан чамбарчас боғликдир, деб таъкидлашади.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган яна бир таълимот – социогенетик концепция – қобилиятларнинг тараққиётини, фақат, теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII аср француз олими К.Гельвеций таълимотидан бошланган. К.Гельвецийнинг таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва аҳлоқий ривожланиши учун туғилишданоқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ, фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руҳий, оқибатда ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Бу назариянинг хорижий мамлакатлардаги ҳозирги турли намояндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган социогенетик концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Маълумки, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Ўша пайтда

ҳамманинг диққат-эътибори мўъжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ҳодиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмади.

Социогенетик концепция намояндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан, шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши, асосан, тажрибага боғлиқдир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотга кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Чунончи, англиялик олим Джон Локк, дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини «топ-тоза тахтага» ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг «топ-тоза тахта» тарзидаги руҳига нималарни ёзиш мутлақо катта одамлар ихтиёрларидадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқдир, деб таъкидлайди.

Ҳар иккала йўналишнинг намояндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини ё наслий, биологик омиллар таъсири остида, ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Маълумки, одам шахс сифатида мунтазам, қандайдир фаолиятда таркиб топиб боради, ривожланади, унинг фаоллиги намоён бўлади. Агарда ҳайвонлар теварак-атрофдаги ташқи муҳитга пассив мослашиб, ҳаёт фаолиятларида табиатдаги, яъни ташқи муҳитдаги тайёр нарсалардан фойдалансалар, одам эса теварак атрофидаги ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўз иродасига бўйсундиради ҳамда ўзгартириб, ўз эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдиради.

Кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, одамдаги туғма, ирсий механизмлари унинг психик ривожланишига таъсир кўрсатадию, бироқ унинг мазмунини ҳам, шахсий фазилатларини ҳам белгилаб бера олмайди. Таъкидлаш зарурки, муҳит ҳам бола психикасини ривожлантиришда муайян рол ўйнайди. Фақат, бунинг учун болани ўқитаётган кишиларнинг таъсири натижасида бола ана шу муҳитни фаол равишда ўрганиб олиши, табиийдир.

## Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишида таълим ва тарбия билан ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси кенг доирада муҳокама мавзусига айланмоқда.

Ривожланиш деганда, одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: 1) миянинг биологик, органик етилиши, унинг анатомик-физиологик тузилиши жиҳатидан етилиши; 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиши. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида, албатта, ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган холда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ, мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишга нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини белгилаб беради.

Бу борада немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни олга сўрган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор, деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишдан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга халақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам билан пассив кўтиб туриш керак.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг назарияси ҳам айни шу ғоялар билан йўғрилгандир.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим - бу ақлий етилиш жараёнини

фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниши керак. Масалан, болада мантиқий тафаккур етилмай туриб, уни мантиқий фикр юритишга ўргатиш фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлари пишиб етиладиган муайян ёшидан қатъий назар боғлиқлиги ана шундан келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга туртки бўлади, ривожланишни ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин, таълим ривожланишга туртки бўлиш билан бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас. Йирик рус психологи Л.С.Виготский таълим ва тараққиёт муаммосига ижтимоий-тарихий жараён нуқтаи-назаридан ёндашиб, билимларни ўзлаштириш инсониятнинг тарихий тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деб таъкидлайди. У олга сўрган психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий назариясига кўра, психик фаолият тараққиёти унинг «табиий» шаклини бевосита қайта кўрган холда, турли аломатлар билан аввал ташқи, сўнгички ифодаланишни назарда тутиб, «маданий» шаклини эгаллаш тушунилади.

Шу муносабат билан Л.С.Виготскийнинг психологияга киритган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Бунинг асл моҳияти, боланинг мустақил фаолияти катталар билан ҳамкорликда, унинг раҳбарлигида амалга оширилади. Л.С.Виготский томонидан киритилган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси «таълим тараққиётдан олдинда боради» деган умумий қоиданинг яққол мазмунини тушуниш учун имконият яратади.

Э.Торндайк ва Ж.Пиаженинг таълим билан тараққиётни айни бир нарса деб тушунтиришига қарамай Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал ўқув маскани таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас», - деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қилади. П.П.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига

алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри ўқув маскани дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича,таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психолог-олимлардан В.В.Давидов,П.Я.Галўперин,Д.Б.Элўконин, Н.А.Менчинская, А.А.Люблинская, Э.Г.Ғозиевлар ўз тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Психик тараққиётнинг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзгаришларнинг манбалари, психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши, табиийдир.

Боланинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар боланинг, психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар, таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатдир. Бундай зиддиятларга, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; боланинг ўсиб бораётган жисмоний ва руҳий имкониятлари билан эски, таркиб топган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради.

Масалан, кичик ўқув маскани ёшидаги ўқувчида мустақил иродавий фаолиятга нисбатан бўлган тайёрлик билан ҳатти-ҳаракатларнинг мавжуд вазиятга ёки бевосита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасида зиддият мавжуддир. Ўсмирларда эса энг кучли зиддиятлар бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талаблари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбатан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги реал мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида; катта одамлар ҳаётида тўла хуқуқли аъзо сифатида катнашиши эҳтиёжи билан бунга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола психик ривожланишнинг янада юксакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж қондирилади - зиддият йўқолади. Бироқ қондирилган эҳтиёж, янги эҳтиёжни

туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади, тараққиёт давом этади.

Ривожланиш фақат соф миқдор ўзгаришлари жараёнидан, яъни қандайдир психик ҳодисаларнинг, хусусият ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат бўлиб қолмай, балки сифат жиҳатдан янги хусусиятларнинг, яъни янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари борлигини қайд этиб кўрсатмокдалар. Бироқ муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Мана шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатда психик ривожланишнинг нотекислиги киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, хатто таълим ва тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг айрим ёш даврларида психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай шароитлар бўлган ана шундай ёш даврлари сензитив даврлар деб аталади. (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев). Бундай сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти ҳам, айрим психик жараёнлар ва хусусиятлар ҳам, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади.

**Турли ёш даврларига мансуб холда билиш, ҳиссий-иродавий жиҳатларнинг ривожланиши тавсифи**

Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича турлича усуллар мавжуддир. Бу инсон шахсини тадқиқ қилишга турли нуқтаи-назардан ёндашуви ва мазкур муаммонинг моҳиятини турлича ёритади.

Маълумки, ҳар бир давр ўзининг муҳим ҳаётий шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, ўзига хос қарама-қаршиликлари, психикасининг сифат хусусиятлари ва психик жиҳатдан характерли янги сифатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида шаклланиши ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда психологияда мавжуд ёш даврларини табақалаш назарияларига урғу бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг ақл-идрок назарияси, ақл-идрок функциялари ҳамда унинг даврлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Ақл-идроқнинг асосий вазифалари, мослашиш ва кўникишдан иборат бўлиб, бу унинг доимий вазифалар туркумини ташкил этади.

Муаллиф, бола ақл-идроқини қуйидаги психик ривожланиш даврларига таснифлайди: 1) сенсомотор интеллекти - туғилгандан 2 ёшгача; 2) операциягача тафаккур даври - 2 ёшдан 7 ёшгача; 3) аниқ операциялар даври - 7, 8 ёшдан - 11, 12 ёшгача; 4) расмий операциялар даври.

Француз психологи А.Валлон эса ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади: 1) хомиланинг она қорнидаги даври; 2) импульсив ҳаракат даври - туғилгандан 6 ойликкача; 3) ҳис-туйғу даври (эмоционал) - 6 ойликдан 1 ёшгача; 4) сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври - 1 ёшдан 3 ёшгача; 5) персонологизм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан - 5 ёшгача; 6) фарқлаш даври - 6 ёшдан - 11 ёшгача; 7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан -18 ёшгача.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб, ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади;

1. Чақалоқлик даври инқирози.
2. Гўдаклик даври - 2 ойликдан 1 ёшгача. Бир ёшдаги инқироз.
3. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - 3 ёшдаги инқироз.
4. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - 7 ёшдаги инкироз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача - 13 ёшдаги инкироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача, 17 ёшдаги инқироз.

Л.С.Виготский ўзининг ёш даврларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Бироқ, бу

мулоҳазаларда анча мунозарали, баҳсли ўринлар ҳам мавжуд. Умуман Л.С.Виготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий-тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги мулоҳазали ва олға сўрган ғоялари ҳозирги куннинг талабларига мосдир.

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида бирор фаолиятнинг устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли, назариянинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим топади:

1. Гўдаклик даври - туғилгандан 1 ёшгача - етакчи фаолият - бевосита эмоционал мулоқот;

2. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - етакчи фаолият - предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш;

3. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - ролли ўйинлар;

4. Кичик ўқув маскани ёши даври - 7 ёшдан 10 ёшгача - ўқиш;

5. Кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан 15 ёшгача - шахснинг интим (дилкаш, самимий) мулоқот;

6. Катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври - 16 ёшдан 17 ёшгача;- етакчи фаолият - ўқиш, касб танлаш даври.

Д.Б.Эльконин таснифини кўпчилик психологлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ унинг бирмунча мунозарали томонлари мавжуд. Умуман Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш даврлари психологиясида муҳим ўрин тутади.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А.А.Люблинская инсон камолотини ёш даврларга ажратишда фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги даврларни атрофлича ифодалайди:

1. Чақалоқлик даври - туғилгандан бир ойликкача;

2. Кичик мактабгача давр - 1 ойликдан 1 ёшгача;

3. Мактабгача тарбиядан аввалги давр -1 ёшдан 3 ёшгача;

4. Мактабгача тарбия даври - 3 ёшдан 7 ёшгача;

5. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11, 12 ёшгача;

6. Ўрта мактаб ёши даври (ўспирин) - 13 ёшдан 15 ёшгача;

7. Катта мактаб ёши даври-15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача);
2. Гўдаклик (10 кунликдан 1 ёшгача);
3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
4. Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача);
5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);
6. Кичик мактаб (7 ёшдан 11 ёшгача);
7. Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);
8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача).

Юқоридаги ҳар иккала тасниф пухталигидан, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганлигидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади.

Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуклик, қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай, улар ўрта мактаб педагогик психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

## Ўзини ўзи баҳолаш саволлари.

1. Психалагия фанининг мақсади, вазифаси ва предмети ҳақида маълумот беринг.
2. Психологиянинг соҳаларини ёритинг.
3. Психологик методларни шарҳланг.
4. Таълим психологияси нима?
5. Тарбия психологияси нима?
6. Ўқитувчи психологиясини характерланг.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари Тошкент, 1995.
2. Ғозиев.Э. Олий мактаб психологияси. Тошкент, 1997.
3. Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент «Университет», 1999.
4. Каримова В. Психология. Тошкент, 2002.

# ТЕСТ САВОЛЛАРИ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ

**1.Олий таълим педагогикасининг таърифи..**
А. Педагогиканинг бир тармоғи.
Б Ўқувчиларни тарбиялаш ҳақидаги фан..
С. Талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан.
Д. Ўқув жараёнини ташкил этиш ҳақидаги фан.

**2. Олий таълим педагогикасининг предмети...**
А. Таълим тарбия жараёни
Б. Олий мактабда ўқитиш
С. Талабаларни тарбиялаш
Д. Олий таълимда таълим-тарбиянинг мазмуни, шакл-усуллари.

**3. Олий таълим педагогикасининг объекти...**
А. Профессор-ўқитувчилар билан талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти.
Б. Таълим-тарбия тамойиллари.
С. Олий таълимнинг талабаси.
Д. Таълим жараёни.

**4. Олий таълимнинг мақсади, мазмуни, усулларининг бирлиги...**
А. Педагогик талаб.
Б. Олий таълимнинг принципи.
С. Дидактик қоида.
Д. Олий таълим педагогикасининг умумий қонуниятлари.

**5. Олий таълимнинг педагогик принциплари ...**
А. Билимларни онгли ўзлаштириш.
Б. Талабанинг фаоллигига таяниб
С. Таълим тарбиянинг ёш хусусиятига мослиги
Д. Барча жавоблар тўғри.

**6. Олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири...**
А. Давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.
Б. Илғор технологиялар асосида таълим-тарбия усулларини такомиллаштириш.
С. Таълим, фан, ишлаб чиқариш бирлашувини амалиётга киритиш.
Д. Таълим хизматлари бозорида рақобатли мухитни яратиш.

**7. Олий таълимнинг асосий вазифасидан бири ...**
А.Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш.
Б. Олий таълим олишни барчага очиқлиги.
С. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиклиги.
Д. Давлат таълим стандартлари асосида таълимни ташкил этиш.

**8. Ўзбекистон Республикасида олий таълим неча босқичли қилиб ташкил этилган.**
А. Бир босқичли.
Б. Икки босқичли.
С. Уч босқичли.
Д. Тўрт босқичли.

**9. Олий ўқув юртида таълим-тарбия ишлари нима асосида ташкил этилади?**
А. Вазирликнинг буйруғи асосида.
Б. Ректорнинг кўрсатмаси асосида.
С. Давлатнинг меъёрий ҳужжатлари асосида.
Д. Профессор-ўқитувчининг билимларига таяниб.

**10. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти қачон тасдиқланган?**
А. Вазирлик қарори билан 1998 йилда.
Б. Халқ таълими вазирлиги, 2000 йилда
С. Вазирлар маҳкамасининг қарори билан 2001 йил 16 августда.
Д. Президент фармони билан 2002 йил 16 августда.

**11. Олий таълим классификатори нима?**
А. Олий таълим тўғрисидаги ҳужжат.
Б. Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари тизимлаштирилган рўйхати.
С. Олий таълимнинг турлари
Д. Олий таълим ўқув юкламасининг ҳажмини, кадрлар сифатини баҳолаш тартиби.

**12. Олий таълим ДТС нима асосида ишлаб чиқарилган?**
А. “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида.
Б. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида.
С. Таълимнинг халқаро стандарти классификацияси принципига мослаб.
Д. Барча жавоблар тўғри.

**13. Олий т аълимнинг асосий мақсади ...**
А. Талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш.
Б. Олий маълумотли педагоглар тайёрлаш.
С. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш.
Д. Юқори малакали, юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, рақобатбардош мутахассисларни етиштириш.

**14. Ўқиш мотиви нима?**
А. Таълимнинг вазифаси
Б. Ўқитиш тамойили.
С. Талабани бирор ўқув-билув вазифасини бажаришга ундовчи ички руҳий даъват.
Д.Талабанинг ўқув-билув фаолияти.

**15.Мустақил таълимнинг вазифалари...**
А. У ёки бу фан соҳасида илмий ахборотларни тўплаш.
Б. Билимларни барқарор малака ва кўникмаларга айлантириш.
С. Семинар машғулотларига қатнашиш.
Д. Уй вазифасини бажариш.

**16. Олий таълим профессор ўқитувчисининг педагогик фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганишнинг асосий аспектларини белгиланг.**
А. Касбий, ижтимоий, физиологик, тиббий.
Б. Когнетив, креатив, эвристик.
С. Касбий ривожланиш.
Д. Психологик муҳофаза.

**17. Педагогик парадигма ...**

А. Педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида илмий-педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами.

Б. Шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларни аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

В. Таълим тарбия жараёнига онгли ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Г. Турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда талаба амал қилиши лозим бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа.

**18. Педагогик талаб ...**

А. Педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида илмий-педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами.

Б. Шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларни аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

В. Таълим тарбия жараёнига онгли ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Г. Турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда талаба амал қилиши лозим бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа.

**19. Педагогик маҳорат ...**

А. Педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида илмий-педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами.

Б. Шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларни аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

В. Таълим тарбия жараёнига онгли ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Г. Турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда талаба амал қилиши лозим бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа.

**20. Педагогик илмий тадқиқот методлари ...**

А. Педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида илмий-педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами.

Б. Шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларни аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

В. Таълим тарбия жараёнига онгли ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Г. Турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда талаба амал қилиши лозим бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ

**1.Қандай психик жараён шахс онгининг нарса ва ҳодисаларга йўналганлигини акс эттиради?**
А) Диққат.
Б) Ирода.
В) Идрок.
Г) Тасаввур.
Д) Хотира.

**2.Организм,индивидвашахснингхаёткечиришинингконкретшарт-шароитларига уларнинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан уларнинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатидир деб нимага айтилади?**
А) Мотив.
Б) Мотивация.
В) Эҳтиёж.
Г) Фаоллик.

**3.«Буюк дидактика» асарининг муаллифи ким?**
А) Қори Ниёзий.
Б) Ян Амос Коменский.
В) В.П. Беспалько.
Г) О. Шарафитдинов.

**4.Нуқталар ўрнига қандай сўз ёзилиши керак?**
*«... инсон хулқ – атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблармажмуини билдиради».*
А) Мотивация.
Б) Фаолият.
В) Характер.
Г) Идрок.
**5.Психологияда *эмпиризм*йўналишининг асосчиси ким?**
А) Дж. Локк.
Б) Форобий.
В) Г. Лейбниц.
Г)Ф. Гальтон.

**6.Бу билишимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўплаб, хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан яхлит тарзда акс этишимизни таъминлайди.**
А) Хотира.
Б) Сезги.
В) Диққат.
Г) Идрок.

**7.Предметлар ва уларга хос бўлган хусусиятларни фикран бир-бирига солиштириш, умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини топиш психологияда қандай номланади?**
А) Анализ.
Б) Синтез.
В) Таққослаш.
Г) Мавҳумлаштириш.

**8.Темперамент нима?**
А) Шахс фаолияти ва хулқнинг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-ҳисий томонларини характеловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.
Б) Асабдаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва ўзаро тескари сифатларнинг намоён бўлиши.
В) Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар мажмуи.
Г)Шахсдаги шуундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсатгичлари, ютуқлари ва қийинчиклари сабабларини тушунтириб беради.

**9.Қандай психик жараён шахс онгининг нарса ва ҳодисаларга йўналганлигини акс эттиради?**
А) Диққат.
Б) Ирода.
В) Идрок.
Г) Тасаввур.

**10.Хотиранинг самарадорлиги қўйидаги омилларга боғлиқ:**
А) Эсда олиб қолишнинг кўлами ва тезлигига.
Б) Эсда сақлашнинг давомийлигига.
В) Эсга туширишнинг аниқлигига.
Г) Барча жавоблар тўғри.

**11.Сўз ва нутқ ёрдамида психологик таъсир кўрсатиш - бу**
А) Вербал таъсир.
Б) Паралингвистик таъсир.
В) Новербал таъсир.
Г) Барча жавоблар тўғри.

**12.Интериоризация деб қуйидагига айтилади:**
А) Инсон онгининг ўзига қаратилганлиги, яъни шахсий муаммо ва кечинмаларига берилиб кетиши натижасида диққатининг атрофдагиларга сустлашуви.
Б) Инсон онги ва диққатининг асосан атрофда юз бераётган ҳодисаларга қаратилганлиги.
В) Ақлда шаклланган ғояларнинг ташқи фаолиятга кўчирилиши.
Г) Ташқи фаолият асосида ички психик жараёнларга ўтиш.

13.**Афазия - бу**
А) Хотиранинг бузилиши.
Б) Нутқнинг бузилиши.
В) Ҳаракатнинг бузилиши.
Г) Диққатнинг бузилиши

**14.Олий таълимда ахборотларни монолог тарзда "узоқ вақт" оралиғида етказиш усулида дарс бериш шакли**
А) тренинг
Б) маъруза
С) инпут
Д) семинар

**15.“бошланғич маълумотларниқисқа вақт” ичида етказиш усули**
А) маъруза
Б) лекция
С) инпут
Д) тренинг

**16.Ҳамкорликда ишлаш усулида ташкил этиладиган дарс шакли**
А) семинар
Б) маъруза
С) тренинг
Д) амалиёт

**17.Ўқитиш қонуниятига нималар киради?**
А). Ўқитиш мақсади, мазмуни, воситалари ва шаклларини ижтимоий муҳитга боғлиқлиги қонуни.
Б) Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим қонунияти.
С) Таълим-тарбия жараёнининг таҳсил олувчиларнинг фаолияти характерига боғлиқлиги қонуни.
Д) Барча жавоблар тўғри

**18.Ўқитиш қонуниятига нималар киради?**
А)Ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гуруҳли ўқитишни ташкил этиш бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги қонуни.
Б) Ўқитишда назария ва амалиётнинг бирлиги ва узвий боғлиқлиги қонуни.
С) Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги қонуни.
Д) барча жавоблар тўғри

# НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

## Олий таълим педагогикаси

1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси тушунчаларига таъриф беринг.
2. Олий таълим педагогикасининг предмети, объекти деганда нимани тушунасиз.
3. Олий таълим педагогикасининг қонуниятларини айтинг.
4. Олий таълим жараёнида қандай тамойилларга амал қилинади?
5. Педагогик тадқиқот методлари қайсилар?
6. Олий таълимни ислоҳ қилишдан асосий мақсад нима?
7. Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплприни айтиб беринг.
8. Таълим ишларини ташкил этишга қўйиладиган меъёрий талабларни айтинг.
9. Олий ўқув юртида таълимнинг қандай шакл-усуллари жорий этилган?
10. Олий таълим мазмунини белгиловчи асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайсилар?
11. ДТС нима?
12. Олий таълимнинг ДТСсига оид асосий тушунчаларни айтинг
13. Олий таълим тизимида таълим-тарбия қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
14. Талабанинг маънавий-ахлоқий шаклланиш жараёни қандай омиллар таъсирида амалга оширилади?
15. .Ахлоқий ривожланиш жараёнининг зиддиятлари, қарама-қаршиликлари нималардан иборат?
16. Тарбия самарадорлиги нималарга боғлиқ?
17. Тарбия воситаларига нималар киради?
18. Айрим талабалар хулқидаги салбий ҳолатларнинг сабабларини изоҳланг.
19. Нима учун тарбиявий ишга тизимли ёндашув зарур?
20. Талаба тарбиясига қандай омиллар таъсир ўтказади?
21. Дидактика нима учун ўқитиш назарияси деб аталади?
22. Замонавий дидактиканинг асосий йўналишлари қайсилар?
23. Таълим парадигмалари деганда нимани тушунасиз?
24. Ягона динамик тизим нима?
25. Таълим тизимини ташкил этувчилари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида нималар биласиз?
26. Олий таълимда таълим, таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлиги – самарали таълим жараёнининг асоси сифатида деганда нимани тушунасиз?

## Олий таълим психологияси

1. Шахсга йўналтирилган таълим тушунчасига изоҳ беринг.
2. Таълим жараёнининг психологик хусусиятларини айтиб беринг.
3. Ўқув жараёни қандайт қисмлардан тузилади?
4. “Мотив”, “Талабанинг ўқиш мотивлари” терминларига изоҳ беринг?
5. Мотив хосил қилиш йўлларини айтинг.
6. Билиш жараёни нима?
7. Талабанинг ўқув-билув фаолияти деганда нимани тушунасиз?
8. Билим ўзлаштириш даражаси деганда нимани тушунасиз?
9. Талабанинг ўқув-билув фаолияти қандай бошқарилади?
10. Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясининг моҳиятини тушунтиринг7
11. Олий таълимда талабаларга қандай психологик хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган?
12. Психологияда қўлланиладиган методларни ташкилий, эмпирик, интерпретация ва натижаларни қайта ишлаш гуруҳларига бўлиб ўрганган олим?
13. Психологияда қўлланиладиган методларни таққослаш (кундалангига кесиш), лонгитюд (узунасига кесиш) ва комплекс гуруҳларига бўлиб ўрганган олим?
14. Инглиз олими Ф.Бэкон таълим тараққиёт ҳақида қандай назарияни илгари сўрган?
15. Ўқиш, ўрганиш ва таълим орасидаги асосий фарқлари?
16. Ўқув фаолиятида қандай талаблар бўлмоғи керак?
17. Ўқув фаолиятини фронтал (ёппасига) ташкил қилиш йўллари?
18. Ўқув вазифаларининг бошқа вазифалардан фарқи?

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари.
2. ОТМ ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти ва уни баҳолаш мезонлари.
3. Олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технология муаммолари.
4. Инновацион педагогик технология принциплари ва сифат кўрсаткичлари.
5. Олий таълим педагогикасининг баъзи муаммолари.
6. Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар.
7. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари.
8. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши.
9. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.
10. Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар.
11. Рақобатбардош мутахассислар етиштириб чиқариш муаммолари.
12. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати.
13. Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари.
14. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.
15. Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этишда халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибасидан фойдаланиш.
16. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий саводхонлигининг ошириш масалалари.
17. Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.
18. Таълим жараёнини ташкил этишда юзага келадиган педагогик низолар ва уларни бартараф этиш йўллари.
19. Мотив – билиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи.
20. Педагогик тажриба психолог нигоҳида.
21. Психология фанининг предмети
22. Фаолиятнинг психологик тахдили.
23. Психиканинг тараққиёти.
24. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг касбий компотентлигини ривожлантириш йўллари.
25. Олий таълим психологиясининг долзарб муаммолари.

# МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари.
2. Олий таълим педагогикаси ва психологияси ҳақида умумий тушунча.
3. Республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётганислоҳатлар.
4. Олий таълим мазмунини белгиловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар.
5. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.
6. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.
7. Олий таълим тизимида педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар.
8. Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари.
9. Олий таълим педагогларинин илмий ижодий фаолияти. Педагогик тадқиқот методлари.
10. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш.
11. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш усуллари.
12. Таълим жараёнининг моҳияти. Таълим жараёни ягона динамик тизим сифатида.
13. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари. 14. Таълим борлиқни билишнинг ўзига хос шакли сифатида.
14. Ўқитиш ва ўқитиш жараёнлари тавсифлари ва уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро алоқадорлиги.
15. Дидактик қонуниятлар ва тамойиллар.
16. Олий таълим тизимида таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги.
17. Таълим жараёни ва таълим олувчилар руҳиятидаги ўзаро алоқадорлик.
18. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги.
19. Таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлари.
20. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим.
21. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.
22. Педагогик технологияларнинг ОТМ ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантиришдаги аҳамияти.

23. Таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиғи. Ўқитувчининг педагогик технологиялардан самарали фойдалана олиш салоҳияти.
24. Олий таълим тизимида инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаш.
25. Технологик ёндашув таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида.
26. Дидактик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш.
27. Фан мавзуси бўйича ўқув мақсадни белгилаш.
28. Дидактик жараённи лойиҳалаш.
29. ОТМлари ўқитувчиларининг педагогик илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш.
30. Педагогик илмий-тадқиқот методлари.
31. Илмий тадқиқот олиб боришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш.
32. Илмий тадқиқот ишларини режалаштириш ва ҳимоя қилиш.
33. Психология фанининг назарий масалалари
34. Интеллект муаммосининг ўрганилиши
35. Психологияда интеллект ва ақлий тараққиёт муаммосининг тадқиқ этилиши
36. Интеллектуал тестларнинг психологик асослари
37. Хаётий малакаларни шакллантирувчи психорейтинг нима?
38. Ўзаро тарбия жараёнини диагноз қилишнинг ҳозирги замон методлари (олий мактабда психологик хизмат)
39. Шахс психологияси ва жамоа назарияси
40. Ўқитувчи психологиясининг айрим муаммолари

# ГЛОССАРИЙ

**Билиш** – объектив борлиқнинг онгда акс эттиришнинг олий шакли, ҳуқуқий билимлар ҳосил қилиш жараёни.

**Дидактика** – (грекча didasko – ўқитиш, didaskol ўргатувчи) Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш назарияси.

**Инновация** – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

**Интеграл** – чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона, чексиз кичик қисмларнинг йиғиндиси.

**Ителлект** – инсоннинг билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти.

**Интерфаол машғулот** – таълим берувчи ва таълим олувчи ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот.

**Когнитив** – атроф-олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш.

**Креатив** – тадқиқотчилик характерига эга. Таълим олувчиларда ижодий тафаккурни жадал ривожлантириш таълими.

**Кўникма** – онгли фаолиятни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш.

**Малака** – шахснинг маълум касбга яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиш учун зарурий билим, кўникмалар йиғиндиси.

**Маҳорат** – ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни кам вақт ва кам куч сарфлаб бажариш.

**Мақсад** – ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан олдин ҳаракат якунида эришиладиган нарса ёи ҳодисани бутунлигича ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари билан киши тасаввурида пайдо бўлиши. Мақсад реал ва ҳаётий бўлиши мумкин. Реал мақсад илмий асосланган бўлиб, объектив борлиқда содир этиладиган нарса ва ҳодисаларни ўзида намоён қилади.

**Модул** – педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча.

**Метод** – грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ, усул деганидир. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билишни тадқиқ қилиш усули.

**Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш йўллари мажмуаси.

**Мотив** – инсонни ўқишга ёки бирор ҳаракатларни бошқаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси.

**Олий таълим** – малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган таълим.

**Олий таълимнинг мазмуни** – Давлат таълим стандартлари асосида белгиланади, ўқув режаси, ўқув фани дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ифодаланади.

**Олий таълим ДТС** – бакалавриат йўналиши ва магистратура ихтисослигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмунини, бакалавр ва магистр тайёргарлигини зарурий даражасини, сифатини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхатидан иборат.

**Олий таълим педагогикаси** – олий таълим муассасасида ўқиш-ўқитиш, касбий билим, кўникма, малакаларни эгаллаш, талабаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг мазмуни, шакл-усуллари, қонуниятлари ҳақидаги педагогик фандир.

**Педагогика** – (юнонча pais бола, agogos –“раҳбар”) тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан.

**Психология –** одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

**Педагогик технология** – таълим олувчи шахсига йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчанлик ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методи.

**Педагогик мулоқот** – бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқат тури.

**Педагогик фаолият** – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эхтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият тури.

**Педагогик жараён** –таълим берувчи ва таълим олувчилар орасидаги муносабат, билим бериш – билим олиш, ўргатиш – ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизими.

**Педагогик муҳит** – таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро муносабатлар мажмуи.

**Педагогик тамойил** – Таълим берувчи ва таълим олувчи орасидаги муносабатда бериладиган билим тури, ҳажми, мазмуни, шунингдек, ўқув куроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ва шулар ораларидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиққан қоидалар.

**Педагогик тажриба** – таълим-тарбия берувчи томонидан маърифатнинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услубларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоасини ва ҳар бир шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбиқ этиш.

**Педагогик мониторинг** – ўқув жараёнини узлуксиз, узоқ муддатли кузатиш ва уни бошқариш.

**Таълим** – таълим олувчига махсус тайёргарликка эга мутахассислар ёрдамида билим бериш ва уларда кўникма ва малакалар шакллантириш жараёни бўлиб, кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш воситаси.

**Таълим бериш** – таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолияти бўлиб, инсонни ақлий фаолиятини ривожлантириш жараёнидир.

**Таълим берувчи** – Педагоглар, ишлаб чиқариш, таълим усталари.

**Таълим олувчи** – тингловчи, яъни, ўқув муассасасларида машғулотларга қатнашувчилар.

**Таълим методи** - ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги фаолият усули.

**Таълим усули** – белгиланган вазифа бўйича таълим берувчи ва таълим олувчининг бир-бири билан боғлиқ фаолиятини тартиблашган усули.

**Тафаккур** – Билиш, англашнинг юқори шакли бўлиб, онгнинг ўзида объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги ва объектларнинг ўзаро алоқадорликларини акс эттиришдир.

**Технология** – сўзи юнонча бўлиб, маҳорат, сангъат, фан деган маъноларни англатади. Бирор ишда маҳоратда, санъатда қўлланиладиган йўллар, усуллар мажмуаси.

**Услуб** – бирор нарса ҳодиса, жараённи ўрганиш, амалга ошириш тартиби.

**Усул** – бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш, амалга ошириш тартиби.

**Фан дастури** – таълим мазмунини, уни талабалар ўзлаштиришининг энг мақобил усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий ҳужжат.

**Характер** – инсон хатти-харакатларининг ўзига хослиги, одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар, ақлий ва руҳий хусусиятлар мажмуи.

**Хотира** – объектив дунё таъсирларини тасаввурда, ёдда сақлаш ва қайта тасвирлашга оид бўлган руҳий жараёнларнинг мажмуи.

**Шахс шаклланиши** – инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, биологик ривожи билан бир қаторда ижтимоий ривожлана бориб, камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади. Кишида бир қатор ижтимоий сифатлар таркиб топади, илмий асосланган мустақил фикр шаклланади.

**Эвристик** – йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими.

**Эмпирик** – ҳиссий тажриба асосидаги билимлар ва уларнинг ягона манбаини хиссий тажриба деб тушуниш.

**Ўқув режаси** – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фанлари турлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганиш изчиллиги ва соатлари хажмини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Ўқув фани** – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, малака ва кўникмалар тизими.

**Ўқув семестри** – олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

**Ўқув йили** – олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври, у икки календарь йили билан белгиланади.

**Нативизм** – бу йуналишнинг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни тугма характерга эга, деб эътироф этадилар.

**Эмпиризм** – бу йуналишнинг тарафдорларининг фикрича, Янги тугилган бола «топ – тоза тахта» (tabul rasa),унга хаёт ва ундаги талабларузининг конуниятларини ёзади ва бола уларга сузсиз буйсунишга мажбур.

**Шахс** – ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг махсули, онгли фаолиятнинг субъекти булмиш индивиддир.

**Жамият** – ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал куриниши.

**Конформизм** – узгалар борлигидан, уларнинг хулк – атворидан таъсирланиш булиб, ёшлар канчалик узига хосликка интилмасинлар, барибир бир яхлит ижтимоий катлам сифатида бир – бирларига таклид киладилар.

## ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

**1-назарий машғулот бўйича кўргазмали материаллар**

1-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ**

**Олий ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, талабаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг мазмуни, шакл-усуллари, қонуниятлари ҳақидаги педагогик фандир.**

2-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ**

**Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакатимизни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланган давлатга айлантириш эхтиёжларидан келиб чиқади.**

**Юқоридаги эхтиёжни қондирувчи маънан етук, ахлоқан пок, интеллектуал салоҳиятли, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан иборат.**

3-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАҚСАДИ**

***Олий таълим тузилиши, мазмунини, шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўлиқ халос этиш асосида, ривожланган демократик давлатлар даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат***

4-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИФАЛАРИ**

***Давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида таълимни ташкил этиш;***

***Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ривожланган истиқболлари, демократик жамият қуриш талабларига биноан фан, техника, илғор технологиялар, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш усулларини мунтазам такомиллаштириш;***

***Талаба ёшларни миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси, умуминсоний ва миллий қадриятларни эгаллаши асосида ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;***

***Ўқув амалиётига илғор педагогик ва ахборот технологияларини киритиш, таълимни индивидуаллаштириш, масофавий таълим***

***Таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;***

***Илмий педагогик кадрлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятлари орқали, фан техника ва технологияларни ривожлантириш;***

5-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛПРИ**

- ***Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги.***
- ***Таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги***
- ***Олий таълимнинг дунёвийлиги***
- ***Олий таълимнинг ҳамма учун очиқлиги***
- ***Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш***
- ***Билимларни онгли ўзлаштириш***
- ***Талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш***
- ***Таълимни талабанинг ёш хусусиятига мослиги.***
- ***Билим ўзлаштиришда изчиллик ва тизимлилик***
- ***Таълимнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги.***
- ***Кўрсатмалилик, техник воситалардан фойдаланиш***

6-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАРИ**

| ҲУҚУҚЛАРИ | БУРЧЛАРИ |
|---|---|
| ИЛМИЙ КЕНГАШГА САЙЛАШ, САЙЛАНИШ | БЕЛГИЛАНГАН ЎҚУВ ЮКЛАМАСИНИ БАЖАРИШ |
| МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ, ҲАЛ ЭТИШДА ҚАТНАШИШ | ШАРТНОМА ВА ГРАНТЛАР БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРНИ БАЖАРИШ |
| ТУРЛИ МАРКАЗ, БЎЛИНМАЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ | ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ |
| ЎҚУВ КУРСЛАРИ МАЗМУНИНИ СТАНДАРТГА МУВОФИҚ АНИҚЛАШ | ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ |
| ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ, ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ | ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРГА ПЕДАГОГИК ОДОБ НОРМАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ |
| ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ | ТАЛАБАЛАРДА БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ |
| МОДДИЙ ТЕХНИК ТАЪМИНОТНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ. | ЎЗ МАЛАКАСИНИ МУНТАЗАМ ОШИРИБ БОРИШ |

5-*илова*

**СУҲБАТ МЕТОДИ**

***Ушбу метод бирмунча кенг тарқалган ва айни вақтда ўқув жараёнига таълим олувчиларни фаол жалб этишнинг нисбатан оддий шаклидир. У диолог, полилог усулларини оқилона қўллаш орқали таълим олувчиларни таълим берувчи билан жадал суҳбатга чорлашни талаб этади. Бундай ҳолатда фаоллаштириш воситалари сифатида аудиторияга бериладиган алоҳида саволлар, аста-секин тортишувга ўтадиган мунозарани ташкил этиш, муқобил ҳолатни ҳосил қилиш учун шароит яратиш кабиларни киритиш мумкин.***

**МЕТОДНИ ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ**

***4. Аудиторияга мавзуга оид муаммоли саволлар билан мурожаат қилади.***

***5. Берилган фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилади, аниқлик киритилади, муаммонинг аҳамияти ва муҳимлиги асосланади.***

***6. Тингловчилар берилган жавоблар асосида мустақил фикрлайдилар, якуний хулосалар чиқарадилар, муҳокамага тортилган муаммоларнинг аҳамияти ва муҳимлигини тушуниб оладилар, бу эса ўз навбатида уларнинг материалга бўлган қизиқиши ва уни қабул қилиш даражасини оширади.***



## ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДИ

***Ушбу интерфаол методни ўқув жараёнига татбиқ этишда гурух тингловчиларни жуфтликларга бирлашишлари талаб этилади. Ҳар бир жуфтлик учун мавзуга оид тушунчалар келтирилган жадвал шаклидаги тарқатмалар берилади ва белгиланган вақт ичида тушунчалар мазмунини ёритишлари сўралади. Вазифа бажарилгач, тушунчалар мазмуни тўғри таҳлил қилинган жадвал кўрсатилади ва жуфтликлар бажарган вазифа натижалари билан солиштирилади. Баҳолаш меъёри асосида ўз-ўзини баҳолаш принципи қўлланилади.***

| **ТУШУНЧАЛАР** | **ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ** | **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ** |
|---|---|---|
| ПЕДАГОГИКА | | |
| ПСИХОЛОГИЯ | | |
| ОЛИЙ ТАЪЛИМ | | |
| ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ | | |
| ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ | | |
| ТАЪЛИМ МАЗМУНИ | | |

### НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ

| АЙНАН ТЎҒРИ ЖАВОБ УЧУН | ТЎҒРИ ЖАВОБГА ЯҚИН | ҚИСМАН ТЎҒРИ ЖАВОБ | НОТЎҒРИ ЖАВОБ |
|---|---|---|---|
| 5 БАЛЛ | 4-3 БАЛЛ | 3-2 БАЛЛ | 0 |

| ТУШУНЧАЛАР | ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ | ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ |
|---|---|---|
| **ПЕДАГОГИКА ФАНИ** | Тарбиянинг умумий қонуниятлари, ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан | |
| **ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ** | Одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан | |
| **ОЛИЙ ТАЪЛИМ** | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида олий маълумотли, малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган таълим. | |
| **ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ** | Маълум бир шароитда таълим-тарбия мақсади сари йўналтирилган ўзига хос воситалар асосида, мўлжалланган педагогик натижалар билан якунланадиган хатти-ҳаракатлар тизими. | |
| **ТАЪЛИМ БЕРИШ** | Таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолият. | |
| **ТАЪЛИМ МАЗМУНИ** | Инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери | У тегишли меъёрий ҳужжатлар шаклида расмийлаштирилади. |

## 1-амалий машғулот бўйича кўргазмали материаллар

1-*слайд*

**ДИДАКТИКА**

**Дидактика** (грекча *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

“Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги *Вольфганг Ратке* томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

2-*слайд*

**ДИДАКТИКАНИНГ БАХС ДОИРАСИ**

| | |
|---|---|
| КИМНИ ЎҚИТИШ?<br>НИМА УЧУН ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ |
| ҚАНДАЙ АСОСДА ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМНИНГ ҚОНУН, ҚОНУНИЯТЛАРИ, ТАМОЙИЛ, ҚОИДАЛАРИ |
| НИМА НИ ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
| ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ? | ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.<br>ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАР.<br>ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ |

3-*слайд*

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР ВА УЛАР ДИНАМИКАСИ**




4-*слайд*

## ТАЪЛИМ МАҚСАДИ

**Мақсад - кўзланаётган натижа модели кўринишидаги муҳим йўналишнинг маҳсули.**

***Бу эса, таълим субъектларининг фаолият якунида эгаллашлари кўзланаётган наттижадир.***

**Мақсад-фаолиятнинг ниҳоят даражада олдиндан билиш натижаси.**

**Мақсадни белгилаш – технологиялаштиришнинг асосий омили ҳисобланиб, педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини тузиш ҳамда ташкиллаштириш шундан бошланади.**

5-*слайд*


ШАКЛ
forma-лотинча-ташқи кўриниш) – ташқи қобиқ, ташқи кўриниш маъносини ифодалайди.
ТАЪЛИМ ШАКЛИ
бу ўқув жараёнини мавжуд бўлиш йўли, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқдир.
МЕТОД
юнонча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл маъносини англатади
ТАЪЛИМ МЕТОДИ
белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли

6-*слайд*




7-*слайд*



8-*слайд*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЁНДАШУВЛАР ТАСНИФИ**

| АНЪАНАВИЙ | ТЕХНОЛОГИК | ИЗЛАНУВЧАН |
|---|---|---|
| АХБОРОТНИ ТАЪЛИМ БЕРУВЧИДАН ТАЪЛИМ ОЛУВЧИГА ЎТКАЗИШ | ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ. | МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ. |
| ЎҚУВ МАҚСАДЛАРНИНГ НОАНИҚЛИГИ. СУҲБАТ ВА ҲИКОЯГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ | ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ МУМКИН ҚАДАР АНИҚЛАШТИРИШ ВА КЛАРНИ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИНИАНГЛАТУВЧИ ФЕЪЛЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ. | ЎҚУВ ИШЛАРИГА ОИД ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИШ. ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШ. ИЛМИЙ ТАХМИННИ ОЛҒА СУРИШ ВА УНИ ТЕКШИРИШ. |
| ТАЪРИФЛАШГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ, АХБОРОТНИ ЎЗ ХОҲИШИГА ҚАРАБ ЁДЛАШ, ДОИМО ЭСЛАБ ҚОЛИШГА УНДАШ, ХОТИРАДА АХБОРОТЛАРНИ ЙИҒИЛИШИ. БИЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИ АЛОҲИДА ОЛИНГАН ФАНЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШИ, ЯХЛИТЛИКНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ, МАШҒУЛОТЛАР ЮҚОРИ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТДА ВА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИНИНГ МУТАХАССИСЛИГИ БИЛАН БОҒЛАНМАГАН ҲОЛДА ОЛИБ БОРИЛИШИ. | ТЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ УЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ. СОЗЛОВЧИ ҚАЙТУВЧАН АЛОҚА. ШАКЛЛАНУВЧИ ВА ТЎПЛПНУВЧИ БАҲОЛАШ.<br><br>МЕЗОНИЙ НАЗОРАТ. БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИНГ ТЎЛА ЎЗЛАШТИРИЛИШИ. БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ. ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. | МАЪЛУМОТЛАР ЙИҒИШ. МОДЕЛЛАШ, ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ. ИЖОДИЙ ТАНҚИДИЙ ФИКР ЮРИТИШ. КЎП МЕЗОНИЙЛИК. АСОСЛАНГАНЛИК.<br><br>ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ. РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ. ШАХСИЙ ФИКР МАЪНОСИНИ ИЗЛАШ. АҚЛ-ЗАКОВАТ, ЖАВОБГАРЛИК, МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЯНГИЛИКЛАРГА СЕЗГИР БЎЛИШ |

9-*слайд*




10-*слайд*



11-*слайд*

**ДАРСГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР**

***1. Ўқув мақсадларини аниқ ва равон белгилаш, дарс босқичларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.***

***2.Таълим мазмунини аниқлаш, уни ўқув дастури, стандарт талаблари меъёрига мос келиши.***

***3. Билимларни ўзлаштириш орқали таълим олувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш.***

***4. Машғулот мазмунига мос усул ва воситаларни танлай олиш.***

***5. Дарс жараёнида турли дидактик принциплардан фойдаланиш.***

12-*слайд*

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ**

***9. Мавзуга оид материалларни йиғиш.***

***10.Таълим мақсади ва вазифаларни белгилаш.***

***11.Таълим мазмунини ишлаб чиқиш.***

***12.Таълим шакл, кскл ва воситаларини танлаш.***

***13.Вақт ўрнини белгилаш.***

***14.Машқлар тизимини ишлаб чиқиш.***

***15.Таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш учун топшириқ саволларини ва тест топшириқларини ишлаб чиқиш.***

***16 Лойиҳани ўқув жараёнига татбиқ этиш***

*13-слайд*

## БЛИЦ СЎРОВ МЕТОДИ

Ушбу метод тингловчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишни, мантиқий фикрлаш, турли маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни ўрагатишга қаратилган. Ушбу метод орқали тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўлиш каби кўникмаларни шакллантиради.

**“Блиц сўров” методининг босқичлари.**

- Методни ўтказилиш шартлари билан таништириш;
- Барча тингловчилар учун алоҳида-алоҳида тарқатма материаллар бериш ва материални синчиклаб ўрганишни сўраш;
- Тарқатмаларга берилган ҳаракатларни кетма-кетлигини белгилаб “якка баҳо” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқиш талаб этилади;
- Якка тартибда ишлашдан гуруҳ тартибида ишлашга ўтиш;
- Гуруҳларда ҳар бир тингловчи ўзи белгилаб чиққан ҳаракатлар кетма-кетлигининг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида бахслашадилар ва гуруҳ билан келишиб муқобил жавобларда тўхтайдилар. Гуруҳнинг ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилашдаги қарори тарқатманинг “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқилади;
- Гуруҳлар вазифани бажариб бўлганларидан кейин ўқитувчи томонидан тўғри жавоб берилади ва тарқатмалардаги “тўғри жавоб” бўлимига рақамлар билан ёзиб чиқиш сўралади.
- Ўқитувчи “тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамларни “Якка баҳо” ва “Гуруҳ баҳоси” бўлимларидаги рақамлар билан солиштиришни ва каттасидан кичигини солиштиришни, чиққан айирмаларни эса “якка хато” ва “гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзиб қўйишларини сўрайди;
- Ўқитувчи машғулотни якунлаб, баъзи гуруҳларнинг машғулот мобайнидаги иш фаолиятига ўз муносабатини билдиради ва иловадаги мезонлар асосида баҳолайди.

14-*слайд*

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ.

| Гурух баҳоси | Гурух хатоси | Тўғри жавоб | Якка хато | Якка баҳо | Ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 6 | | | Машқлар тизимини ишлаб чиқиш |
| | | 5 | | | Вақт ўрнини белгилаш |
| | | 3 | | | Таълим мазмунини ишлаб чиқиш |
| | | 8 | | | Лойиҳани ўқув жараёнига татбиқ этиш |
| | | 1 | | | Мавзуга оид материаллар йиғиш |
| | | 7 | | | Таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш |
| | | 2 | | | Таълим мақсади ва вазифаларини белгилаш |
| | | 4 | | | Таълим шакли, усул ва воситаларини танлаш |

## НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ.

| | |
|---|---|
| 8 та тўғри жавоб учун | "Аъло" |
| 6-7 та тўғри жавоб учун | "Яхши" |
| 4-5 та тўғри жавоб учун | "Қониқарли" |

## КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ

***Ушбу метод таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бошқаришга қаратилган. Метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, ўз фикрларини ифода этиши, бир-биридан ўрганиши, турли нуқтаи-назарларни инобатга олиш имконига эга бўлади. Тренер томонидан вақт белгиланади. Таълим берувчи томонидан бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолайди.***

***2-модул бирлигини ўзлаштириш жараёнида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидан фойдаланилади. Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратиб, мавзу юзасидан топшириқлар берилади. Гуруҳлар белгиланган вақт оралиғида топшириқни бажарадилар ва қоғозга ёзадилар. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, бажарилган вазифалар гуруҳ вакили томонидан тақдимот қилинади.. Ҳар бир тақдимотчи таълим берувчи ва тингловчилар томонидан баҳоланиб борилади. Тингловчилар баҳолаш мезонлари билан амалий машғулот бошлангунга қадар таништирилади ва баҳолаш варақалари тарқатилади. Барча тақдимотдан сўнг муҳокама бўлиб ўтади. Муҳокамада бажарилган вазифалар тўлдирилади ва хулоса қилинади.***

### ГУРУҲЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

**1-гуруҳ: “ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ” мавзусидаги 2-соатли назарий машғулот лойиҳалаштиринг ва режалаштиринг.**

**2-гуруҳ: “ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” мавзусидаги 2-соатли амалий машғулотни лойиҳалаштиринг ва режалаштиринг.**

**3-гуруҳ: “ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ва “ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ” тушунчаларини қиёсий таҳлил қилинг.**

**4-гуруҳ: Таълим жараёнига анъанавий ва ноанъанавий ёндошувларни қиёсий таҳлил қилинг.**

## ГУРУҲ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

| **Мезонлари** | **Баллар** | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2 | 3 | 4 | 5 |
| **Мазмунинг тўғри ёритилганлиги** | | | | |
| **Гуруҳнинг фаол иштироки** | | | | |
| **Белгиланган вақтга риоя этилганлиги** | | | | |
| **Тақдимоти** | | | | |

**Баҳолаш меъёрлари: Юқори балл-20 балл**

**18-20 баллгача -“АЪЛО” ;**

**15-17 баллгача -“ЯХШИ” ;**

**12 - 14 баллгача -“ҚОНИҚАРЛИ”;**

## 2- назарий машғулот бўйича кўргазмали материаллар

*1-слайд*




*2-слайд*



*3-слайд*

### ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ

| АСОСИЙ МЕТОДЛАР | Асосий методларнинг вариантлари |
|---|---|
| КУЗАТИШ МЕТОДИ | Ташқи (объектив кузатиш)<br>Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш)Эркин кузатув<br>Стандартлаштирилган<br>Гуруҳ ичида кузатиш<br>Гуруҳ ташқарисида кузатиш |
| СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ | Оғзаки сўроқ<br>Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат)<br>Стандартлаштирилган сўроқ |
| ТЕСТЛАР МЕТОДИ | Тест - сўров<br>Тест - топширик<br>Проектив тест<br>Социометрик тест |
| ЭКСПЕРИМЕНТ | Табиий эксперимент<br>Лаборатория эксперименти |
| МОДЕЛЛАШТИРИШ | Математик моделлаштириш<br>Мантиқий моделлаштириш<br>Техник моделлаштириш<br>Кибернетик моделлаштириш |

*4-слайд*



5-*слайд*




6-*слайд*



**2- амалий машғулот бўйича кўргазмали материаллар**

1-*слайд*




2-*слайд*



3-*слайд*




4-*слайд*



5-*слайд*

**ХАРАКТЕРНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

**Характер инсоннинг *хатти – ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади – одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг *ким* эканидан дарак беради.**

***Нутқнинг хусусиятлари* – баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез гапириши ёки босиклиги, эмоционал бой ёки жонсиз.**

***Ташқи қиёфа* – юзининг очиққёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳил эканлиги, қадам босишлари – тез ёки босик, майда қадам ёки салобатли, туриши – виқорли ёки камтарона.**

6-*слайд*

**ХАРАКТЕРНИ ЎРГАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

***Физиогномика*** – одам юз кирралари ва уларнинг бир – бирига нисбати оркали одам феъл – атворини урганиш.

***Хиромантия*** – кул бармоклари ва кафтдаги чизиклар оркали, куз ранги ва карашлар, соч ва унинг хусусиятлари оркали характерни урганиш.

***Конституцион назария*** – шахс характерини унинг ташки куриниши, тана тузилиши билан боглаш.

4-*илова*

**ЗИГ-ЗАГ ТЕХНИКАСИ**

***Ўзаро ўқитиш ягона тамойилга асослангандир: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт бўлади ва бошқаларга ўргатади.***

***1-босқич: Мустақил иш.*** Мустақил ўрганишлари учун гуруҳ ичида ўқув материалини тақсимлаш.

***2-босқич: Экспертлар учрашуви.*** Эксперт гуруҳларида ўқув материалини ҳамкорликда ўрганиб чиқиш ва ўзгаларни ўргатишга тайёрланиш.

***3-босқич: Ўзаро бир-бирини ўргатиш.*** Ўзаро ўргатиш, эгалланган билимларни ўзаро назорат қилиш ва баҳолаш

**Эксперт варағи №1.**

1.***Психологиянинг замонавий методлари ҳақида умумий тушунча.***

***2. Кузатиш методи характеристикаси.***

***3. Суҳбат методи ва унинг афзалликлари.***

**Эксперт варағи №2**

1. ***Эксперемент методи ва унинг ўтказиш босқичлари.***

***2. Моделлаштириш ва унинг психологиядаги аҳамияти.***

***3. Амалий психологиянинг йўналишлари***

**Эксперт варағи №3**

***4. Тестлар методи ва уларнинг шакилланиш тарихи.***

***5. Анкета ва интерьюю.***
***6. Психологик методлар ва диагностик ёндашув***

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
8. Байбаева М.Х. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. … дисс. – Т., 2012.
9. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
10. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003.
11. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
12. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
13. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
14. Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Изд. центр «МарТ», 2005.
15. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
16. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лащ – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
17. Селевко Г. К. Саморазвивающее обучение. Ярославль: ИПК, 1996.
18. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998.
19. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.

20. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
21. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В.Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.- 432с.
22. Сенькина Г.Е., Емельченков Е.П., Киселёва О.М. Методы математического моделирования в обучении: монография. – Смоленск.: Смол.гос. ун-т, 2007.
23. Сластенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
24. Степанов Р.И. Технологический подход к гуманизации образования. // Наука и образование. – 2003. - № 3.
25. Степихова В. Педагогика Френе в Швейцарии // Частная школа. 1995. №3.
26. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
27. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. 100 экзаменационных ответов по педагогике: Экспресс-справка для студентов вузов. – Ростов н/Д: МарТ, 2000.
28. Сытин Г. Н. Самоубеждение как средство воспитания и оздоровления личности: Автореферат диссертации на соискание степени доктора педагогических наук: – М., 1994.
29. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.
30. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
31. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.
32. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.
33. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
34. Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Т, ТДИУ.- 2007. 71-74 б.
35. Хакимова М,Хўжаев Н, Ахмедов Д.Педагогик технологиялар. ТДИУ.- 2007. 166 б.
36. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА “Раҳбар” маркази; “YUNAKS-PRINT” МЧЖ, 2006.
37. Базаров Т.Ю. Управление персоналом: Учебник для вузов / Под ред. Т.Ю.Базарова, Б.Л.Еремина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ, 2002.
38. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Иктисодий психология. Т.:Молия-иқтисод, 2005.
39. Каримова Л.И. Социальная психология рекламы. Т.: Шарқ, 2004.
40. Ғозиев Э.Ғ Умумий психология Т.: ЎзМУ, 2004
41. Ғозиев Э.Ғ Касб психологияси Т.: ЎзМУ, 2005
42. Ғозиев Э.Ғ Ижтимоий психология Т.: ЎзМУ, 2009